

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари:

С. А. Раззоқов, В. Г. Кан

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Р. Джалилов, Д. Х. Хамидуллаев

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ноширлик марказида чоп этилди. Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.

Баҳоси келишилган нархда.

Босишга рухсат этилди 30.09.2017.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан чиқа бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2017 йил, 3-сон

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

Ҳаракатлар стратегияси: ҳуқуқий ислоҳотлар**Стратегия действий: правовые реформы***Джавакова К. В.*

Стратегия правовой политики Узбекистана в развитии гражданского общества.....3

Мамасиддиқов М. М.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....10

Хожаназаров И. Э.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг стратегик аҳамияти.....14

Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш**Совершенствование судебно-правовой системы**

Пайзиев Д. Ю. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтириш масалалари.....19

Тураева Д. Р.

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш23

Джумабаев Д. З.

Лицензионно-разрешительная деятельность органов внутренних дел как государственно-управленческая и правовая категория.....27

Тураев Ш. М.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш.....31

Шарипов С. С.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизматининг фаолиятини такомиллаштириш.....37

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера:
С. А. Раззаков, В. Г. Кан

Дизайн и верстка
Д. Р. Джалилов, Д. Х. Хамидуллаев

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>
e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборот-номаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в Издательском центре Академии МВД Республики Узбекистан, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Цена договорная.
Подписано в печать 30.09.2017.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2017.

Жамоат тартибини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш

Обеспечение общественной безопасности и борьба с преступностью

Хамдамов А. А.
Особенности оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования.....41

Муродов А. Ш.
Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг криминологик тавсифи.....48

Жабборов З. Х.
Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқишнинг ҳуқуқий таҳлили.....54

Эшназаров М. Ж.
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки.....59

Фофуров Ш. Р.
Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янада такомиллаштириш масалалари.....63

Холов А. Т.
Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашнинг ташкилий ва ҳуқуқий чораларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари.....68

Мамажонов Ш. Ф.
Ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашни либераллаштириш.....73

Фуқаролик, ҳўжалик, тадбиркорлик ва экологик ҳуқуқ

Гражданское, хозяйственное, предпринимательское и экологическое право

Камалов О. А.
Маҳсулот етказиб беришда тадбиркорлик тараққиёти.....76

Аширбаева М. Х.
Ўзбекистон Республикасининг минтақавий табиий сув ресурсларини муҳофазалаш функцияси: ҳуқуқий табиати ва хусусиятлари.....81

Узакова Г. Ш.
Ер қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни қўллаш бўйича айрим масалалар: хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили.....87

Таълим-тарбия ва комил инсонни шакллантириш масалалари

Вопросы образования, воспитания и формирования гармоничного человека

Таджиметов Ш. А.
Коммуникатив компетентлик — ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини юксалтириш омили.....93

К. В. Джавакова

*И. о. профессора кафедры общественно-экономических
дисциплин Академии МВД Республики Узбекистан,
доктор философских наук*

СТРАТЕГИЯ ПРАВОВОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА В РАЗВИТИИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация. В статье раскрывается сущность, цели, задачи и функции правовой политики Узбекистана в сфере гражданского общества, ее значимость на современном этапе реформ.

Ключевые слова: политика, право, правовая политика, гражданское общество.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон ҳуқуқий сиёсатининг моҳияти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик жамияти соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатининг моҳияти, мақсад, вазифа ва функциялари, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги аҳамияти ёритилган.

Таянч тушунчалар: сиёсат, ҳуқуқ, ҳуқуқий сиёсат, фуқаролик жамияти.

Strategy of legal policy of Uzbekistan in development of civil society

Annotation. The article reveals the essence of legal policy of Uzbekistan in the sphere of civil society, its significance at present stage of reforms.

Key words: politics, law, legal policy, civil society.

Как известно, политика и право взаимосвязаны. С одной стороны, государство санкционирует и конституирует систему права, делая ее публичной, общеобязательной, всеобщей, причем ее нарушение влечет за собой меры государственного воздействия. С другой стороны, само государство поддерживается и обеспечивается правом. Ведь политика объективно нуждается в упорядоченности, стабильности и защите от произвола. Именно поэтому ее основное содержание, сложные политические ситуации и формы проявления являются объектом правового воздействия. В этой части политика подчинена действующему праву и должна функционировать в соответствии с правовыми требованиями¹.

Особенность взаимосвязи политики и права еще и в том, что они призваны обеспечить рациональные, научно обоснованные и стабильные принципы взаимоотношений

граждан в обществе, гарантировать им реальное осуществление прав и свобод. Именно на этой основе взаимосвязи и взаимообусловленности возникла правовая политика.

Однако, как показывает анализ изучения правовой политики, в современных источниках нет единого общепринятого определения правовой политики². Так, большинство исследователей предоставляют приоритет политике, считая, что политика — сложный социальный феномен, основное содержание которого связано с вопросами достижения, содержания и реализации власти субъектами политики для обеспечения своих интересов и потребностей. Особый социальный статус политики определяется ее универсальностью, способностью влиять практически на все отношения общества.

На самом же деле реализация политики требует соответствующего законодательного

обеспечения, принятия правовых актов, с помощью которых политика государства становится нормой общественной жизни. Право также выступает интегративной основой общества, оно объединяет и подчиняет граждан требованиям права, формируя соответствующие правовые отношения общества.

Как видим, тесная взаимосвязь политики и права определяет необходимость и значимость правовой политики как составной части государственной политики. Сегодня на новом качественном этапе демократического развития страны, главой государства Шавкатом Мирзиёевым выдвинута Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017—2021 гг., которая является продолжением осуществляемых в нашей стране реформ. Именно Стратегия действий, рассчитанная на пять лет, ознаменовала собой начало нового этапа развития в жизни нашего народа и государства. Каждая задача, указанная в этом документе, определяющем точные рубежи и важные приоритеты дальнейшего углубления демократических реформ и ускорения развития республики, неразрывно связана с жизнью людей и правовыми отношениями.

Правовая политика призвана сыграть особую роль в процессе проводимых в современном Узбекистане преобразований. Важность правовой политики, выход ее на передовые рубежи жизнедеятельности общества связаны со следующими обстоятельствами. Во-первых, правовая политика выступает гарантирующей разновидностью политики, так как направлена на упорядочение самой правовой сферы. Во-вторых, появление правовой политики есть реакция государства на заметное увеличение потоков юридической информации, которая иногда приводит к различным нестыковкам в правовом пространстве Узбекистана. В-третьих, заметное усиление роли права в жизнедеятельности общества и значимости правосознания в системе форм общественного сознания в условиях демократизации страны и другие подобные факторы предполагают и определенную координацию

данного процесса со стороны власти, некую управляемость в общих интересах. В-четвертых, наличие правовой политики позволяет более основательно и комплексно реагировать на криминальные проявления, а, следовательно, увереннее и результативнее бороться с ними.

Как видим, правовая политика призвана выступать определенным способом организации правовой действительности, средством ее упорядочения, что особенно важно в условиях построения правового демократического государства и гражданского общества в Узбекистане.

На наш взгляд, в целом правовая политика определяет стратегическое направление развития законодательства. Она зависит от цели и задач общества и определяет будущее, перспективы развития общества и государства. Отвечает на вопрос: что будет через десять, сто лет? Какие законы будут приняты в будущем? Какие законы будут считаться «устаревшими», «нежизнеспособными»? Какие законы «мешают» развитию общества, «висят в воздухе» либо отвергаются обществом? Кто будет рассматривать законы? Кого вовлечь в обсуждение — народ, экспертов, общественность?

Одним словом, процесс принятия законов и процесс их реализации — это круг вопросов правовой политики. На наш взгляд, правовая политика — это совокупность государственных средств и мер по развитию законодательства и его реализации. Из данного определения исходят две задачи: качество закона и его реализация. Следовательно, у государства должно быть непрерывное ясное видение процесса. Исходя из этого, можно определить задачи и функции правовой политики в Узбекистане.

Задачами правовой политики являются изучение состояния законотворческого процесса (какие законы надо принимать), реализация закона, внедрение в жизнь общества, повышение правовой культуры, борьба против правового нигилизма, повышение политико-правовой активности населения, активизация участия граждан в процессе реформ, внедрение эффективных механизмов диалога с народом (изучение мнения граждан через виртуальные, народные приемные).

Функциями правовой политики являются: коренное повышение качества законотворческой деятельности, направленное на усиление влияния принимаемых законов на ход общественно-политических, социально-экономических, судебно-правовых реформ; установление диалога с народом; отчетность перед народом; развитие современных форм осуществления общественного контроля, повышение эффективности социального партнерства; повышение общественной и политической активности институтов гражданского общества на основе вовлечения в процесс реализации законов через повышение правовой культуры и правосознания населения, организацию эффективного взаимодействия государственных структур с институтами гражданского общества, средствами массовой информации.

Сегодня в условиях глобализации растет потребность осуществления системных преобразований с учетом единых универсальных требований. И действенным источником преобразования социальной действительности является правовая политика. В каждой сфере жизни общества действует своя правовая политика. Так, правовая политика в сфере формирования гражданского общества имеет собственное юридическое содержание и самостоятельное значение в правовой жизни общества. В связи с этим серьезная ее проработка и эффективная реализация должны оптимизировать политические, экономические, социальные, культурные и иные отношения с тем, чтобы преодолеть сложившиеся негативные тенденции и формирование действенного гражданского общества. Любая политика, в том числе и правовая, начинается и состоит в ее четком формулировании и последовательном осуществлении.

Данная проблема исследуется многими учеными. Так, вице-президент Ассоциации юридических вузов России А. Малько отмечает: «Правовая политика как научно обоснованная, систематическая деятельность госорганов и институтов гражданского общества по выработке эффективных мер правового регулирования является неотъемлемой частью сегодняшней жизни»³.

Представляет определенный интерес вывод Е. Шорникова о том, что «стратегической целью (идеей) правовой политики в формировании гражданского общества является создание условий для свободного, естественного развития индивидов, а также выстраивание эффективного механизма правового взаимодействия между обществом и государством. Необходимыми, конкретными (тактическими) целями исследуемой правовой политики в настоящее время выступают: стимулирование развития общественных связей; создание правовых условий для развития экономических отношений; повышение действенности общественных объединений, местного самоуправления, средств массовой информации; формирование и развитие институтов частного права; определение приоритетов государства в идеологической сфере»⁴. В другой статье Е. Шорников пишет: «Правовая политика в сфере формирования гражданского общества должна представлять собой научно обоснованную, последовательную и системную деятельность государственных органов и социальных структур по созданию эффективного механизма правового регулирования, по цивилизованному использованию юридических средств в разрешении социально значимых вопросов общественного строительства»⁵.

Исследования показывают, что объектом регулирования правовой политики в сфере формирования гражданского общества являются политико-правовые отношения, правовые основы и механизмы осуществляемых преобразований в государстве и обществе, связанные с развитием гражданского общества. Предметом правовой политики в сфере формирования гражданского общества является формирование и реализация политики, определяющей стратегические цели политико-правового развития и конкретные задачи правового регулирования, которые направлены на обеспечение условий формирования гражданского общества, своей системы права, объединяющей целый ряд различных отраслей права. Данная политика осуществляется с помощью особой совокуп-

ности правовых средств и направлена на управление процессами правового развития в различных сферах жизнедеятельности гражданского общества (экономической, политической, социальной, культурной, семейной и др.)⁶.

Для более четкого уяснения сущности правовой политики в сфере формирования гражданского общества необходимо понять цели, функции, приоритеты, методы реализации, а также принципы, на основе которых строится правовая политика. Это - своеобразный комплекс «целей, мер, задач, программ, установок, реализуемых в сфере права и посредством права»⁷.

Так, важнейшей стратегической целью правовой политики в сфере формирования гражданского общества является создание социально-правовых условий для наиболее полной жизненной самореализации и удовлетворения интересов общества, отдельных индивидов и их коллективных образований. Конкретные цели, обуславливаются сутью стратегической цели и направлены на разрешение противоречивых и проблемных социально-правовых вопросов, обнаруженных при реализации стратегической цели.

Реализация целей правовой политики в сфере формирования гражданского общества находит отражение в функциях названной политики, осуществление которых имеет комплексный, синтезирующий характер, включающий в себя общие функции, присущие правовой политике в целом, и наиболее важные направления деятельности гражданского общества, отождествляемые с самой деятельностью институтов гражданского общества.

Ряд исследователей предлагают классифицировать функции на внутренние и внешние, где особое место в системе внутренних функций правовой политики в сфере гражданского общества отводится антикоррупционной функции⁸, специфичность которой обусловлена необходимостью реализации в тесном взаимодействии с государством. Взяв за основу имеющиеся определения правовой политики⁹, можно предположить, что правовая политика в сфере формирования гражданского общества — это целенаправленная, комплексная,

научно обоснованная последовательная деятельность государственных органов и негосударственных структур по формированию гражданского общества путем создания эффективного механизма правового регулирования при цивилизованном использовании юридических средств. Основываясь на существующих представлениях о гражданском обществе¹⁰, можно сделать вывод, что ведущее место в системе его специальных принципов должно занимать реальное обеспечение прав и свобод человека и гражданина. «Без прав человека нет демократии, не будет гражданского согласия»¹¹.

Двадцать шесть лет независимости Узбекистана стали временем становления и развития многообразных институтов гражданского общества, которые пользуются поддержкой широких слоев населения. Анализ достижений и перспектив социально-экономических и общественно-политических реформ свидетельствует, что избранный Узбекистаном свой путь построения сильного гражданского общества оправдал себя в реальных исторических условиях. Особенностью формирования основ правовой политики в сфере гражданского общества в Узбекистане является последовательное укрепление гражданских прав и обязанностей населения, вовлечение людей в общественные организации и на этой основе - повышение их политико-правовой культуры и социальной активности. Стратегический смысл поэтапного формирования правовой политики в сфере гражданского общества заключается в сохранении стабильности в обществе и в то же время создание необходимых организационно-правовых условий, экономических и правовых гарантий для полноценного формирования институтов гражданского общества и тем самым обеспечение их активного участия в преобразовании всех сфер жизни общества.

В Узбекистане эффективное взаимодействие государства и личности базируется на праве и на выстраиваемой на его основе политической деятельности граждан. Государство создает рациональную, внутренне согласованную систему правовых

норм (право), которые стимулируют инициативу, активность и самоуправление граждан, повышают их роль в управлении государством, устанавливают общественный контроль за деятельностью государственных органов. Личность и государство взаимодействуют посредством исполнения гарантированных и охраняемых законом прав и свобод, закрепленных в Конституции. Находясь в правовых отношениях, они несут юридическую ответственность за нарушение прав друг друга.

Как подчеркивал Первый Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов, «для нас гражданское общество — это социальное пространство, где верховенствует закон, который не только не противоречит, но и способствует саморазвитию человека, реализации интересов личности, максимальному функционированию ее прав и свобод. Одновременно с этим не должно допускаться ущемление прав и свобод других людей, т. е. свобода и законопослушание действуют одновременно, взаимодополняя и взаимовостребуя друг друга. Иначе говоря, законы государства не должны ущемлять права человека и гражданина, но и законы должны соблюдаться всеми беспрекословно»¹².

За годы независимости правовой механизм взаимной ответственности между гражданином и государством существенно обновился и стал играть заметную роль в становлении и функционировании в Узбекистане правового государства. Вместе с тем он еще не полностью отвечает требованиям времени. Современность доказывает, что недостаточно провозгласить и отслеживать определенные моменты в реализации идей гражданского общества, их необходимо закрепить в действующем законодательстве, а затем воплотить в практику, сделав реальностью в повседневной жизни каждого человека.

Благодаря правовой политике были приняты законы «Об общественных объединениях в Республике Узбекистан», «О негосударственных некоммерческих организациях», «Об общественных фондах», «Об органах самоуправления граждан», «О благотворительности», «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления», «О социальном

партнерстве», «О распространении правовой информации и обеспечении доступа к ней», «Об Уполномоченном при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства», «О защите детей от информации, наносящей вред их здоровью», «Об обращениях физических и юридических лиц» (в новой редакции) и др. В перспективе планируется принять законы «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О парламентском контроле»», «Об общественном контроле» и др.

Так, в Закон «О парламентском контроле», принятый 11 апреля 2016 г., вносится дополнение, согласно которому депутаты Законодательной палаты и члены Сената Олий Мажлиса будут изучать состояние исполнения законодательных актов, правоприменительной практики по решению Кенгашей палат парламента. Прежде это входило в полномочия только комитетов палат. И такой подход уже активно используется парламентариями.

Как поднять качество законов? Основные направления по правовой политике были высказаны Президентом Ш. Мирзиевым в ряде выступлений. Так, выступая на торжественном собрании, посвященном 24 летней годовщине Конституции Республики Узбекистан, Президент отметил, что «принцип верховенства закона, закрепленный в нашей Конституции, является важной гарантией обеспечения прав и свобод человека в обществе, эффективной реализации всех проводимых реформ. Вместе с тем, когда речь идет о полноте, жизненности и механизмах прямого действия законов, необходимо отметить, что нам предстоит еще многое сделать в этом направлении. При организации работы в этом направлении считаю необходимыми, прежде всего, тщательную разработку законопроектов, напрямую регулирующих общественные отношения, а также, что особенно важно, резкое сокращение ведомственных актов». И далее: «К сожалению, сегодня не в достаточной мере ощущается влияние законов на результативность реформ, остается низкой их роль в непосредственном регулировании

общественных отношений... Основной вопрос заключается в своевременном доведении до народа и ответственных исполнителей сути и значения законов, организации их правильного исполнения и обеспечении неукоснительного соблюдения их требований. К сожалению, состояние работы в этом направлении находится не на должном уровне»¹³.

Действительно, зачастую приказы и инструкции, которые выходят вслед за законом, «уточняют» его, способствуют тому, что закон теряет свое первоначальное содержание и смысл. К примеру, при рассмотрении проекта Закона «О распространении правовой информации и обеспечении доступа к ней» № 443 от 7 сентября 2017 г., разработанного в рамках реализации постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы распространения актов законодательства» от 8 февраля 2017 г., было выявлено, что «до сих пор порядок распространения правовой информации регулируется более 20 нормативно-правовыми актами. Но в них не конкретизированы полномочия государственных органов и иных организаций в сфере распространения правовой информации и обеспечения доступа к ней. Наряду с этим не систематизированы способы распространения правовой информации. В результате на практике наблюдаются серьезные упущения и недостатки в этой сфере. С принятием закона, как отмечалось на заседании, все эти вопросы будут разрешены»¹⁴. «Единственный путь эффективного решения этой проблемы — создание работающего слаженно, как часы, механизма по организации исполнения законов. В доведении до народа сути и значения законов нельзя ограничиваться лишь одной-двумя передачами или статьями Национальной телерадиокомпании Узбекистана, Национального информационного агентства и других средств массовой информации. Прежде всего необходимо создать эффективный механизм для разъяснения населению сути принятых новых законов, указов и постановлений»¹⁵.

Время не стоит на месте и требует

совершенствования и новизны. К примеру, актуальное значение приобретают регулярное ознакомление нашего народа с новыми законодательными актами, обеспечение их исполнения, повышение правовой культуры населения, особенно молодежи.

Руководством к действию в расширении масштаба работы в этом направлении служит принятое 8 февраля 2017 г. постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы распространения актов законодательства», которое предусматривает установление единого порядка распространения нормативно-правовых актов, определение принципиально новых подходов в данной сфере, закрепление механизмов организации исполнения вновь принимаемых законов и разъяснения среди населения их сути и значения.

Отныне государственные органы, ответственные за организацию исполнения, доведения до исполнителей и разъяснение среди населения их сути и значения, будут указываться в текстах проектов законов, вносимых в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Данный механизм способствует обеспечению эффективного и своевременного исполнения вновь принимаемых законов. Еще одним немаловажным моментом является то, что Министерство юстиции Республики Узбекистан определяется уполномоченным органом, осуществляющим координацию и контроль за деятельностью государственных органов и организаций по распространению нормативно-правовых актов, утверждается Схема распространения актов законодательства, разъяснения исполнителям и населению их сути и значения, где подробно описываются порядок и сроки распространения актов законодательства и др.

На видеоселекторном совещании в Законодательной палате Олий Мажлиса 12 июля 2017 г. глава нашего государства подчеркнул, что необходимо внедрить действенную систему обсуждения законопроектов с участием населения. Целесообразно ввести порядок, в соответствии с которым проекты законов, имеющих большое значение для жизни страны, после

принятия в первом чтении широко обсуждаются на местах с участием граждан, затем совершенствуются с учетом их предложений и мнений и выносятся на второе чтение. Отметим, что эта система уже работает. Депутатский корпус принципиально изменил свое отношение к законодательному процессу с учетом общественного обсуждения законопроектов. Следовательно, встреча главы государства с представителями парламента, политических партий сыграла ключевую роль в

совершенствовании их работы, укреплении обратной связи с электоратом.

Таким образом, в нашей стране есть четкое понимание того, что процесс демократических преобразований в сфере государственного строительства не является одномоментным, он постоянно углубляется по мере развития общественно-политической, социально-экономической ситуации в стране, по мере повышения политико-правовой культуры, роста общественно-политической активности населения.

¹ См.: *Погодин А. В.* Взаимодействие политики и права и проблемы правореализации в политической сфере // Ученые записки Казанского Университета, 2012. Т. 154, кн. 4 «Гуманитарные науки». — С. 124.

² См.: *Коробова А. П.* О многозначности понятия «правовая политика» // Правоведение. — 1999. — № 4; *Малько А. В., Шундинов К. В.* Правовая политика современной России: цели и средства // Государство и право. — 2001. — № 7; *Матузов Н. И.* Понятие и основные приоритеты российской правовой политики // Правоведение. — 1997. — № 4; и др.

³ *Малько А.* Правовая политика — понятие XXI века. 2 июля 2012 г. // Веб-сайт справочно-правовой системы «Право.Ру» — pravo.ru.

⁴ *Шорников Е. И.* Правовая политика государства в сфере формирования институтов гражданского общества // Новый юридический журнал. — 2012. — № 2. — С. 6-14.

⁵ Его же. Перспективы правового регулирования формирования и развития гражданского общества в России // Экономика и право. — 2012. — № 2. — С. 45-53.

⁶ См.: *Струсь К. А.* Специфика правовой политики в сфере формирования гражданского общества // Право и государство. Теория и практика. — 2009. — № 7.

⁷ См.: *Правовая политика России: теория и практика: Монография / Под ред. Н. И. Матузова, А. В. Малько.* — М., 2006.

⁸ См.: *Позов Д. Ш.* Виды правовой политики и основные направления ее реализации // Право и государство. Теория и практика. — 2007. — № 4. — С. 143-145; *Акопова С. Н.* Антикоррупционная функция Российского государства и гражданского общества: проблемы теории и практики: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Краснодар, 2011; и др.

⁹ См.: *Исаков Н. В.* Правовая политика современной России: проблемы теории и практики: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — Ростов-на-Дону, 2004; *Коробова А. П.* Правовая политика: понятие, формы реализации, приоритеты в Современной России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2000; *Тутенко Ю. А.* Принципы, виды и механизм реализации российской правовой политики: общетеоретический аспект: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Тамбов, 2007; и др.

¹⁰ См.: *Замбровский В. Я.* К вопросу о формировании гражданского общества и правового государства // Социально-экономические науки. — 1991. — № 6; *Перегрудов С. Н.* Гражданское общество как политический феномен. — М., 1992; *Тихомиров Ю. А.* Закон и формирование гражданского общества // Советское государство и право. — 1991. — № 8; *Бутенко А. П.* Государство: его вчерашние и сегодняшние трактовки // Государство и право. — 1993. — № 7; *Ильин М. В., Коваль Б. Н.* Две стороны одной медали: гражданское общество и правовое государство // Полис. — 1992. — № 1; и др.

¹¹ См.: *Политика. Власть. Право / Под ред. С. А. Комарова.* — СПб., 1999. — № 2. — С. 4.

¹² *Бакаева Ф. Х.* Государство и личность: взаимные права и обязанности // Гражданское общество. — 2005. — № 1. — С. 49.

¹³ *Мирзиёев Ш.* Обеспечение верховенства закона и интересов человека — гарантия развития страны и благополучия народа: Доклад избранного Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан // На посту. — 2016. — 10 дек.

¹⁴ См.: *Законы должны быть действенными // Народное слово.* — 2017. — 10 авг.

¹⁵ *Мирзиёев Ш.* Указ. раб.

М. М. Мамасиддиқов
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти
бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳамда мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: фуқаролик процесси, суд орқали ҳимоя, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, келишув битими, процессуал механизмлар.

Основные направления развития гражданского процессуального законодательства Республики Узбекистан

Аннотация. В статье проведен правовой анализ основных направлений развития гражданского процессуального законодательства Республики Узбекистан, даются рекомендации по совершенствованию законодательства в данной сфере.

Ключевые слова: гражданский процесс, право на судебную защиту, упрощенное производство, мировое соглашение, процессуальные механизмы.

The main direction of development of the civil procedural legislation of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The article analyzes the main direction of development of the civil procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, recommendations on improving legislation in this sphere are provided.

Key words: civil process, right to judicial protection, simplified proceedings, amicable agreement, procedural mechanisms.

Ўзбекистонда мустақилликка эришгач мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига оид мутлақо янги қонунлар қабул қилина бошлади. Улар, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Судлар, Прокуратура тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқалардир. Шу боис фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчиликни ушбу қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш зарурати юзага келди.

1997 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилинди. Унда фуқаролик процессуал қонунчиликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари, жумладан фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг етакчи принциплари, хусусан тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, судда иш

қўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги, фуқаролик ишларининг якка тартибда қўрилиши каби принциплар мустақамлаб қўйилди, суд қарорлари устидан шикоят ва протест келтириш институтига жиддий ўзгартишлар киритилди, шунингдек одатдаги суд ишларини юритишдан ўзгача бўлган суд ишларини ихчамлаштирилган тартибда қўриш ва ҳал этиш, яъни сирдан ҳал қилув қарори чиқариш, буйруқ тартибида иш юритиш институтлари жорий этилди.

Жамиятимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини қўшимча кафолатлаш, суд тизимининг қонунчилик асосларини халқаро ҳуқуқ норма ва принципларига мувофиқлаштириш, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишни соддалаштириш ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этишга қаратилган нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликда мустақамлаш мақсадида қабул қилинганига қарийб 20 йил тўлаётган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал

кодексига ушбу давр ичида 19 маротаба муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳозирги кунда фуқаролик процессуал қонунчиликдаги нормалар суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳамда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилишнинг мустақкам асоси вазифасини ўтамоқда. Бироқ айни вақтда умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг суд амалиётида кўпчиликни ташкил этаётгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган кафолатларини таъминлаш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда принципларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш зарурати суд орқали ҳимоянинг барча учун қулай ва самарали усулларини яратишни тақозо этаётган эди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчиликнинг тизимини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш, қонунчиликда мавжуд нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Таъкидлаш керакки, нафақат ҳуқуқни қўллаш амалиёти мутахассислари, балки илмий жамоатчилик, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам мазкур Кодекснинг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ва мазкур фармонга илова сифатида тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг¹ қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб

чиқишда муҳим омил вазифасини бажарди.

Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг² ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва жорий йилнинг 13 апрелида матбуотда эълон қилинган «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-428-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасини 2017 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси юклатилди³.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасини амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик муҳокамасининг натижалари, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Фуқаролик процессуал кодекснинг янги таҳририни тайёрлаш жараёнида ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, Ўзбекистонда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг сони кўпчиликни ташкил этмоқда. Агар биргина 2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича барча судларда биринчи инстанцияда кўрилган

фуқаролик ишларининг сони 146044 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 244432 тага етди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликка судда мазмунан кўриладиган низоли ишлар бўйича ҳам соддалаштирилган иш юритишнинг процессуал тартибларини жорий этишни тақозо этади.

Хусусан, айрим тоифадаги низоли, бироқ даъво миқдори муайян суммадан ошмайдиган талаблар учун, шунингдек даъво баҳосидан қатъи назар, даъвогар томонидан тақдим этилган жавобгарнинг пул мажбуриятларини тасдиқловчи ва шартнома бўйича унинг қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган даъво аризалари бўйича соддалаштирилган иш юритишга оид нормаларни янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексга киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Соддалаштирилган иш юритиш тартибига кўра, юқорида кўрсатилган ишлар бўйича даъво аризаларига илова қилинадиган ҳужжатлар судга ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида тақдим этилади. Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги суд ажримида даъво аризаси бўйича жавобгарга ёки бошқа манфаатдор шахсларга 15 иш куни давомида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун муддат белгиланади. Тарафлар суд белгилаган муддат ичида арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича ўз тушунтиришларини ва нуқтаи назарлари баён этилган асосли важларини ишни кўраётган судга ва бир-бирларига жўнатиш ҳуқуқига эга бўладилар. Далиллар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат тугагач судья тарафларни чақирмасдан туриб ишни соддалаштирилган тартибда кўришга киришади. Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён этилган тушунтириш, эътироз ёки важларни текшириб, белгиланган муддат ичида келиб тушган далиллар асосида ҳал қилув қарори чиқаради. Ҳозирги кунда бу каби амалиёт ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ, ГФР, қўшни Қозоғистон Республикаси ФПКда амалда бўлса, айрим давлатларда (Россия) мазкур масала қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан муҳокама қилинмоқда.

Судда мазмунан кўриладиган низоли ишлар бўйича соддалаштирилган иш юритишнинг процессуал тартибларини жорий этишда ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафлар ўртасида келишув битими тузиш орқали иш юритишни тугатишга эришиш катта аҳамиятга эга бўлади. Фуқаролик процессининг муҳим босқичи сифатида фуқаролик ишларини судда кўриш учун тайёрлашнинг муҳим жиҳатларидан бири тарафларнинг келишув битими тузиш орқали фуқаролик ишларини иш судда мазмунан кўрилгунига қадар тугатишга имкон яратиб беришидир. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим судьялар ФПКнинг 159 моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ишни судда кўриш учун тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш масаласига эътибор бермайдилар ва бунинг натижасида ушбу босқичда суд томонидан келишув битими тасдиқланган ишлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Масалан, 2014 йилда суд томонидан келишув битими тасдиқланган ишлар сони 115 тани, 2015 йилда 87 тани, 2016 йилнинг 9 ойида эса 53 тани ташкил этган.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш масаласига етарли эътибор бермасликнинг асосий сабабларидан бири Фуқаролик процессуал кодекснинг 159-моддасида тарафларни сўроқлашнинг процессуал тартиби ва уни расмийлаштириш, сўроқ жараёнига тарафларни чақирриш тартиби ва унга риоя қилмаслик оқибатлари, шунингдек сўроқлаш муддати ўз ифодасини топмаганлигидир. Ўз навбатида, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида махсус суд мажлислари ўтказилишининг тартиби ва механизмини назарда тутувчи нормаларнинг янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексга киритилиши ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида келишув битимлари тузиш ҳолатлари кўпайишига, фуқаролик ишларини суд мажлисларида мазмунан муҳокама қилмасдан, ишларнинг тўғри ва қисқа муддатларда кўрилиши ва ҳал қилинишини таъминлашга, турли оворагарчиликлар ҳамда ортиқча суд харажатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Ўрганилган қатор хорижий давлатлар Фуқаролик процессуал кодексларида дастлабки суд мажлиси номли алоҳида модда мавжуд. Унга кўра, дастлабки суд мажлиси ишни судда кўришга тайёрлаш босқичининг таркибий қисми бўлиб, ушбу босқичда тарафлар томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсади кўзланади.

Қолаверса, тарафлар ўртасида низони ўзаро келишув битими тузиш орқали яқунлашга нафақат ишни судда кўришга тайёрлаш, балки фуқаролик процессининг барча босқичларида эришиш мақсадида қонунчиликда тарафлар ўртасида ярашув таомилларини ўтказишнинг аниқ процессуал механизмини белгилаш ҳам муҳим. Ўрганилган аксарият хорижий давлатлар Фуқаролик процессуал кодексларида тарафлар ўртасида ярашув таомилларини ўтказиш шакллари, тартиби ва механизмларига бағишланган моддалар алоҳида бобларда жойлаштирилган. Хусусан, Қозоғистон ФПКнинг 17-бобида тарафларни яраштириш, келишув битими тузиш, унинг шакл ва мазмуни, келишув битимининг суд томонидан тасдиқланиши, келишув битимининг ижро этилиши, низоларни (келишмовчиликларни) медиация ҳамда партисипатив таомиллар асосида ҳал этиш тартиби ва унинг ижросига доир нормалар белгиланган.

Дарҳақиқат, фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этиш нафақат судьялар сонини кўпайтириш орқали, балки суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларини жорий этиш эвазига ҳам тезлашади.

Суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шакллари жорий этишнинг муҳим йўналишларидан яна бири тарафларни низоли ишни ўзаро келишув битими тузиш орқали яқунлашга рағбатлантирувчи нормаларни Фуқаролик процессуал кодексга киритишдир.

Суд мажлисига қадар низоларни келишув битими тузиш орқали ҳал этишнинг афзалликлари Германиянинг «Суд харажат-

лари тўғрисида»ги низомида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, агар тарафлар биринчи инстанция судида ўзаро келишув битими тузишга келишиб олсалар ва ушбу келишув суд музокараларига қадар амалга оширилган бўлса, тарафлардан суд харажатлари ундирилмайди; ўлка ёки федерал судларда келишув битимига эришилса, суд харажатларининг ярми ундирилади. Бу эса мазкур Низомнинг тарафлар ўртасида келишув битими тузилишида рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариб келаётганидан далолат беради. Шунингдек, Россия Федерациясининг 2002 йил 24 июлдаги Арбитраж процессуал кодекси 141-моддасида агар тарафлар ўртасида келишув битими тузилган бўлса (суд ҳужжатини ижро этиш босқичида тузилган келишув битимларидан ташқари), федерал бюджетдан даъвогарга у томонидан тўланган давлат божининг тенг ярми қайтариб берилиши белгилаб қўйилганлиги ҳам тарафларни келишув битими орқали иш юритишни тугатишга қаратилган муҳим чоралардан бири ҳисобланади. Шундай экан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида тарафларни низоли ишни ўзаро келишув битими тузиш орқали яқунлашга рағбатлантирувчи нормаларни киритишга эътибор бериш лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик ишлари бўйича одил судловнинг самарадорлигини оширишга қаратилган вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан судда мазмунан кўриладиган ишлар юзасидан соддалаштирилган иш юритишнинг процессуал тартибларини жорий этиш ҳамда суд ишларини тўғри, ўз вақтида кўриш ва ҳал этишни таъминловчи процессуал чораларнинг такомиллаштирилиши билан узвийдир. Бу борада ривожланган давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини ўрганиш, амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70 м.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 8. — 109 м.

³ Қаранг: Халқ сўзи. — 2017. — 13 апр.

И. Э. Хожаназаров
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят
процессуал ҳуқуқ кафедраси бошлиғининг
ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг моҳияти ва стратегик аҳамияти ёритилган, уларнинг мақсад ва вазифалари, асосий йўналишлари ва ҳуқуқий тавсифи таҳлил қилинган.

Таянч тупунчалар: ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий ислоҳот, фуқаролик жамияти, либераллаштириш, стратегия, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий тизим, суд-ҳуқуқ тизими.

Стратегическое значение правовых реформ, проводимых в Республике Узбекистан

Аннотация. В статье раскрываются сущность и стратегическое значение проводимых в Узбекистане правовых реформ, проанализированы их цели, задачи, основные направления и правовая характеристика.

Ключевые слова: правовое государство, правовая реформа, гражданское общество, либерализация, стратегия, правовая политика, правовая система, судебная-правовая система.

Strategic value of legal reforms spent to Republic Uzbekistan

Annotation. The article deals with the importance and strategic significance of the contents of legal reforms carried out in Uzbekistan. The author gives a definition to the legal reforms and analyses the purpose and tasks of legal reforms and their main directions.

Key words: legal state, social reform, legal reform, civil society, liberalization, strategy, legal policy, judicial system, legal system.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач мамлакат ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар йўлини тутди. Ўтган чорак аср мобайнида амалга оширилган ислоҳотлар улкан самара берди.

Бугунга келиб «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» эълон қилиниши билан мазкур ислоҳотлар тамомила янги босқичга кўтарилди. Ушбу ҳужжатда таъкидланишича, жаҳон бозоридаги кескинлик ва глобаллашув шароитида рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани «давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда»¹.

Шундан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар

томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича бешта устувор йўналиш белгиланди². Мазкур йўналишлар мамлакат ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилишнинг бутун мазмун-моҳиятини ҳам қамраб олади.

Барча соҳалардаги сингари мамлакат ҳуқуқий тизимида ҳам туб ислоҳотларни амалга ошириш давр талабидир. Ҳуқуқий ислоҳотларнинг зарурлиги масаласига келганда шуни таъкидлаш лозимки, XX аср сўнгида Ўзбекистон Республикаси ўз суверенитетини қўлга киритгач, янги демократик бошқарув тизимига ўтиш, яқин ўтмишдагидан бутунлай фарқ қиладиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланадиган адолатли давлат ва фуқаролик жамияти қуриш бошланди. Табиийки, янги ҳуқуқий асосларсиз буларни амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳуқуқий ислоҳотлар

ўтказиш зарурати юзага келди. Бу ислохотлар, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим эди. Ушбу йўналишлар сирасига ҳуқуқий тизимни либераллаштириш, инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш, қонун ижодкорлигининг узоқ муддатли стратегияси (концепцияси)ни ишлаб чиқиш, одил судловни таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш, мамлакатимизда амалга оширилажак ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш кабиларни киритиш мумкин.

Айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва аёнки, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга тайёрлигига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир... Асосий масала - қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборат»³.

Эътибор қилинадиган бўлса, мазкур раҳбарий кўрсатмада қонун устуворлиги принципи инсон ҳуқуқ ва эркинликларига хизмат қилиши нуқтаи назаридан талқин этилмоқда.

Инсонларнинг эркинликларини кафолатлаш нафақат ислохотларнинг мезони, балки демократик давлат фаолиятига қўйиладиган муҳим талабдир. Бу хусусда соҳибқирон Амир Темур қуйидаги ибратли сўзларни айтган эди: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Ушбу ҳикматда «эркинлик» ва «қонун» муҳим инсоний қадриятлар сифатида улуғланган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳуқуқий тизимни янгилаш борасида инсон манфаатларидан келиб чиқиб, ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги давр Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётини тубдан янгилаш учун кенг миқёсли ислохотлар олиб борилаётгани билан ажралиб туради. Либераллаштириш ана шу ислохотларнинг марказий мантиғи бўлиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёни, ўз мазмун-моҳиятига кўра, бугун биз амалга ошираётган барча ўзгаришларни боғлаб турувчи ўзига хос занжир вазифасини ўтамоқда. Ҳуқуқий ислохотнинг моҳияти яна шундаки, у жамият ривожланишида келиб чиқаётган маълум эҳтиёжларни аниқлаб, жамиятнинг ўша соҳаси ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига хизмат қилади.

Сўнги йилларда ислохотларни амалга оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланишига хизмат қиладиган, халқимиз маънавий дунёқараши ҳамда одоб-ахлоқ мезонларига асосланган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар, бир томондан, мамлакатда ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг самарадорлигидан далолат берса, иккинчи томондан ислохотлар туфайли пайдо бўлаётган янги муносабатларнинг тартибга солинишига асос бўлмоқда.

Ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш тажрибаси миллий ҳуқуқий тизим андазасини ишлаб чиқишни, уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олишни кун тартибига қўймоқда.

Ҳуқуқий ислоҳотларнинг конституциявий тузум принципларини жамият тараққиёти мезонлари билан уйғунлаштирадиган қисми конституциявий ислоҳот саналади. Бунда ижтимоий зарурат туфайли конституциянинг тузилишига, матнига ўзгартишлар киритиш масаласи қўйилиши мумкин.

Давлатчилик қурилиши билан боғлиқ равишда сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, 2014 йил 16 апрелда Асосий қонунимизнинг 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига жамоатчилик назорати, парламент назорати институтларини қонунлаштириш, ҳукуматнинг парламент олдида ҳисобот бериши ва ўз дастурини тақдим этиши, маҳаллий ижроия ҳокимиятларининг масъулиятини ошириш, Марказий сайлов комиссиясини доимий ишловчи конституциявий органга айлантириш масалаларига оид бир қатор янги қоидалар киритилди.

2017 йил 28 мартда Конституциямизнинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 112-моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакат Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016 йил 21 октябрь) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 21 февраль) фармонларида ўз ифодасини топган муҳим ғоя ва янгиликлар асосида амалга оширилди⁴.

Конституциямизда инсон ва унинг ҳуқуқлари биринчи ўринга қўйилган. Шу ўринда унинг кадр-қимматини ошириш, талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг борган сайин кучайиб бориши ҳуқуқий ислоҳотнинг самарали кечаётганидан дарак беради.

Шунингдек, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун жиноий-ҳуқуқий нормаларда сақланиб қолган тоталитар тузум асорати бўлмиш жазолаш тизимининг репрессив, шафқатсиз функцияларини чеклаш ва қисқартириш ҳисобига қонун ҳужжатларининг адолатлилиги ва инсон-парварлигини кучайтиришга хизмат қилди.

Юқорида айтилганлар давлат қурилиши соҳасини такомиллаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳам ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари эканлигидан далолат беради.

Ҳуқуқий ислоҳотлар жамиятимиз равнақининг қонуний асосларини яратишга хизмат қилиши керак. Бунинг учун шахснинг демократик ривожланиш қоидаларига риоя этиши талаб этилади. «Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси, аввало, халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиш ва шундан хулоса чиқариш билан белгиланади»⁵. Жамият аъзоларининг юксак ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги ана шундай воситалардан биридир. Шу боис ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришни ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида санаб ўтиш лозим. Зеро, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Республикамизда ижтимоий тараққиёт ўзининг янги босқичига кирган ҳозирги шароитда инсон ва жамият, жамият ва давлат ўртасида ҳуқуқ ёрдамида тартибга солинадиган муносабатлар, жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлган ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг даражаси ҳуқуқий ислоҳотлар мақсадига эришишда ўта долзарб аҳамият касб этади.

Шунинг учун бугунга қадар ўтказилган ҳуқуқий ислоҳотларнинг ютуғи бўлган Конституция ва қонунлар ижтимоий-ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура ва маданиятнинг маҳсули сифатида вужудга келиб, аҳолининг ҳуқуқий онги, тафаккури, мафкураси ва маданиятини шакллантириш, йўналтириш ҳамда юксалтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай экан, ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида инсон ҳуқуқлари даражаси жамиятнинг маърифати ва демократик принциплари билан ўлчанади. Конституция-мизнинг 13-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, унга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Конституция нормаларини татбиқ этиш ҳуқуқни татбиқ этиш жараёнининг муҳим кўриниши бўлиб, қонунда мустақамланган принципларнинг тўлиқ таъминланишини тақозо этади. Конституция ҳуқуқий ислоҳотнинг бош манбаи экан, у ўтказилаётган ислоҳотнинг барча (суд-ҳуқуқ, қонунчилик ва бошқа) турларида йўналтирувчи мезон вазифасини ўтайди. Шундан келиб чиқиб, Конституция, қонунлар, қонуности ҳужжатларини юридик амалиётга тўлиқ жорий қилиш, Конституция ва қонун нормаларининг ишлаш механизмини такомиллаштириш кун тартибидаги долзарб масалалардандир.

Ҳуқуқий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ижтимоий ҳаётни тартибга солиш, қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, қонун устуворлигига эришишдан иборат. Ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга оид янги нормалар шакллантирилганида барча давлат органлари, айниқса, суд бу нормаларнинг амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади. Ҳуқуқни амалга ошириш эса муайян давлат ҳокимияти

органларининг қонун яратиши, қонунга асосланган бошқа норматив ҳужжатларни қабул қилиши ва шарҳлашида намоён бўлади. Бу эса қонунчиликнинг сифат даражаси билан боғлиқдир.

Хўш, қонунчилик сифати нима билан боғлиқ? Бу, авваламбор, қабул қилинажак қонунларнинг бугунги кун, яъни замон талабларига жавоб бера олиши, шунингдек келажакка қаратилганлигидир. Маълумки, ижтимоий муносабатлар тараққиёти давомида қонунлар сифат жиҳатидан эскириб қолиши мумкин, бу эса уларни доимо такомиллаштириб туришни тақозо этади. Бунда ижтимоий муносабатларнинг истиқболлини олдиндан аниқлай билиш (ҳуқуқий прогноз) муҳим ўрин тутди ва қонунларнинг сифат даражаси юқори бўлишига кўмаклашади. Ҳуқуқий ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ана шу вазифанинг бажарилишига боғлиқ бўлади.

Айни пайтда, қонун чиқарувчи орган интилган ижобий мақсадга олиб келиши керак бўлган натижа келиб чиққандагина ҳуқуқ амалга оширилишига эришилган ҳисобланади. Бунда фақат ҳуқуқни амалга ошириш жараёни эмас, балки ҳуқуқни амалга ошириш механизмининг йўлга қўйилиши ҳам эътиборга молик. Жумладан, ҳуқуқий ислоҳот ўз олдига қўйган муҳим вазифалардан бири ҳуқуқни амалга оширишнинг оқилона механизмини яратишдир.

Ислоҳотларнинг яна бир муҳим вазифаси ҳуқуқий давлатнинг асосий принципларидан бири бўлган қонунийликни таъминлаш ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказиш давомида давлат томонидан қонунийликни таъминлаш воситаларига алоҳида эътибор қаратилиши катта аҳамиятга эга.

Барча ислоҳотлардан кўзланган яқуний мақсад юртимизда демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо этишдир.

Фуқаролик жамияти муайян ижтимоий ва хусусий манфаатлар ҳамда эркин иқтисодий муносабатлар уйғунлиги асосида қарор топадиган, ҳуқуқий давлатчилик тарзидаги ўзига хос сиёсий шаклда,

маънавий-ахлоқий негизда намоён бўладиган ижтимоий макондир. Фуқаролик жамияти давлатдан мустақил ва холи муносабатлар ҳамда воситалар тизими бўлиб, шахс ва жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади⁶.

Шундай қилиб, ҳуқуқий ислоҳот давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган комплекс, умумий мақсадга йўналтирилган, ташкилий-ҳуқуқий ҳаракат ва воситалар мажмуи бўлиб, ҳамиша ўзгариш, янгиланиш ва такомиллаштиришга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Ҳуқуқий ислоҳот — ижтимоий ислоҳотнинг таркибий қисми ва алоҳида тури, бутун ҳуқуқий ҳаёт соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини, қонун

устунлигини, қонунчиликда адолат ва инсонийликни, жамият ҳаётини демократлаштириш жараёни узлуксиз бўлишини, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришни таъминлашга қаратилган, ўз мақсад ва вазифалари, йўналишлари, принцип ва хусусиятларига эга бўлган туб ўзгаришлар йиғиндисиدير.

Дарҳақиқат, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — ҳуқуқий ислоҳот натижасида эришилиши мумкин бўлган стратегик вазифа. Уни адо этиш учун ҳар бир инсон ҳуқуқий ислоҳотнинг тўла ҳуқуқли субъекти мақомига мос келадиган фазилатларга эга бўлиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши лозим. Зеро, фуқаролик жамияти шакллана боргани сайин ҳар бир шахс фозиллик сари юксалиб боради ва жамият ҳаётида ўзини намоён этишнинг кенг имкониятларига эга бўлади.

¹ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. — Т., 2017. — Б. 3—4.

² Ўша манба.

³ *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. — Т., 2017. — Б. 8-9.

⁴ Қаранг: Халқ сўзи. — 2017. — 29 март.

⁵ *Каримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 105.

⁶ Қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва баркамол жамият орзуси. — Т., 2012. — Б. 179—180.

Д. Ю. Пайзиев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ва
жиноят-ижроя ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

ЯРАШИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЙЙ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институтининг шаклланиши ва ривожланиши, ҳозирги ҳолати, шунингдек мазкур нормани қўллаш билан боғлиқ айрим муаммолар кўриб чиқилган. Ўтказилган таҳлиллар асосида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институтини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: ярашув институти, инсонпарварлик принципи, хорижий тажриба, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жиноят субъекти, жабрланувчи.

Вопросы расширения института освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы становления и развития института освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением, его современное состояние, а также некоторые проблемы его применения. На основе проведенного анализа формулируются научно обоснованные предложения по совершенствованию института освобождения от ответственности в связи с примирением.

Ключевые слова: институт примирения, принцип гуманизма, зарубежный опыт, освобождение от уголовной ответственности, субъект преступления, потерпевший.

Issues of expansion of the institute of releasing from criminal responsibility in connection with the conciliation.

Annotation: The article deals with the formation, development of the institute of releasing from criminal responsibility in connection with the conciliation, its modern state, and some problems of its application. On the bases of conducted analyses, scientifically grounded proposals on improvement of the institute of releasing from criminal responsibility in connection with the conciliation are formulated.

Key words. institute of conciliation, principles of humanism, foreign experience, releasing from criminal responsibility, subject of the crime, victim.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кўплаб миллий анъана ва урф-одағларимиз тикланди, инсонпарварликка асосланган қадриятларимиз ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилди. Ўзбек халқининг эзгу қадриятларини ўзида ифода этган ана шундай институтлардан бири ярашув институтидир.

Мазкур институт мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси-

да»ги (2001 йил 29 август) қонуни асосида жорий қилинган.

Ярашув институти бугун қирққа яқин хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топган. Бироқ дунёнинг ривожланган давлатлари суд амалиётида тўлиқ синовдан ўтган, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятида инсонпарварлик принципларига батамом мос келадиган ушбу институт миллий қонунчилигимизга хорижий тажриба асосидагина кириб келмаган, балки халқимизга хос кечиримлилик, инсонпарварлик, бағрикенглик каби азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, жиноят содир этган шахс билан жабрланувчининг ўзаро келишуви тарихда ҳам кенг қўлланилган. Хусусан, жиноят содир этган шахс жабрдийдага товон тўлаган тақдирда жабр кўрган тараф уни кечириб, қозидан айбдорни жазодан озод этишни талаб қилишга ҳақли бўлган.

Ярашув институти шахсининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарлик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишда ҳам алоҳида ўрин тутди. Шу боис ярашув институтининг жиноят қонунчилигига жорий этилгани фуқаролар, айниқса, қариндошлар-уруғлар, кўни-қўшнилар ўртасида келиб чиқадиган салбий муносабатларни мурсою мадора йўли билан ҳал этишга хизмат қилмоқда. Бу эса қонунларимиздаги одиллик ва инсонпарварлик принциплари устуворлигининг яққол намунаси. Чунки «...қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шакллари билан бири — ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлди»¹.

Мазкур институт халқимизнинг урф-одат ва анъаналаридан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда ифода этилгани учун ҳам бугун амалиётда энг самарали қўлланаётган институтлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов: «Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди»², — деб таъкидлаган эди.

Ярашув институти қўллаш мумкин бўлган жиноят таркиблари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жиноят кодексидagi бундай жиноят таркиблари 2001 йилда 26 та моддада акс этган бўлса, 2004 йилда — 30 та, 2005 йилда — 31 та, 2009 йилда — 40 та, 2012 йилда — 44 та, 2016 йилда эса 45 тага етказилди. Бугунга келиб амалдаги Жиноят кодексининг 66¹ моддасига мувофиқ 61 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти қўллаш имконияти юзага келди.

Жиноят-процессуал муносабатларда ярашув институтининг қўлланилиши натижасида жиноий жавобгарликдан озод бўлган шахслар ҳам кўпайиб бормоқда. Хусусан, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар 2002 йилда 8879 нафарни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 15870 нафарга етди. Бугунга келиб ярашув институти қўлланилиши натижасида 200 мингдан ортиқ шахс мазкур инсонпарварлик принципларидан баҳраманд бўлганлиги жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар йил сайин ортиб бораётганидан далолат беради.

Ярашув институти жамиятда судланган шахслар сонини камайтирибгина қолмай, бунинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларининг олдини олиш имконини бермоқда. Зеро, айбига иқрор бўлиш, етказилган зарарни ихтиёрий бартараф этишни рағбатлантираётган мазкур самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатлари ва у билан боғлиқ сарсонгарчилик, сарф-харажатларга барҳам бериб, жараённи тезлаштириш ва соддалаштириш сари кенг йўл очмоқда.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, чет давлатлар, хусусан Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Монголия, Россия, Туркманистон, Украина қонунчилигига кўра, ярашув институти фақат жиноятни биринчи марта содир этган шахсларга қўллаш мумкин бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ уни муқаддам ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этгани учун судланган шахсларга уларнинг судланганлик ҳолати бекор қилинмай туриб ҳам қўллаш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, бугунга келиб амалдаги қонунчилигимизда оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлиги олиб ташланган шахслар ҳам, агар жабрланувчи билан ярашса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниш имконига эга бўлди.

Бу эса қонунларимизнинг либераллашиб бораётганидан далолат беради.

Амалдаги жиноят қонуни нормасига мувофиқ, ярашув институтини қўллаш учун қуйидаги шартлар бажарилган бўлиши лозим:

1) содир этилган жиноий қилмиш Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган бўлиши;

2) жиноят содир этган шахс, яъни гумон қилинувчи ёки айбланувчи айбига иқрор бўлиши;

3) жабрланувчига етказилган зарар бартараф қилинган бўлиши;

4) жабрланувчи билан гумон қилинувчи (айбланувчи) ярашган, яъни жабрланувчи айбдорни кечирган бўлиши.

Ушбу шартлардан бирортасининг бажарилмаслиги жиноят иши бўйича ярашув институти қўлланишини истисно этади.

Таъкидлаганимиздек, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин. Бинобарин, ярашув институти деганда жабрланувчининг айбдорни кечиришигина эмас, балки жиноят содир этган шахсга нисбатан дастлабки билдирилган талаб ва даъволаридан воз кечишини ҳам тушуниш лозим.

Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, аҳолининг одил судловга ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида янги босқичдаги кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

ПФ-4850 сон фармонида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти кенгайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилганлиги олдимизга мазкур институтни қўллаш имкониятини янада кенгайтириш вазифасини қўяди.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида ярашув институти такомиллаштириш юзасидан баъзи таклифларимизни билдирмоқчимиз.

Биринчидан, Жиноят кодексининг 66¹-моддасида ярашув институти қўллаш асослари ва шартлари белгиланган бўлиб, улардан бирининг бажарилмаслиги (масалан, 66¹-моддада назарда тутилмаган жиноятнинг содир этилиши ёки айбга иқрор бўлмаслик), томонлар ярашган тақдирда ҳам, мазкур институтнинг қўлланишини истисно этади ва бундай ҳолатларда томонларнинг ярашганлиги ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Шу боис жиноят субъектининг жабрланувчи билан ярашганлиги ижобий ҳодиса эканлигини инобатга олиб, ярашув институти қўллаш мумкин бўлмаган тақдирда ҳам ярашганликни жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар (ЖК 55-м. 1-қ.) рўйхатига киритиш ҳамда шахсга жазо тайинлашда инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Бундай тажрибани айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Озарбайжон (ЖК 59-м. 1-қ. 10-б.), Грузия (ЖК 53-м. 3-қ.), шунингдек Польша давлатларининг жиноят қонунларида жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида белгилаб қўйилган.

Иккинчидан, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти қўлланилиши мумкин бўлган нормалар сони мазкур институт жорий қилинганидан ҳозирги кунга қадар бир неча мартаба кўпайиб, ҳозирги кунда ЖК 66¹-моддасининг ҳажмини ошириб

юборган (икки саҳифани эгаллайди). Шу боис ЖКнинг 66¹-моддаси биринчи қисмида ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиш чораси қўлланилиши мумкин бўлган жиноят таркибларининг рақамларинигина кўрсатиб, жиноят турларининг номларини модда таркибидан чиқариб ташлаган маъқул. Қолаверса, бундай техник ечим Жиноят кодекси Умумий қисмининг бошқа моддаларида (жумладан, 17-м., 79-м. 2-қ.) ҳам ўз ифодасини топган;

Учинчидан, ЖКнинг 66¹-моддаси биринчи қисмига 112 (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш), 166 (Талончилик) ҳамда 184 (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) моддаларнинг биринчи қисмларида ифодаланган жиноятларни ҳам кiritиш орқали мазкур институтнинг қўлланиш доирасини кенгайтиришни таклиф этамиз.

Зеро, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятини содир этганлик учун — Россия (ЖК 119-м. 1 ва 2-қ.), Арманистон (ЖК 137-м. 1-қ.), Молдова (ЖК 155-м. 1-қ.), Беларусь (ЖК 186-м. 1-қ.), Украина (ЖК-129 м. 1-қ.), Озарбайжон (ЖК 134-м.), Қозоғистон (ЖК 115-м.), Қирғизистон (ЖК 113-м.), Тожикистон (ЖК 120-м.) давлатларида; талончилик жиноятини содир этганлик учун — Россия (ЖК 161-м. 1-қ.), Молдова (ЖК 187-м. 1-қ.), Беларусь (ЖК 206-м. 1-қ. ва 2-қ.), Қозоғистон (ЖК 191-м. 1-қ.), Қирғизистон (ЖК 167-м. 1, 2 ва 3-қ.) ва Тожикистонда (ЖК 248-м. 1-қ.); солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини содир этганлик учун эса Россия (ЖК 198-м. 1 ва 2-қ., 199 м. 1-қ.), Арманистон (ЖК 205 м. 1 қ.), Молдова (ЖК 244-м. 1 қ., 244-1-м. 1 ва 2-қ.), Беларусь

(ЖК 243-м. 1-қ.), Украина (ЖК 212 м. 1, 2 ва 3-қ.), Озарбайжон (ЖК 213-м. 1, 2 ва 3-қ.), Қозоғистон (ЖК 244-м., 245-м. 1 ва 2-қ.), Қирғизистон (ЖК 211, 212 ва 213-мм.), Тожикистон (ЖК 292-м. 1-қ., 293-м.) давлатларида ярашув институтини қўллаш мумкинлиги белгиланган.

Тўртинчидан, амалдаги ЖКнинг 66¹ моддаси иккинчи қисмида белгиланган «огир ёки ўта огир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилинмайди» деган қoidдани 18 ёшга тўлмаган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, аёллар ҳамда 60 ёшдан ошган шахсларга қўлламасликни тавсия этамиз.

Бешинчидан, ярашув институти қўлланилиши мумкин бўлган амалдаги жиноят таркибларида зарар — жабрланувчи (жисмоний шахс)га, айримларида эса (масалан, ЖКнинг 179, 185² ва бошқа моддаларида) давлат ва жамият манфаатларига етказилиши мумкин. Бироқ ЖК 66¹-моддасининг биринчи қисмида ярашув институтини қўллаш шarti сифатида «жабрланувчи билан ярашиш» белгиланган бўлиб, жабрланувчи юридик шахс бўлганида мазкур институтни қўллаш шартлари назарда тутилмаган.

Шу сабабли ЖК 66¹-моддасини «Жиноят содир этилиши натижасида жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилган ҳолларда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқror бўлса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, етказилган зарарни баргараф этса, жинойий жавобгарликдан озод қилинади», деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдиришни таклиф этамиз.

² Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Т., 2005. — Б. 186.

³ Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. — Т., 2011. — Б. 360.

Д. Р. Тураева

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ва
жиноят-ижроя ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси*

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада жиноят процессида жабранувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштиришга доир долзарб масалалар кўриб чиқилади ҳамда ушбу механизмнинг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилади.

Таянч тўшунчалар: жиноят процесси, жиноят, жабранувчи, ҳуқуқларни муҳофаза қилиш механизми, жиноят процесси иштирокчилари, ҳуқуқ ва ҳимоя, жиноят натижасида етказилган зарар.

Совершенствование механизма охраны прав и интересов потерпевшего в уголовном процессе

Аннотация. В статье рассматриваются актуальные вопросы совершенствования механизма охраны прав и интересов потерпевшего в уголовном процессе и даются конкретные рекомендации по повышению эффективности данного механизма.

Ключевые слова: уголовный процесс, преступление, потерпевший, механизм охраны прав, участники уголовного процесса, право и защита, вред, нанесенный преступлением.

Perfection of the mechanism of protection of the rights and interests of the victim in criminal trial

Annotation. The article deals with urgent questions on improvement of mechanism of protection of the rights and interests of the victim in criminal trial and specific recommendations on improvement of effectiveness of the mechanism are given.

Key words: criminal trial, crime, victim, mechanism of protection of the rights, participants of criminal trial, right and protection, cause damage by crime.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларидан кўзланган асосий мақсадлардан бири қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016 йил 21 октябрь) фармонида мазкур соҳадаги давлат сиёсати доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш назарда тутилган. Мазкур ҳолат фуқаролар

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини кучайтириш, уларнинг манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Айни вақтда жиноят-процессуал қонунчиликнинг энг асосий вазифаларидан бири жиноят натижасида жабранган шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг самарали механизмини яратиш ва такомиллаштириш эканлигини ёддан чиқармаслик керак.

Жабранувчининг жиноят процессида иштирок этиши жиноят ишини юритиш жараёнида ўз ҳуқуқларини тиклашига эришишнинг асосий воситаси бўлиб, жиноят натижасида шахсга мулкӣ, жисмонӣ ва маънавий зарар етказилганидан келиб чиқади.

Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи, жиноятдан жабр кўрган, тегишли ҳуқуқий мақомига эга бўлган шахс жабрланувчи деб тан олинади. Ўзбекистон юридик энциклопедиясида жабрланувчига қуйидагича таъриф берилган: «Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54—55-моддаларига мувофиқ, жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади»¹.

Жабрланувчи ҳуқуқий ҳимоя қилинмаганлигининг асосий сабаби шундаки, кўплаб терговчи ва суриштирувчилар жабрланувчига жиноятни очишнинг вақтинчалик воситаси деб қарайдилар, холос. Жабрланувчи тергов органларига узри сабабларсиз келмаса, уни мажбуран келтириш, кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун эса, ҳеч бир муқобил чорасиз, жиноий жавобгарликка тортиш қўлланиши қонунлаштириб қўйилган.

Бу эса жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш ва ҳуқуқий сиёсатнинг йўналишини ўзгартириш зарурлигидан далолат беради. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштиришда асосан жиноятдан, айниқса, оғир ва ўта оғир жиноятлардан жабрланган шахслар назарда тутилади.

Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайдиган комплекс чора-тадбирларнинг амалийлигини, таъсирчанлигини таъминлаш учун жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал тартиб-таомилларни ҳар томонлама муҳофаза қилувчи чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий механизмини яратиш зарур.

Е. В. Демченконинг фикрича, жиноят-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида, биринчи

навбатда, жабрланувчиларнинг ҳаққоний кўрсатув беришларини рағбатлантириш чораларини кўриш лозим. Бунинг учун Жиноят кодексида изоҳлар берилиши ҳамда жабрланувчилар кўрсатувларини айбланувчи фойдасига ўзгартирган тақдирда, бу ҳақда жиноят процесси тугагунга қадар суриштирувчи, терговчига ўз ихтиёрлари билан хабар берса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши тўғрисидаги қондан киритиш мақсадга мувофиқдир².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 55-моддасида жабрланувчига ҳаққоний кўрсатувлар бериш, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик³ ва қўйилган саволларга жавоб бериш вазифалари юклатилган. У кўрсатув беришдан бош тортгани ва била туриб ёлгон гувоҳлик бергани учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Жабрланувчининг кўрсатувлари оғзаки ва ёзма шаклда бўлади.

С. В. Кругловнинг фикрига кўра, жабрланувчининг кўрсатувлари жиноят процессида асосий далиллар манбаи сифатида тан олинади⁴. Унинг ҳаққоний кўрсатувлар бериши исботлаш процессининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонунда жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг мажбурияти сифатида қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Бир томондан, жиноят ишлари бўйича далиллар базасини яратишда кўрсатувларнинг муҳимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга уларнинг сақланишини таъминлаш бўйича катта масъулият юклайди. Бошқа томондан, жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортган ёки била туриб ёлгон кўрсатув берган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар уларнинг жиноятдан кейинги гайриқонуний таъсирлардан муҳофаза қилинишини таъминламасдан, жиноий жавобгарликка тортиш билан қўрқитиб,

тўғри кўрсатув олишга уринса, ҳадиклари воқеликка айланиши мумкин.

Ёлғон гувоҳлик бериш ҳамда кўрсатув беришдан бош тортиш муаммосига ҳозирги кунгача қонунчилик даражасида ҳам, назарий даражада ҳам бирорта муҳим ўзгартиш киритилмаган. Масалан, Н. С. Косякова ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарлик белгиланиши, биринчидан, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун етарли бўлишини; иккинчидан, қайсарлик қилиб ёлғон кўрсатувларида туриб оладиганлар кескин камайишига олиб келишини; ниҳоят, учинчидан, гувоҳлик бурчи туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида, жавобгарликка тортилиш фактлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка маълум қилиниши шартлигини таъкидлайди⁵.

Шубҳасиз, жабрланувчининг кўрсатувлари жиноят ишлари бўйича далиллар мажмуининг муҳим таркибий қисмидир. Чунки, бир қатор бошқа процессуал ҳаракатлар, масалан, эксперимент, турли экспертизалар тайинлаш, гувоҳлантириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда улар берган кўрсатув ва маълумотларга асосланилади. Давлат ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажариш мақсадида, жабрланувчининг ақлий ҳамда жисмоний имкониятларидан фойдаланади.

Жиноятчиликнинг ривожланиши манфаатдор шахслар жабрланувчиларга ўтказадиган таъсирнинг натижаси эканлигини била туриб ёлғон гувоҳлик бериш ҳолатларининг олдини олиш муаммосига янада долзарб тус беради. Таъсир кўрсатиш усуллариининг қўпайиб бораётганлигини, улар орасида, айниқса, жабрланувчини пора эвазига оғдириб олиш ёки унга жисмоний таъсир кўрсатиш ҳоллари кўпчиликни ташкил этади.

Хитойлик олим Мяо Мэйхуанинг фикрига кўра, жиноят ишларини юритишда

терговчининг жабрланувчига муносабатини ўзгартириш вақти келди. Жиноятларни тергов қилиш амалиётда жабрланувчилар ўз кўрсатувларини ўзгартиришга мажбур бўладиган ҳоллар кузатилади. Таъкидлаш лозимки, амалиётда жабрланувчиларга ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳоллари, айниқса, уларни пора эвазига оғдириб олиш ёки уларга жисмоний таъсир кўрсатиш, баъзан эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини нотўғри йўналишга чалғитиш мақсадида жабрланувчиларни жисмонан йўқ қилиш, яъни ўлдириб юбориш ҳоллари ҳам учраб туради⁶.

Жиноят-процессуал қонун барча ҳолларда жабрланувчининг манфаатларини одил судлов манфаатларига бўйсундиради, десак хато бўлади. Таъкидлаш лозимки, бу борада жабрланувчига бериладиган процессуал кафолатлар жуда катта аҳамиятга эга. Жабрланувчи содир этилган жиноят оқибатида зарар кўрган шахсдир, шу сабабдан, ҳуқуқларининг озгина бўлса-да чеклаб қўйилиши унга қаттиқ салбий таъсир қилади.

Жиноят процесси мақсадга эришишда шахс манфаатлари ҳамда давлат манфаатлари таъминланишининг даражаси ўртасида ўзаро оқилона муносабат бўлишини тақозо этади. Жабрланувчи у ёки бу ҳаракатда иштирок этишдан бош тортган ҳолларда ҳам шундай муносабат ўрнатилиши талаб этилади.

Ушбу муаммони тадқиқ этган айрим муаллифлар содир этилган жиноят натижасида жабрланган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллашга ҳар қандай ҳолатда ҳам йўл қўйиб бўлмайди, деган хулосага келганлар⁷. Бу ахлоқий талабдир.

Жабрланувчига нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш ахлоқий нуқтаи назаридан тўғри эмас, деган фикрнинг тўғрилиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Шахсга бевосита таъсир кўрсатиш даражасини иложи борича камайтиришга ҳаракат қилинаётган бугунги шароитда ҳам ҳимоя қилинувчининг манфаатларига бошқача

усуллар билан қайтариб бўлмас хавф-хатар туғилган ҳолларда жиноят процесси соҳасида ҳам, ҳуқуқни қўллашнинг бошқа соҳаларида ҳам ушбу чоралардан батамом воз кечиб бўлмайди.

Шундай қилиб, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

— амалдаги қонунчилик жабрланувчини жиноят процесси иштирокчиси сифатида содир этилган жиноятни гайриқонуний таъсирлардан муҳофаза қилишнинг мақсадга йўналтирилган тизимини етарли даражада ташкил этмайди;

— жиноят натижасида жабр кўрган процесс иштирокчисининг манфаатларини муҳофаза қилиш устувор вазифалигини инобатга олган ҳолда концептуал даражадаги самарали жиноят-ҳуқуқий чоралар мажмуи ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Шу жиҳатдан, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишлари муҳим:

— жабрланувчилар ўз мажбуриятларини бажаришлари учун уларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш мезонини белгилашда Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекс нормалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликка риоя қилиш;

— жиноят процессининг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчларини виждонан бажарадиган жабрланувчиларини ҳимоя қилишга қаратилган рағбатлантириш нормаларини ривожлантириш;

— жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини тартибга солувчи қонунчилик нормаларини ривожлантириш орқали жабрланувчининг ҳимояси ошишига хизмат қиладиган усуллар ва ҳуқуқий воситаларни ишлаб чиқиш лозим.

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Масъул муҳаррир Н. Тойчиев. — Т., 2010. — Б. 160.

² Қаранг: *Демченко Е. В.* Участие потерпевшего и его представителя в доказывании: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2001. — С. 18.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. — Т., 2016. — Б. 736.

⁴ Қаранг: *Круглов С. В.* Участие потерпевшего в доказывании на предварительном следствии по УПК РФ: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2006. — С. 9.

⁵ Қаранг: *Косякова Н. С.* Лжесвидетельство // Государство и право. — 2001. — № 4. — С. 16.

⁶ Қаранг: *Мяо Мэйхуа.* Сравнительное исследование охраны прав потерпевшего в уголовном судопроизводстве КНР и РФ: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Владивосток, 2009. — С. 7-8.

⁷ Қаранг, масалан: *Ачилов С. М.* Возможности усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2010; *Абзалов А. Э.* Жабрланувчининг ожиз аҳволидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг хусусиятлари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2007; *Иванов Д. А.* Защита следователем прав и законных интересов юридических лиц, потерпевших от преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2007; *Стражевич Ю. Н.* Правовой статус несовершеннолетнего потерпевшего в российском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Тюмень, 2008; *Фаргиев И. А.* Учение о потерпевшем в уголовном праве России: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 2005; ва бошқ.

Д. Джумабаев
Заместитель начальника факультета профессиональной
подготовки Академии МВД Республики Узбекистан

ЛИЦЕНЗИОННО-РАЗРЕШИТЕЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ КАК ГОСУДАРСТВЕННО- УПРАВЛЕНЧЕСКАЯ И ПРАВОВАЯ КАТЕГОРИЯ

Аннотация. В статье рассматривается лицензионно-разрешительная деятельность правоохранительных органов, в том числе органов внутренних дел, как государственно-управленческая и правовая категория, описываются процедуры лицензирования и их роль в государственном управлении и правовом регулировании данной сферы общественных отношений.

Ключевые слова: органы внутренних дел, лицензирование, разрешающая способность, государственное управление, правовое регулирование.

Ички ишлар органларининг лицензия-рухсат бериш фаолияти давлат-бошқарув ва ҳуқуқий категория сифатида

Аннотация. Мақолада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан ички ишлар органларининг лицензия-рухсат бериш фаолияти давлат-бошқарув ва ҳуқуқий категория сифатида кўриб чиқилган, лицензиялаш тартиб-таомиллари ҳамда уларнинг давлат бошқарувини амалга ошириш ва ижтимоий муносабатларнинг ушбу соҳасини ҳуқуқий тартибга солишдаги ўрни ёритилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, лицензиялаш, рухсат бериш қобилияти, давлат бошқаруви, ҳуқуқий тартибга солиш.

Licensing activity of law-enforcement bodies as a state and administrative and legal category

Annotation. This article deals with licensing activity of the law enforcement bodies and the law-enforcement bodies as a state and administrative and legal category is described procedures of licensing and their role in state administration and legal regulation in the sphere of public relations.

Keywords: internal affairs bodies, licensing, resolution, public administration; legal regulation.

Провозглашение Конституцией Республики Узбекистан прав и свобод личности как высшей ценности предполагает формирование и совершенствование механизма их реализации. Это означает, что необходимо изменить традиционные подходы к исследованию административно-правовых институтов, которые должны рассматриваться через призму обеспечения прав и свобод человека и гражданина. Примером этого служат принятая Программа мер по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017—2021 гг., в которой определена необходимость совершенствования лицензионных и разрешительных процедур¹.

Необходимо отметить, что лицензирование как административно-правовой

институт, по сути, является системой правообеспечительных мер, способствующих реализации прав на осуществление предпринимательской деятельности гражданина. При этом следует заметить, что на современном этапе развития и функционирования общественных отношений в сфере предпринимательства процессы, обеспечивающие поддержание и развитие различных социальных институтов, при неправомерном использовании могут нанести ущерб как интересам личности, так и общества и государства.

Исходя из этого, в целях обеспечения государственной и общественной безопасности возникает необходимость правового регулирования порядка осуществления видов деятельности, а также реализации контрольно-надзорных функций за

предметами и веществами, способными нанести вред охраняемым государством общественным отношениям. Осуществление лицензионно-разрешительной политики государством способствует установлению лицензионно-разрешительных режимов для обеспечения прав, свобод и законных интересов граждан.

Лицензионно-разрешительные процедуры обеспечиваются в результате целенаправленной, исполнительно-распорядительной лицензионно-разрешительной деятельности уполномоченных органов. Важное место в решении этих задач занимает лицензионно-разрешительная деятельность органов внутренних дел.

Основными нормативно-правовыми актами, регулирующими лицензионную деятельность, являются Закон Республики Узбекистан «О лицензировании отдельных видов деятельности» от 25 мая 2000 г., Постановление Олий Мажлиса Республики Узбекистан «О перечне видов деятельности, на осуществление которых требуются лицензии» от 12 мая 2001 г., а также Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по реализации Закона Республики Узбекистан «О лицензировании отдельных видов деятельности»» от 28 июня 2002 г., которыми органы внутренних дел включены в перечень лицензирующих органов, осуществляющих лицензирование отдельных видов деятельности.

В частности, Министерство внутренних дел Республики Узбекистан осуществляет лицензирование по производству, ремонту и реализации охотничьего и спортивного огнестрельного оружия и боеприпасов к нему, холодного оружия (кроме ножей национальных видов), проектированию, монтажу, наладке, ремонту и техническому обслуживанию средств противопожарной автоматики, охранной, пожарной и охранно-пожарной сигнализации, а также разработке, производству, транспортировке, хранению, реализации, уничтожению и утилизации пиротехнических изделий бытового, технического и специального назначения (I-V классов опасности),

использованию пиротехнических изделий технического и специального назначения (III-V классов опасности).

Данное положение закреплено и в отраслевом законодательстве. Так, органы внутренних дел в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» осуществляют лицензирование и выдачу документов разрешительного характера, а также осуществляют контроль за соблюдением лицензионных и разрешительных требований и условий.

Следует заметить, что лицензия является официальным документом, который разрешает физическому или юридическому лицу заниматься тем или иным видом деятельности, а потребителям дает возможность среди коммерческих структур находить ту, которая работает на данном рынке цивилизованно.

Продолжительное время в законодательстве не было определения понятия лицензирования с указанием его существенных признаков, что затрудняло поиск ответа на поставленный вопрос. Слово «лицензия» (с латинского *licence*) означает право, разрешение. Определение лицензирования содержится, в частности, в юридической энциклопедии, где лицензирование трактуется как выдача разрешения на право проведения тех или иных операций².

В ряде нормативных актов лицензирование относится законодателем к функциям государственной власти; некоторые нормативные акты включают лицензирование в перечень обязанностей государственных органов. Кроме того, законодатель, употребляя термин «лицензирование», часто подменяет его словосочетанием «выдача лицензий». Получение лицензии, продление срока ее действия, отзыв, юридические последствия всех перечисленных действий и текущий надзор компетентных государственных органов за соблюдением лицензиатом соответствующих лицензионных условий и требований регламентируются правовыми нормами. Следовательно, все отношения, возникающие в процессе получения, продления, отзыва лицензии и надзора за

деятельностью лицензиата, являются правовыми, а совокупность правовых норм, регулирующих названные отношения, составляет институт лицензирования. Данное определение является слишком широким и обсуждается многими специалистами как в нашей стране, так и за рубежом. Так, И. Хамедов утверждает, что в рамках административной реформы в Республике Узбекистан необходимо активизировать подготовку нормативных актов (проектов законов) по разрешительным процедурам (лицензирование, сертификация, регистрация), предусматривающих меры по их упрощению³.

Лицензирование может быть охарактеризовано как форма контроля за законностью предполагаемых действий гражданина или организации, разрешением совершать только безусловно законные действия и отказом в совершении действий противоправных, что обуславливает вид и меру допустимой активности, а также реализацию надзора за фактически осуществляемыми действиями⁴. Данной позиции придерживается Л. Б. Хван, который определяет «лицензирование отдельных видов деятельности как вид государственного контроля за предпринимательской деятельностью»⁵.

В рамках системы лицензирования контрольная деятельность органов исполнительной власти должна рассматриваться широко, т. е. включать в себя следующее:

а) предварительный контроль как наблюдение за правомерностью деятельности, законностью действий, которые намерен совершать субъект, обратившийся за получением соответствующего разрешения, выявление правоограничений, препятствующих заниматься разрешаемой деятельностью, и квалификационных навыков соискателя, определение объектов последующего наблюдения — лицензионных условий;

б) текущий контроль реально осуществляемых действий лицензиата (объектом контрольных правоотношений является надзор за установленными лицензионными условиями);

в) последующий контроль законности прекращения деятельности субъекта лицензирования (лицензиата).

В правовой литературе вопрос об отраслевой принадлежности этого правового института является спорным. Многие специалисты в области лицензирования дают свои определения этого термина.

Ю. Н. Мильшин рассматривает лицензирование как правовой институт, т. е. совокупность правовых норм, регулирующих следующие группы отношений:

— отношения, возникающие по поводу создания и организации деятельности лицензирующих органов;

— отношения, возникающие между органами исполнительной власти и лицом, желающим получить, получившим или утратившим лицензию⁶.

Подводя итог вышесказанному, следует заметить, что институт лицензирования необходимо рассматривать с трех аспектов. Лицензионная деятельность, с одной стороны, представляет собой управленческую составляющую и является формой государственного регулирования в сфере социально-трудовых отношений, осуществляя контроль количества и обеспечивая профессиональный уровень субъектов, занимающихся тем или иным видом деятельности. Государственное управление лицензированием необходимо по той причине, что обеспечивается защита законных прав и интересов предпринимателей и потребителей. Регулирующая функция лицензионной деятельности проявляется также в формировании рыночных отношений, поскольку контроль повышения профессионального уровня производителей и качество предлагаемых ими услуг приводит в конечном итоге к глубоким экономическим и социальным сдвигам на пути становления цивилизованного рынка.

С другой стороны, лицензирование представляет собой деятельность, которая еще в достаточной степени не освещалась в специальной литературе. Связь лицензирования с экономикой двоякая. Во-первых, сама процедура лицензирования приносит доход за счет лицензионных сборов, которые поступают в местный бюджет. Во-вторых, лицензирование видов деятельности

повышает качество производимой продукции, повышая производительность труда через конкуренцию и рынок, что приводит к увеличению прибыли. По сути дела, в этом случае лицензирование выступает как социальный механизм, функционирующий в экономике.

С третьей стороны, лицензирование проявляется в качестве правовой составляющей, которая, пожалуй, наиболее ярко отражает главенствующую функцию лицензионной деятельности, так как обеспечивает соблюдение законности.

Вместе с тем изучение правоприменительной практики органов внутренних дел по лицензированию отдельных видов деятельности показало наличие некоторых проблем правового и организационного порядка. Так, согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по реализации Закона Республики Узбекистан «О лицензировании отдельных видов деятельности» от 28 июня 2002 г. определен Перечень лицензирующих органов, осуществляющих лицензирование отдельных видов деятельности. Установлено,

что Министерство внутренних дел осуществляет лицензирование по производству, ремонту и реализации охотничьего и спортивного огнестрельного оружия и боеприпасов к нему, а также холодного оружия (кроме ножей национальных видов), а также по проектированию, монтажу, наладке, ремонту и техническому обслуживанию средств противопожарной автоматики, охранной, пожарной и охранно-пожарной сигнализации.

В правоприменительной практике сотрудники лицензионно-разрешительных отделов выдают «разрешение» на вышеуказанный лицензируемый вид деятельности. Таким образом, в правоприменительной практике органов внутренних дел происходит несоответствие в определении и реализации лицензионных и разрешительных процедур деятельности органов внутренних дел.

Исходя из этого, следует внести ясность, а также изменения и дополнения в действующие нормативно-правовые акты, регламентирующие данную сферу деятельности органов внутренних дел.

¹ См.: Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. — 2017. — № 6. — Ст. 70; № 20. — Ст. 354; № 23. — Ст. 448; № 29. — Ст. ст. 683, 685.

² См.: Юридик энциклопедия / Проф. У. Таджиханов тахрири остида. — Т., 2000. — С. 173.

³ См.: *Хамедов И. А.* О концепции совершенствования государственного управления в Республике Узбекистан в рамках административной реформы // Материалы международного симпозиума «Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования». — Т., 2007. — С. 107.

⁴ См.: *Хожиев Э., Хожиев Т.* Маъмурий ҳуқуқ. — Т., 2008. — Б. 338—377.

⁵ *Хван А. Б.* Административное право Республики Узбекистан. — Т., 2010. — С. 131—133.

⁶ См.: *Мильшин Ю. Н.* Лицензирование как административно-правовой институт: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 1999. — С. 18.

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация. Мақолада тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотларни ҳужжатлаштириш ҳамда улардан келгусида жиноят иши қўзғатиш ва исботлаш жараёнида фойдаланишнинг процессуал тартиби, уларга қўйиладиган талабларни белгилловчи ИИВнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органлари, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини ҳужжатлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в уголовном процессе

Аннотация. В статье сформированы предложения по совершенствованию действующих нормативно-правовых актов Министерства внутренних дел, а также норм уголовно-процессуального законодательства, определяющих процессуальный порядок документирования информации, полученной в результате оперативно-розыскной деятельности, предъявляемые требования, использование результатов оперативно-розыскной деятельности при возбуждении уголовного дела и в процессе доказывания.

Ключевые слова: органы внутренних дел, оперативно-розыскная деятельность, документирование результатов оперативно-розыскной деятельности, нормативно-правовые акты.

Using the results of operational-search activity in criminal procedure

Annotation. The article deals with the documentation of information obtained by the results of the operational-search activity and their demands. The author worked out proposals on improvement of criminal-procedural legislation and using of current normative-legal enactments of the ministry of internal affairs in bringing criminal action and proving process by the results of the operational-search activity.

Keywords: operational-search activity of the organs of internal affairs, documentation of the results of the operational-search activity, normative-legal acts.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда қонун устуворлиги ва шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлигини таъминлаш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам ва мустақкам ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги (2012 йил 25 декабрь) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси ва Божхона қўмитасининг

«Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим қилиш тартиби ҳақидаги йўриқ-номани тасдиқлаш тўғрисида»ги (2013 йил 6 декабрь) идоралараро қўшма қарори ҳамда тезкор-қидирув ва жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлари тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим этиш тартибининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Шу билан бирга, мазкур қонун ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг кенгайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатганлигини эътироф этиш лозим.

Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларининг таҳлили тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг фаолиятини ўрганиш, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг ижросини таъминлаш ва тезкор-қидирув маълумотларидан исботлаш жараёнида фойдаланиш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, Жиноят-процессуал кодексда жиноят иши қўзғатилишининг сабабларидан бири сифатида назарда тутилмаган. Яъни процессуал қонунчиликда жиноят иши қўзғатилгунига қадар тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари чекланган.

Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида терговчиларнинг тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир этмоқда.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекснинг (бундан кейин матнда — ЖПК) 322-моддасида келтирилган жиноят иши қўзғатиш сабаблари ва асослари орасида жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумот ва изларнинг суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг бевосита ўзи томонидан аниқланиши ҳам жиноят иши қўзғатилишининг сабабларидан бири сифатида кўрсатилган. Бир қарашда ушбу бандда суриштирувчининг бевосита ўзи томонидан тезкор-қидирув тадбирлари натижасида аниқланган маълумотлардан жиноят иши қўзғатишда фойдаланиш масаласи тартибга солинган деган фикрни келтириб чиқаради. Аммо Жиноят-процессуал кодексдаги жиноят иши қўзғатилишининг сабаб ва асосларини белгиловчи бошқа нормаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, айнан тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотларга кўра жиноят иши қўзғатилишининг сабаби сифатида ўз аксини топмаган.

Жумладан, ЖПКнинг 328-моддасида жиноят иши қўзғатиш ваколатига эга органлар ёки мансабдор шахслар томонидан жиноятга оид маълумотларнинг бевосита аниқланиши жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар санаб ўтилган бўлиб, унга кўра суриштирувчи маъмурий вазифани бажариш ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаши жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ушбу норманинг мазмуни ваколатли органларнинг процессуал фаолиятигагина тегишли бўлиб, бироқ тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинадиган маълумотлар жиноят иши қўзғатилишининг сабаби сифатида мустаҳкамланмаган. Мазкур масаланинг қонунчиликда шу тариқа тартибга солиниши тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотлар жиноят иши қўзғатилишининг сабаби сифатида назарда тутилмаган, деган хулоса чиқаришга имкон беради.

Тезкор-қидирув маълумотларининг жиноят иши қўзғатилишининг сабаби сифатида назарда тутилмаганлиги ҳамда жиноят иши қўзғатишдан олдин тезкор-қидирув фаолияти натижаларини қонунда белгиланган тартибда текшириш ва баҳолаш имкони йўқлиги ушбу маълумотлар асосида аниқланган маълумотлардан жиноятга чек қўйишда фойдаланишга имкон бермайди, уни содир этган шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга тўсқинлик қилади.

Қонунчиликдаги ушбу бўшлиқни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг жиноят иши қўзғатилишининг сабаблари ва асосларини белгилаб берувчи нормаларига тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотларни жиноят иши қўзғатилишининг сабаби сифатида киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда ЖПКнинг «Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари» деб номланган 322-моддасининг биринчи

қисмини «тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотлар (агарда уларнинг келиб чиқиш манбаи кўрсатилган бўлса)» деган мазмундаги 4-банд билан тўлдиришни тавсия этамиз.

Ушбу ўзгаришдан келиб чиқиб, ЖПКнинг «Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари» деб номланган 328- моддасининг биринчи қисми 1-банди мазмунини «суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганида, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши натижасида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида» деган таҳрирда баён этиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли (2017 йил 10 апрель) фармони ҳамда «Ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (2017 йил 24 апрель) қарорининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан жиноят иши қўзғатишда фойдаланишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш учун ЖПКнинг тегишли моддаларига тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотларнинг жиноят иши қўзғатиш сабабларидан бири сифатида киритилиши мақсадга мувофиқ.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида жиноят иши қўзғатишга хизмат қилувчи маълумотларнинг аниқланиши ва жиноят иши қўзғатиш учун сабаб сифатида хизмат қилиши ушбу маълумотларни аниқлашда суриштирув органлари билан терговчилар ўртасидаги ҳамкорликни пухта йўлга қўйишни талаб қилади.

Таъкидлаш жоизки, жиноят-процессуал фаолиятнинг ЖПКнинг 2-моддасида келти-

рилган бевосита вазифалари тезкор-қидирув фаолиятининг йўналишларини белгилаб берувчи вазифалардан анча кенг.

Тезкор-қидирув фаолиятнинг асосий вазифаси — жиноятларни аниқлаш, яъни яширин, ниқобланган, пинҳона содир этилган жиноятларни ҳамда уларни содир этган шахсларни аниқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш.

Шу билан бирга, жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятининг вазифалари умумийлиги ҳамда бир томонга йўналтирилганлиги мазкур фаолият турларини амалга оширувчи органларнинг фаолияти ўзаро боғлиқлиги ва шу боис улар биргалликда, узвий ҳамкорликда ишлаши зарурлигини кўрсатади.

Ҳамкорликка объектив зарурат, мазкур фаолият турларининг ҳар бирига хос бўлган ўзаро боғлиқ ва бир-бирини белгиловчи омилларнинг умумий тизими сифатида қараш лозим. Бу эса ҳамкорлик масаласига тизимли ва фаол ёндашувни, аввало, ахборотнинг амал қилиш қонуниятларини аниқлашни тақозо этади. Ҳамкорликка асосан ўзаро алоқадор субъектлар ўртасида ахборотнинг доимий алмашуви, муомалада бўлиши хосдир. Ҳамкорлик тизимидаги масалаларнинг ҳал этилишида айнан ахборот ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Профессор М. П. Поляков шу муносабат билан жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятидаги ҳамкорлик жиноятлар ҳақидаги ахборот алмашуви соҳасидаги ҳамкорлик бўлиб, у ўзига хос принциплар асосида амал қилади деган тўғри хулосага келган¹.

Бизнингча, жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятидаги ҳамкорлик қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) ҳамкорлик субъектларининг ваколатли бўлиши;
- 2) тўлиқлик (муаммони ҳал қилиш учун етарли ресурсларга эга бўлиши);
- 3) ишончлилиқ (қарор қабул қилиш учун етарли маълумотларга эга бўлиши);
- 4) ўз вақтидалиқ (мақсадларнинг долзарблиги ва уни ҳал қилишнинг муҳимлиги);

5) мунтазамлик (унинг субъектлари доимо ва вақти-вақти билан алоқада бўлиши);

6) коммуникативлик (идрок этишнинг осонлиги, зиддиятсизлик, шаклан бирхиллаштириш мумкинлиги).

Қайд этиш жоизки, жиноят ишлари бўйича ҳамкорлик жараёнида жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва яширинган жиноятчиларни қидириб топишга қаратилган вазифаларни самарали бажариш учун тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан фойдаланилади.

Бундай маълумотлар тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари бўлиб, бу тушунча мутахассислар томонидан «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ равишда олинган, тайёргарлик кўрилатган, содир этилатган ёки содир этилган жиноят белгилари, жиноятни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган ҳамда суриштирув, тергов органлари ёки суддан яшириниб юрган шахслар ҳақидаги маълумотлар сифатида таърифланган².

Аммо биз мазкур таърифга қуйидагича аниқлик киритган бўлардик: тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари — турли босқичларда ривожланаётган жиноят белгилари, унга алоқадор ва қилмишдан хабардор шахслар ҳамда жиноятларни очиш ва тергов қилишга имкон берадиган бошқа ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини қонуний асосларда амалга оширувчи манфаатдор шахслар томонидан олинган нарса ва материаллар (ҳужжатлар)дир.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш зарурати юзага келади. Бу эса терговчи ЖПКнинг 343-моддасида белгиланган тартибда суриштирув органига ижро этилиши мажбурий бўлган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш ҳақида ёзма топшириқ бериши орқали рўёбга чиқарилади.

Терговчи ўзи тергов қилаётган жиноят ишлари бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисида топшириқлар беришга ва суриштирув органидан айрим жиноят ишларини юритишда ёрдамлашишни талаб қилишга ҳақлидир³.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган ушбу маълумотларнинг аҳамияти шундаки, улар ўрнатилган тартибда тақдим этилганидан сўнг келгусида жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши, тергов ва суд ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун фойдаланилиши, ЖПКга мувофиқ текширилиб, баҳоланганидан сўнг жиноят ишлари бўйича исбот қилишда далиллар сифатида ишлатилиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти назарияси бўйича илмий манбаларни ўрганиш натижасида тезкор-қидирув маълумоти, тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари қонунда белгиланган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши орқали ўзига хос ҳужжатлаштириш давомида олинади, деган хулосага келамиз. «Ҳужжатлаштириш» тушунчасига қарашлар хилма-хил бўлса-да, биз «ҳужжатлаштириш» тушунчасини жинорий ҳодисанинг белгилари ва ундан хабардор шахслар ҳақидаги маълумотларни тезкор-қидирув йўли билан аниқлаш, ушбу маълумотлардан жиноятларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш, уларни очиш ва тергов қилиш, жиноятчиларни қидириб топиш, шунингдек уларга нисбатан қонунда назарда тутилган чораларни кўриш учун фойдаланиш имкониятини таъминлаш сифатида таърифлаймиз.

Жиноят-процессуал исботлаш ҳам мантиқий фаолиятдир, аммо, тезкор-қидирув фаолиятидаги билишдан фарқли ўлароқ, у жиноят иши бўйича қарорни асослаш вазифасига бўйсундирилган бўлиб, мақбул маълумотлар манбалари, аниқ белгиланган ҳаракат тартибига эга. Исботлаш жиноят ишлари бўйича билиш жараёни бўлиб, унинг ўзига хос жиҳатлари жиноят-процессуал ҳуқуқда аниқ белгиланган ва тартибга солинган.

Жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятини бирга амалга оширишнинг қарор топган ва амал қилаётган шакллари маълумотларни тўплаш, текшириш ва баҳолашнинг қонунда белгиланган восита ва усуллари қўлланилаётган ҳозирги шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг ушбу турларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминламай туриб, тезкор-

қидирув фаолияти натижаларидан далиллар сифатида бевосита фойдаланиш муаммосини амалда ҳал қилишнинг иложи йўқ.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги (2004 йил 24 сентябрь) қарорида жиноят ишлар бўйича суриштирув, дастлабки тергов юритиш даврида жиноят-процессуал қонуннинг далиллар ва исбот қилишга оид нормаларига асосан рияз этилаётгани, шу билан бирга суриштирувчи, терговчи томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи қонун талабларини бузиш ҳоллари барҳам топмаганлиги таъкидлаб ўтилган⁴.

Жумладан, Олий суд Пленумининг қарорига асосан «агарда маълумотлар тергов ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса, далиллар номақбул деб топилади»⁵.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор хизматлар ўз фаолияти натижаларининг далилий аҳамияти бўлишидан манфаатдордирлар, лекин бунинг учун терговчилар ушбу маълумотларни, тегишлича, тааллуқлилиги ва ишончлилиги бўйича танлаш ҳамда тегишли объектив процессуал қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Бизнингча, далилларни олишнинг процессуал шакли эмас, балки тўпланган ва тақдим этилган тезкор маълумотларни баҳолаш ва (зарур бўлганида) текшириш имконияти мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши лозим. Шунинг учун тезкор-қидирув фаолиятнинг ўзига хослиги, ёпиқлиги, уни назорат қилишнинг қийинлиги кабиларга қарамай, қонунчиликда далилларни олиш усул ва воситаларининг рўйхати эмас, балки уларни баҳолаш, текширишга қўйиладиган талаб ва чегаралар, жумладан уларнинг конституциявий принципларга зид бўлмаслиги шартли белгилаб қўйилиши керак.

Масалага бундай ёндашадиган бўлсак, аввало, тергов субъектининг тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлигини баҳолаш ва текшириш энг катта аҳамиятга эга бўлади. Бундай ахборотнинг мақбулликни кўрсатувчи энг муҳим мезон исботлаш субъектининг унинг тааллуқлилиги ва ишончлилигини баҳолаши бўлади.

Амалиётда тезкор ходимлар терговчиларнинг тезкор материаллар ҳажми, хусусияти ва расмийлаштирилиши борасидаги талаблари катталигидан норозиликларини билдирдилар. Терговчилар эса тезкор ходимлар берган маълумотларнинг процессуал қарорлар қабул қилиш учун етарли эмаслиги, қўплаб маълумотларнинг «фойдасиз» («бўш») ёки ишга унча алоқадор эмаслигидан, кўпинча олиниш манбалари ва усуллари кўрсатилмаслигидан, ахборотни ҳужжатлар билан расмийлаштиришда (айниқса, техника воситалари қўлланилганида) палапартишликка йўл қўйилиши ва бу шахсни аниқлашга имкон бермаслигидан норози бўладилар.

Қонуний алоқалар, аввало, ҳужжатлаштириш ва исботлаш предметларининг ўзаро нисбатида мавжуд ва аниқ кўринади. Агар улар солиштириладиган бўлса, ҳужжатлаштиришнинг моҳияти ва мазмуни ўз асосида исботлаш предметининг мазмунини акс эттиришини кўриш мумкин.

Бошқача айтганда, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини ҳужжатлаштиришда олинган маълумотлардан исботлаш жараёнида фойдаланиш имкони яратиладиган бўлса, унинг предмети исботлаш предметига мос келиши зарурлигини ёддан чиқармаслик керак. Акс ҳолда, олинган тезкор материаллар тергов учун ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди, ҳужжатлаштириш амалда предметсиз бўлади. Яъни тезкор йўл билан аниқланган зарур маълумотлар белгиланган тартибда қайд этилмаса, тўпланмаса, улар бутунлай йўқотилиши ёки йўқ қилиниши мумкин. Шу боис тезкор ходимлар ва терговчилар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш, шунингдек жиноят иши юзасидан далилларни топиш, мустаҳкамлаш ва тўғри

расмийлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бунда, жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолияти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятини аниқлаш учун ҳужжатлаштириш нафақат жиноят ишини юритиш билан бирга, балки жиноят иши қўзғатилишидан анча аввал ҳам, жиноят иши бўйича жиноятни содир этган шахсларни аниқлашда сезиларли натижалар бермаган ҳолларда ҳам амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олиш зарур. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бундай иш махфий тарзда, тезкор-қидирув фаолиятнинг куч ва воситалари ёрдамида жиноятчилар орасига кириш, уларни жиноий таъқиб этиш ёрдамида фош этиш учун зарур факт ва ҳолатларни аниқлаш имконини беради.

Тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш муаммосини таҳлил қилишни яқунлар эканмиз, қуйидаги хулосаларни чиқаримиз мумкин:

— ҳозирги кунда юзага келаётган хавфхатар ва таҳдидларни, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тез ва тўлиқ аниқлаш, очиш, қидирув ишларини самарали ташкил этиш учун тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларини исботлаш жараёнида кен қўллаш эҳтиёжи мавжуд;

— фаолиятнинг мазкур турлари ўртасидаги ўзаро муносабат объектив, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини белгилаб берувчи хусусиятга эга бўлиб, бу хусусият жиноятларни очиш ва тергов қилиш мақсадларида улар субъектларининг мажбурий ҳамкорлиги асосини ташкил қилади;

— ҳамкорликнинг амалий асосини тезкор-қидирув фаолиятининг тезкор-

қидирув тадбирлари орқали олинган натижалар ташкил қилади;

— «тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари» ўз мазмунига кўра амалдаги ЖПКда белгиланганидан кенгроқ тушунча бўлиб, улар жиноятлар аломатлари ва уларни содир этган шахслар, жиноят ва ҳужжатлардан хабардор шахслар (ҳужжатларнинг ўзи ёки нусхалари), уларнинг жойлашган ери, гумон қилинаётган шахсларнинг терговга қаршилик кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш ниятлари кабилар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади;

— ҳамкорликнинг мақсадга қаратилганлиги ва самарадорлиги тезкор-қидирув фаолияти натижаларининг ҳужжатлаштирилиши ҳамда исботлаш ўртасидаги алоқа ва муносабатлар билан боғлиқ бўлиб, улар умумий, типик белгиларга ҳамда муайян жиноят иши билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларга эга;

— тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор хизматлар тергов органига тезкор-қидирув маълумотларини тақдим этиши, тергов органининг ахборотни ўз ички эътиқоди бўйича баҳолаши, (зарур бўлганида) текшириши ва процессуал жиҳатдан «ўзгартириш» заруратисиз далил сифатида ишга қўшиб қўйиш (ёки асослангирган ҳолда рад этиш) ҳақида қарор қабул қилиши мумкинлигини қонунда белгилаб қўйиш процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятининг ўзаро муносабатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга;

— жиноятларни тергов қилишнинг йўналишини тергов субъекти белгилаб беради, аммо у кўп жиҳатдан тезкор-қидирув фаолиятида жиноий ҳаракатларни ҳужжатлаштириш предметининг тўғри танла-ниши ва тезкор-қидирув ахборотининг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаш-тирилишига ҳам боғлиқ.

¹ Қаранг: *Поляков М. П.* Уголовно-процессуальная интерпретация результатов оперативно-розыскной деятельности. — Н. Новгород, 2001. — С. 79.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-Қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / А. А. Ҳамдамов, Т. Р. Саитбаев, С. Н. Гордеев, Р. Т. Рашитходжаев. — Т., 2015. — Б. 131.

³ Қаранг: *Раҳмонқулов А. Х., Мирзозов Д. М.* Дастанлабки тергов. — Т., 2013. — Б. 86-87.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. II жилд. — Т., 2006. — Б. 188.

⁵ Ўша манба. — Б. 189—190.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари патруль-пост хизматининг тузилишини ҳамда жамоат тартибини сақлаш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар таҳлил қилинган, бу борада эришилган ижобий натижаларни мустақамлаш ва фаолиятни яхшилаш юзасидан таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органлари, патруль-пост хизмати, жамоат тартибини сақлаш, оптималлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Совершенствование деятельности патрульно-постовой службы органов внутренних дел

Аннотация. В статье анализируются реформы по совершенствованию структуры и деятельности патрульно-постовой службы органов внутренних дел в сфере укрепления общественного порядка и безопасности, даны конкретные рекомендации по закреплению достигнутых положительных результатов и улучшению работы в данной области.

Ключевые слова: органы внутренних дел, патрульно-постовая служба, охрана общественного порядка, оптимизация, нормативно-правовые акты.

Improvement of the activity of patrol and inspection services of the organs of internal affairs

Annotation. The article analyses the reforms on improvement the structure and activities patrol and inspection services of the organs of internal affairs in the field of strengthening public order. The author gives specific recommendations on securing the achieved positive results and development the activities in this sphere.

Keywords: organs of internal affairs, patrol service, protection of public order, optimization, regulatory acts.

Мустақиллик йилларида ички ишлар органларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида республикамизда кўчалар ва жамоат жойларидаги жиноятларга қарши курашувчи ва уларнинг профилактикасини таъминловчи ўзига хос тизим шаклланди. Бугун республикамизнинг вилоят ва шаҳар марказлари, катта шаҳарлари, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда бошқа жамоат жойларида, шунингдек турли оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартиби ва хавфсизликнинг сақланишини патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, патруль-пост хизмати нарядлари томонидан ислохот даврида (2007-2011 йиллар) йилига ўртача 10 мингдан ортиқ жиноят очилгани бу борадаги ишларнинг самарасини кўрсатади¹.

Тизимда ислохотлардан аввалги даврда жамиятда мавжуд қуйидаги омиллар жамоат тартибини сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этишни тақозо этди:

— ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишларнинг талабга жавоб бермаслиги;

— бу борадаги тадбирлар ҳар доим ҳам ўз самарасини бермаганлиги сабабли айрим вилоятларда ашаддий безорилик, гиёҳвандлик, ўғрилиқ, порахўрлик, тамагирлик, номусга тажовуз қилиш каби жиноятлар кўпайиб борганлиги;

— маҳалла қўмиталарининг жамоат тартибини таъминлаш, одамларнинг ҳушёрлиги ва ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга онгли муносабатда бўлишларини фаоллаштириш лозимлиги;

— жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ўз хавфсизлигини таъминлаш уларнинг ҳушёр ва огоҳлигига, теварак атрофда рўй бераётган воқеаларга фаол муносабатига боғлиқ эканлигини одамлар онгига етказишнинг муҳимлиги².

Қолаверса, бу даврда патруль-пост хизмати замонавий курол-аслаҳа, махсус алоқа воситалари билан таъминлаш, шахсий таркибнинг жанговар ва хизмат тайёргарлигини ташкил этишда камчиликлар борлиги, кўпгина ходимларнинг касбий тайёргарлик даражаси талабга жавоб бермаслиги ҳам кутатилган эди.

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш тизимида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, уни давр талаби асосида ислоҳ қилиш ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида ўтган йиллар давомида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Олимлар патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни мазмун-моҳиятига кўра қуйидаги босқичларга ажратиб ўрганишни тавсия этадилар³:

I босқич 1999-2001 йилларни ўз ичига олиб, бу даврдаги ислоҳотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги (1999 йил 12 апрель) қарори бошлаб берди.

II босқич 2001-2004 йилларни ўз ичига олди. Бу даврда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2001 йил 27 март) фармонида белгиланган асосий йўналишлардан бири давр талабларини инобатга олган ҳолда ички ишлар органларининг яхши жиҳозланган ва тайёргарлик кўрган патруль-пост хизматлари тизимини ташкил қилиш эди.

III босқич 2004-2012 йилларни ўз ичига олиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2004 йил 19 июль) фармони ички

ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари қатори патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

IV босқич 2012-2016 йилларни ўз ичига олади. «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолият самарадорлиги ва хизмат масъулиятини ошириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2012 йил 21 июнь) қарори қабул қилиниши ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ислоҳотларнинг ушбу босқичини бошлаб берди.

V босқич Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуни қабул қилинганидан буён ўтган даврни қамраб олади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги кунда ички ишлар органларининг ўта масъулиятли, жуда серқирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасидаги ички ишлар органлари фаолиятига оид асосий қоидаларни ягона тизимга солишни таъминлаш орқали ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотларнинг мазмунан янги босқични бошлаб берди.

Қонунда патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди.

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини бошқаришни ҳуқуқий тартибга соладиган яна бир муҳим ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) 5005 сонли фармонидир. Фармонда патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш,

такрорланувчи ва долзарблигини йўқотган ваколатларни чиқариб ташлаш, бўлинмаларнинг тезкорлиги ва самарадорлигини таъминловчи моддий-техник жиҳозланиши даражасини мустаҳкамлаш, замонавий илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан давлат хизматлари сифатини яхшилаш назарда тутилди⁴.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017 йил 12 апрель) 2883-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида низом» тасдиқланди ҳамда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари бевосита фаолият юритадиган таркибий тузилмаларнинг бошқарув тизимига ўзгартишлар киритилди.

Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 1 май) 2940-сон қарори қабул қилинди. Қарорда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари тизимидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари белгиланди, «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисида низом» тасдиқланди.

Ислоҳотлар натижасида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини бошқаришни ҳуқуқий таъминлаш ва тизимни давр талаби асосида такомиллаштиришда маълум бир ютуқларга эришилди ҳамда бу соҳада ўзига хос тизим шаклланди.

Амалга оширилган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини бераётганлигини биргина 2015—2016 йиллар мобайнида республика ҳудудидаги кўча, майдонлар, парк ва бошқа жамоат жойларида содир этилган жиноятларнинг 1,59 фоизга камайганидан ҳам кўриш мумкин⁵.

Бироқ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг

фаолиятини оптималлаштириш ва ташкил этиш соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, амалга оширилган ислоҳотлардан кўриниб турганидек, «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги (2009 йил 30 сентябрь), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги (2012 йил 25 декабрь), «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги (2013 йил 10 апрель) ва «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонунлар билан ички ишлар органларнинг айрим соҳалари тартибга солингани ҳолда патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолияти қонун даражасида тартибга солинмай қолди. Шу билан бирга, қуйидагилар жамоат тартибини сақлашни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг тарқоқлигига, қонуности ҳужжатлар ўртасидаги узилишларга ва мазкур фаолиятда муайян қийинчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Жумладан: ҳозирги кунда жамоат тартиби сақлаш соҳасидаги муносабатлар 30 дан зиёд қонунларнинг тегишли нормалари билан тартибга солиниши ушбу соҳадаги муносабатларнинг тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмлари мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Шунингдек, фаолиятни тартибга солувчи қонуности ҳужжатларининг тизимлаштирилмаганлиги; жамоат тартибини сақлашнинг асосий йўналишлари, уни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасалар, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жамоат тартибини сақлаш субъектларининг ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби, шунингдек жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки ва уларни рағбатлантириш тизими қонун доирасида тартибга солилмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар жамоат тартибини сақлашнинг бошқа субъектлари қатори патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг амалдаги нормалар асосида тартибга солинаётган фаолияти етарли эмаслигини кўрсатади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маърузасида таъкидлаганидек, «афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур»⁶. Бу гаплар жамиятнинг барча соҳалари қатори жамоат тартибини сақлаш соҳасига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва унда фуқароларнинг иштирокини қонун доирасида тартибга солиш юзасидан Беларусь, Украина, Россия ва Исроил қонунчилиги ўрганилганида ушбу давлатларда мазкур муносабатлар қонун доирасида тартибга солинганлигини кўриш мумкин.

Соҳанинг ўта масъулиятли ва серқирра фаолиятини тартибга солиш, фаолиятга оид ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасидаги асосий қоидаларни ягона тизимга солишни таъминлаш мақсадида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу қонунда куйидагилар тақлиф этилади:

биринчидан, қонунда «жамоат тартиби», «жамоат хавфсизлиги», «фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги», «жамоат тартибини сақлаш», «кундалик шароитларда, оммавий тадбирлар шароитида, фавқулодда

вазиятлар шароитида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш» каби асосий тушунчаларига таъриф бериш;

иккинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчиларнинг ваколатларини аниқ белгилаш;

учинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш орқали ҳам таъминланиши ва бу қоидалар жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонуности ҳужжатларида белгиланганлиги сабабли, уларни алоҳида қонун даражасида белгилаш;

тўртинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини амалга оширувчи органлар ходимларини ва бундай фаолиятни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларни, шунингдек уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш тизимини белгилаш;

бешинчидан, давлат органлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ўз ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоратадбирлар кўришларини ҳам мазкур қонунда белгилаб қўйиш.

Ўйлаймизки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўришга имкон беради.

¹ Икрамов Ш. Т. ва бошқ. Патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги. — Т., 2013. — Б. 3.

² Қаранг: Ички ишлар идораларидаги ислоҳотлар — тинчлик ва осойишталик гарови / Ў. Х. Мухамедов, И. Исмаилов ва бошқ. — Т., 2014. — Б. 113.

³ Қаранг: *Исмаилов И.* Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни — тинчлик ва осойишталикни таъминлаш гарови // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2016. — № 4. — Б. 20.

⁴ Қаранг: Халқ сўзи. — 2017. — 11 апр.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг Республика ҳудудида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги солиштирма маълумотномаси. — 2016.

⁶ Халқ сўзи. — 2016. — 8 дек.

А. А. Хамдамов

*Профессор кафедры юридических и специальных дисциплин
Факультета повышения квалификации Академии МВД
Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор.*

ОСОБЕННОСТИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы дальнейшего совершенствования оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования, сформулированы научно обоснованные предложения, направленные на повышение эффективности указанной деятельности по своевременному сбору фактических данных, необходимых для расследования преступления, а также оперативно-розыскному контролю за лицами, от которых можно ожидать совершения новых преступлений в ходе предварительного расследования.

Ключевые слова: уголовная юстиция, оперативно-розыскное сопровождение, предварительное расследование, фактические данные, оперативно-розыскной контроль.

Дастлабки терговнинг тезкор-қидирув таъминотини такомиллаштириш хусусиятлари

Аннотация. Мақолада дастлабки терговнинг тезкор-қидирув таъминотини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Ушбу фаолиятнинг самарадорлигини оширишга, жумладан, жиноятни тергов қилиш учун зарур фактик маълумотларни ўз вақтида тўплаш, шунингдек дастлабки тергов жараёнида янги жиноятларни содир этиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан тезкор-қидирув назоратни амалга оширишга қаратилган илмий асосланган таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: жиноят юстицияси, тезкор-қидирув кузатиш, дастлабки тергов, фактик маълумотлар, тезкор-қидирув контроли.

Some peculiarities of improving the operational-search support of the preliminary investigation

Annotation. The article examines issues of further improving the operative-search support of the preliminary investigation. The scientifically grounded proposals aimed at increasing the effectiveness of this activity in the timely collection of factual data necessary for the investigation of the crime, as well as operational-search control over persons from whom it is possible to expect the commission of new crimes during the preliminary investigation are formulated.

Key words: penal justice, operational-search support, preliminary investigation, factual data, operational-search control.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева от 10 апреля 2017 г. коренным образом реформируется система органов внутренних дел, оптимизируются организационно-штатные структуры, поставлены новые задачи по усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надёжной защиты прав, свобод и законных интересов граждан¹. Данные преобразования

требуют от сотрудников органов внутренних дел ответственного отношения к выполнению своих задач по предупреждению, пресечению, раскрытию преступлений и их расследованию, а также максимального использования имеющихся сил, средств и методов при обеспечении общественного порядка и защите прав, свобод и законных интересов граждан.

Одно из центральных мест в системе

уголовной юстиции в решении указанных задач занимают органы предварительного расследования и оперативные подразделения (подразделения уголовного розыска и подразделения по борьбе с терроризмом и экстремизмом). Общими для них задачами являются: быстрое и полное раскрытие преступлений, изобличение виновных и обеспечение правильного применения закона с тем, чтобы каждый, совершивший преступление, был подвергнут справедливому наказанию и ни один невиновный не был привлечен к уголовной ответственности. Поставленные задачи органы предварительного расследования выполняют путем доказывания.

Говоря о значимости предварительного расследования в функционировании системы уголовной юстиции, необходимо отметить, что именно на этой стадии уголовного процесса осуществляется раскрытие и расследование преступлений. Таким образом, подсистема предварительного следствия является обязательным предположением для функционирования подсистемы судов (судебного следствия). Судебное разбирательство зависит от предварительного следствия в части объема доказательств, их вида, систематизации оформления. Необходимо стремиться к тому, чтобы виновность обвиняемого и вообще все обстоятельства дела были достоверно установлены уже на предварительном следствии. В этом еще раз проявляется зависимость и преемственность этих двух подсистем уголовной юстиции.

Вместе с тем задача обнаружения преступлений и лиц, их совершивших, стоит и перед оперативными подразделениями. Так, Закон Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» ставит задачу обнаружения преступлений и лиц, их совершивших, разрешая проводить в этих целях оперативно-розыскные мероприятия, применять силы, средства и методы оперативно-розыскной деятельности². Это тем более важно, что, как показывает практика, процессуальные средства и

методы не всегда оказываются эффективными при решении задач уголовного судопроизводства. Необходимо также отметить, что ст. 339 УПК Республики Узбекистан разрешает органам дознания применять оперативно-розыскные и иные предусмотренные уголовно-процессуальным законом меры. Постановка в законах одних и тех же задач перед двумя подсистемами системы уголовной юстиции предполагает объединение их совместных усилий в раскрытии и расследовании преступлений путем использования средств и методов, присущих этим подсистемам, но при четком разграничении их полномочий.

При исследовании этой проблемы с позиций системного анализа необходимо не только выделить системообразующий фактор и определить элементы системы, но и показать их специфические качества, характер связей, отношений и зависимостей между ними, функциональное назначение, роль и эффективность воздействия системы на среду и обратного влияния среды на систему.

Прежде всего, на наш взгляд, следует уяснить, что оперативные подразделения и органы предварительного следствия являются самостоятельными подсистемами, перед каждой из которых стоят определенные задачи. Эти подсистемы могут функционировать в двух режимах: 1) самостоятельно, решая стоящие перед ними задачи с помощью имеющихся у них средств и методов; 2) совместно, объединившись для решения общих задач в организацию, т. е. в интеграцию соответствующих компонентов, которые, находясь в соединенном состоянии, приобретают качества, не свойственные им в разъединенном виде.

В первом случае речь идет о функционировании оперативных подразделений до возбуждения уголовного дела и следственных органов по так называемым очевидным преступлениям, где задачи расследования могут быть решены одними процессуальными средствами и методами. Во втором случае мы говорим об осуществлении

деятельности оперативных подразделений и органов предварительного следствия по неочевидным уголовным делам, когда лицо (лица), совершившее данное преступление, не установлено. В данной ситуации две подсистемы, оставаясь элементами системы уголовной юстиции, для более эффективного решения ее задач образуют еще одну подсистему, перед которой стоят уже и более крупные цели, приближенные к общей (интегрированной) цели системы уголовной юстиции.

Общая цель вновь созданной подсистемы заключается в раскрытии и расследовании преступлений. В свою очередь, целью оперативных подразделений является выявление фактических данных, необходимых для предварительного расследования, и их полное использование в уголовном процессе.

По степени эффективности достижения целей указанными подсистемами можно судить о достижении общей цели вновь созданной подсистемы. Цели, стоящие перед оперативными подразделениями и органами предварительного следствия во вновь созданной подсистеме, определяют их функции и специфику деятельности. Так, выполняя задачи по выявлению и сбору фактических данных, необходимых для предварительного расследования, оперативные подразделения используют силы, средства и методы, которые являются специфическими и присущими только им.

Органы предварительного расследования в своей деятельности полностью руководствуются уголовно-процессуальным законом и не могут использовать средства и методы оперативно-розыскной деятельности. Поэтому результаты работы следователя для решения задач системы уголовной юстиции используются непосредственно, а результаты деятельности оперативных подразделений — опосредованно, через процессуальную деятельность следователя. В данном случае достижение цели (результата) оперативными подразделениями являются средством для достижения целей

органами предварительного расследования. Это обстоятельство дает основание утверждать, что речь идет об одном из функциональных понятий системной методологии - иерархическом порядке элементов в системе, т. е. подсистема предварительного расследования занимает главенствующее положение.

Как уже отмечалось, важным элементом системного анализа является изучение связей, отношений и зависимостей между компонентами системы, а также исследование в их качественной определенности и взаимодействии, оказывающих влияние на свойства системы как единого целого.

При изучении связей, отношений и зависимостей между оперативными подразделениями и органами предварительного следствия необходимо учитывать, что соединение их в определенную подсистему вызвано тем, что достичь конечной цели системы уголовной юстиции не представляется возможным, если названные подсистемы будут функционировать раздельно. Вместе с тем эти подсистемы объединены единой целью, функционально и структурно созданы под нее, хотя для ее достижения они наделены различными полномочиями, используют разные средства и методы.

Как уже отмечалось, система уголовной юстиции является функциональной, и поэтому в данном случае действует положение о присущей ей закономерности результата и динамической мобилизуемости, которые и вызывают быстрое переформирование элементов системы и направление их на достижение конечного результата³. Отношения между элементами вновь образованной подсистемы зависят от характера связей между ними. При этом необходимо иметь в виду, что неперенным условием функционирования любой социальной системы является управление, удерживающее систему в заданных параметрах.

Данное обстоятельство тесно связано с принципом иерархичности при организации

системы, т. е. управляющее воздействие должна оказывать та подсистема, которая в иерархическом порядке стоит выше. В этом случае такой подсистемой являются органы предварительного следствия. Указанный вывод подтверждает и анализ нормативной базы, регулирующей взаимоотношения между органами предварительного следствия и оперативными подразделениями при решении ими общей задачи — раскрытия и расследования преступлений.

Необходимо отметить, что при решении задач предупреждения и пресечения преступлений, вне связи с нарушением норм уголовного права, оперативно-розыскные меры приобретают самостоятельное значение, тогда как при раскрытии совершенного преступления они играют вспомогательную роль, целиком подчиняясь интересам расследования. В данном случае главной задачей оперативных подразделений является содействие быстрому и полному раскрытию преступлений и изобличению виновных, т. е. обнаружение и задержание преступников, выявление свидетелей по делу, розыск предметов и документов, которые могут быть использованы в качестве источников судебных доказательств, и т. д.

Что касается понятий «взаимодействие» и «оперативно-розыскное обеспечение», то необходимо отметить, что эти понятия во многом взаимосвязаны и взаимообусловлены. Вместе с тем, по нашему мнению, понятие «взаимодействие» значительно шире понятия «оперативно-розыскное обеспечение предварительного расследования» и является его материальной предпосылкой.

Процесс оперативно-розыскного обеспечения начинается с момента реализации оперативных материалов и возбуждения уголовного дела либо с момента возбуждения уголовного дела, по которому неизвестно лицо, совершившее преступление. Такая обязанность закреплена в уголовно-процессуальном законе и в законе об оперативно-розыскной деятельности. В этом проявляется обеспечивающая роль оперативных подразделений по отношению к

подсистеме предварительного расследования по достижению целей системы уголовной юстиции в целом. Окончание этого процесса будет правильным связать с передачей дела в суд, т. е. когда начинает действовать следующая подсистема уголовной юстиции — судебное разбирательство.

Прежде всего, при определении характера связей между следователем и оперативным работником следует учитывать, что система оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования представляет собой «систему сознательно координируемой деятельности двух и более лиц», необходимым условием которой является управление, т. е. целенаправленное воздействие, удерживающее ее в заданных параметрах.

При этом одним из главных вопросов является вопрос о субъекте управления рассматриваемой системы. Если исходить из анализа правовых норм, регулирующих отношения между следователем и оперативными подразделениями при раскрытии и расследовании преступлений, то такими субъектами являются следователь и начальник оперативного подразделения.

Руководители оперативного подразделения наделены властными полномочиями в отношении оперативных подразделений. Кроме того, на них возлагаются обязанности по организации деятельности по раскрытию преступлений. Выполняя эти обязанности, руководители оперативного подразделения создают следственно-оперативные группы для раскрытия конкретных преступных групп или определенных видов преступлений, решая при этом в пределах своей компетенции множество организационных вопросов (материально-технические, относительно средств связи, специальной техники и т. д.). Кроме того, они осуществляют в полном объеме управление оперативными подразделениями, т. е. эти отношения носят характер субординации, «распорядительство-подчинение».

В данном случае происходит координация деятельности различных оперативных подразделений, направленных на оператив-

но-розыскное обеспечение предварительного расследования через субординационные связи.

Однако в отношении другой подсистемы системы оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования руководители оперативного подразделения обладают «усеченными» властными полномочиями. Они основаны также на субординационных связях, но качественно других. Это процессуальная независимость следователя, определенная уголовно-процессуальным законом. Что касается сущности деятельности следователя по раскрытию и расследованию преступлений, то здесь происходит обратное: в роли обладателя властных полномочий выступает уже следователь, а выполнять его поручения и указания должны руководители оперативного подразделения. Таким образом, руководители оперативного подразделения в силу их полномочий, определенных в уголовно-процессуальном законе, не могут являться субъектами управления системы оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования.

Если в качестве субъекта управления системой оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования рассматривать следователя и исходить из закона, то это не вызывает сомнений и возражений. Его властные полномочия при расследовании конкретного уголовного дела действительно ставят его в положение руководителя. Он выдвигает версии, определяет направления расследования, давая поручения, направляет деятельность оперативных подразделений.

Однако необходимо отметить, что ответственное положение следователя на предварительном следствии, некоторые данные ему властные полномочия по отношению к оперативным подразделениям, закрепленные в уголовно-процессуальном законе, в ведомственном нормативном регулировании развития не получили. Их взаимоотношения, когда они входят в систему оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследова-

ния, определены нечетко. Поэтому говорить об управляющем воздействии следователя на систему оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования, его координирующей роли не приходится. О невозможности признания следователя в качестве субъекта управления говорит и тот факт, что в данном случае ему необходимо не просто координировать деятельность определенных элементов системы, а координировать разные виды деятельности.

Для того, чтобы следователь стал фактическим субъектом управления системой расследования, которая, на наш взгляд, включает в себя и систему оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования, необходимо в законодательном порядке наделить следователя правом ознакомления со всеми результатами деятельности оперативных подразделений по уголовному делу, находящемуся у него в производстве, а также правом контроля за процессом оперативно-розыскного обеспечения. В данном случае контроль за процессом оперативно-розыскного обеспечения предварительного следствия со стороны следователя значительно отличается от контроля за деятельностью оперативных подразделений со стороны их руководителей.

В данном случае контроль осуществляется не за самим процессом оперативно-розыскного обеспечения, тактикой выполнения необходимых оперативно-розыскных мероприятий, а за исполнением решения следователя, которое может быть заложено в плане совместных мероприятий либо в поручении следователя. Специфика рассматриваемого вида контроля заключается в том, что он осуществляется по результатам деятельности оперативных подразделений, т. е. по их вкладу в раскрытие и расследование преступлений. Результатом такого контроля будет внесение коррективов в деятельность оперативных подразделений по оперативно-розыскному обеспечению предварительного расследования.

Речь должна идти не о подмене начальника горрайоргана в руководстве

оперативными подразделениями, а о временном (на период расследования) делегировании им своих полномочий в отношении сотрудников оперативных подразделений, занятых оперативно-розыскным обеспечением, следовательно, в производстве которого находится уголовное дело. Таким образом, система оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования будет соответствовать иерархическому типу, что позволит снизить число дисфункций и уменьшить трения внутри системы. По существу, вопрос сводится к временной организации, призванной решить определенную задачу — раскрыть и расследовать конкретное преступление.

В рассматриваемом аспекте можно сделать вывод о том, что оперативные подразделения и следователь при раскрытии и расследовании преступлений должны действовать максимально целенаправленно для достижения единой цели, поэтому связи между ними должны быть максимально «приближены», а оперативно-розыскная и процессуальная деятельность максимально сближены.

Подтверждением данного вывода, на наш взгляд, может служить деятельность следственно-оперативных групп вообще и по раскрытию убийств - в частности. В них функции оперативных подразделений и следователей максимально сближены и целенаправленны на достижение единого результата, а внутрисистемные связи между ними максимально «приближены»⁴.

Рассматривая проблемы организации оперативно-розыскного обеспечения необходимо учитывать то, как было возбуждено уголовное дело: в результате реализации оперативных материалов либо по иным основаниям, предусмотренным уголовно-процессуальным законодательством. В первой ситуации оперативные подразделения решают поставленные перед ними задачи в системе уголовной юстиции

— выявление фактов преступлений и лиц, их совершивших, самостоятельно, используя только свои силы, средства и методы. В процессе этой деятельности проводится выявление и собирание фактических данных, указывающих на событие преступления и лиц, их совершивших, а также обеспечиваются возможности использования этих данных на предварительном следствии.

Окончание процесса выявления и сбора фактических данных оперативно-розыскными методами как раз и означает, что самостоятельно оперативные подразделения уже не могут решить задачу по раскрытию преступления, требуется подключение следователя, который, осуществляя процессуальную деятельность, способен решить задачу раскрытия и расследования преступления. Такая необходимость вытекает из требований уголовно-процессуального закона и соответствует источникам, условиям и способам получения доказательств.

Исходя из того, что доказательство представляет собой единство процессуальной формы и фактического содержания, можно констатировать, что фактическое содержание отыскивается и закрепляется с помощью оперативно-розыскных средств и методов в процессе оперативно-розыскной деятельности. Для облечения их в процессуальную форму необходима уже деятельность следователя. Оформление фактических данных в процессуальную форму должно начинаться только после сбора их оптимального количества, когда имеется достаточно оснований для возбуждения уголовного дела.

На эффективность решения задач по раскрытию и расследованию преступлений значительное влияние оказывает противодействие осуществлению предварительного расследования со стороны преступников и связанных с ними лиц. Нейтрализация этого противодействия, создание благоприятной обстановки для проведения предваритель-

ного расследования является частью оперативно-розыскного обеспечения, которая называется оперативно-розыскным контролем.

Необходимость и важность данной части оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования обусловлены, на наш взгляд, следующими причинами:

— гуманизацией мер уголовного наказания, повлекшей за собой сокращение мер пресечения, связанных с изоляцией от общества;

— определенной степенью организованности современной преступности, которая принимает меры к противодействию функционированию системы уголовного юстиции.

Данные обстоятельства требуют от оперативных сотрудников нового подхода к использованию сил, средств и методов оперативно-розыскной деятельности и осуществлению оперативно-розыскных мероприятий. Оперативные подразделения, выполняя свою обеспечивающую функцию, на момент возбуждения уголовного дела или при установлении лиц, виновных в совершении преступлений, или избрании в отношении их меры пресечения, должны с помощью оперативных средств и методов осуществлять контроль не только за поведением обвиняемых и подозреваемых, но и связанных с ними лиц, которые своими действиями существенным образом могут повлиять на ход предварительного следствия.

Такой контроль должен заключаться, прежде всего, в установлении намерений и замыслов подозреваемых и обвиняемых относительно линии их поведения в период предварительного расследования. В первую очередь это касается намерений обвиняемых скрыться от следствия и суда и продолжить преступную деятельность. В зависимости от этого уже и будет строиться тактика нейтрализации их негативного влияния на результативность расследования.

Оперативно-розыскные мероприятия, осуществляемые в ходе оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования, и в частности оперативного контроля, проводится в отношении подозреваемых и обвиняемых, а также других лиц, пытающихся помешать совершению правосудия. По отношению к потерпевшим и свидетелям он носит охранительный характер, т. е. направлен на защиту их прав и законных интересов.

Таким образом, можно сделать вывод о том, что на сегодняшний день для выполнения задач, стоящих перед органами внутренних дел, имеется необходимая правовая база, структурные подразделения, отвечающие современным требованиям, необходимые силы, средства и методы, применение которых при ответственном подходе, с соблюдением всех норм закона повысит эффективность деятельности органов внутренних дел и обеспечит надежную защиту прав, свобод и законных интересов граждан нашей страны.

¹ См.: Указ Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2017 г. «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» // <http://www.president.uz/ru/lists/view/390>.

² См.: Ст. ст. 4, 12, 14 Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» от 25 декабря 2012 г.

³ См.: *Самойлов В. П.* Сущность оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел, её задачи и значение в борьбе с преступностью. — М., 1984. — С. 11.

⁴ См.: *Осинов А. Ф.* Вопросы соотношения процессуальной и оперативно-розыскной деятельности. Взаимодействие следователя с органами дознания. — М., 1986. — С. 12.

ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Аннотация. Мақолада оиладаги зўравонликнинг сабаб ва шароитлари, зўравонликдан жабрланган шахсларнинг криминологик ва психологик тавсифи, шунингдек оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: оила, зўравонлик, жиноятчи, зўравонлик қурбони, жиноятнинг даражаси, тузилиши, динамикаси.

Анализ криминологических показателей правонарушений, связанных с насилием в семье

Аннотация. В статье анализируются причины и условия насилия в семье, криминологическая и психологическая характеристика лиц, пострадавших от насилия, а также меры по предупреждению правонарушений, связанных с насилием в семье.

Основные понятия: насилие, семья, преступник, жертва насилия, состояние, уровень, структура, динамика, преступление.

Analysis of criminological indicators of offenses related to domestic violence

Annotation. The article analyses the reasons and conditions of family violence, criminological and psychological characteristics of persons suffered by violence and measures on prevention of offence connected with family violence.

Key words: family violence, criminal, victim of violence, state of crime, level, structure, dynamics, crime.

Оилада шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларнинг сабабларини аниқлаш учун нафақат жиноятчининг шахси, балки жабрланувчи билан жиноят содир этган шахс ўртасидаги муносабатлар тўғрисида ҳам чуқур криминологик ва психологик билимга эга бўлиш зарур. Айниқса, жабрланувчи билан жиноят содир этган шахс ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш оилада шахсга қарши жиноятларнинг виқтимологик жиҳатларини ёритиш ҳамда бу турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган криминологик чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

Маълумки, ҳар қандай жиноятни ўрганиш унинг ташқи хусусиятлари, элементлари ҳамда сабаб ва шароитларини тадқиқ этишдан бошланади. Криминологик нуқтаи назардан, жиноятчиликнинг даражаси, тузилиши ва динамикасини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар содир

этилган жиноятларни таҳлил этиш жараёнида тегишли ҳулосалар ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутаети. Статистик кўрсаткичлар содир этилган ҳодисанинг мазмун-моҳиятини очиб бермасадда, уларни ўрганиш жиноятчиликнинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш ва жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилашда ёрдам беради.

Ғарчи статистикада айнан зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар тўлиқ қайд этилмасадда, мазкур жиноятларни шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар таркибидан ажратиб олиш мумкин. Масалан, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлар таркибидан ажратган ҳолда таҳлил қилиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Оилада зўравонлик натижасида шахсга жисмоний куч ишлатиш, калтаклаш,

зўрлаш, руҳий таъсир кўрсатиш мажбурлаш, қийнаш, жабр-зулм қилиш, жинсий зўравонлик қилиш, номусга тегиш каби хатти-ҳаракатлар содир этилади.

Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ахлоқ-одоб қоидаларига зид маънавий-ахлоқий бузуқлик бўлиб, ўзининг турмуш ўртоғи, ота-онаси билан ёки ака-укалар ўртасида содир этилиши боис ижтимоий хавфи юқоридир. Шахснинг ана шундай бўлиб етишишига, аввало, оила муҳити таъсир этади. Бу борадаги криминологик тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, жиноят йўлига кирган шахсларнинг 30 фоизда оилавий шароити яхши бўлмаган - ота-оналарининг сурункали ичкиликбозликка берилганлиги, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ахлоқан бузуқлиги каби иллатлар мавжуд бўлган.

Таҳлилларга кўра, оилада бундай низоларнинг келиб чиқишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар, эр-хотин ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқлиги, ҳақоратлаш, камситиш, таҳқирлаш, жабр-зулм қилиш, эркакнинг спиртли ичимликка ружу қўйганлиги, рашк, хиёнат, ишсизлик, фарзанд тарбиясига эътиборсизлик, эр-хотин муносабатларига қайнона-қайнота, ака-ука, опа-сингил ва бошқа қариндошларнинг ноўрин аралашуви, оиладаги носоғлом муҳит ва ҳоказо.

Кўп ҳолларда болалардаги таълим-тарбиянинг бузилишига катталарнинг ўзи ҳам сабабчи бўлиши кузатилади. Оилада катталарнинг ахлоққа зид хатти-ҳаракатлари низоли криминоген вазият келиб чиқишида қулай шароит ҳисобланади. Оқибатда низоларнинг кўпайиши ва янада кучайиши ортиши кузатилади¹. Бу эса оилада фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шундай омиллар бўлган оилаларга жамоат ташкилотлари, қариндош-уруғлар етарли ёрдам бермаса, болаларнинг зўравонликдан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлади. Энг ачинарлиси, оиладаги низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги кўпинча ажралишларга сабаб бўлади².

Тадқиқот жараёнида жамоат тузилмалари (МФЙ раиси, маҳалла жамоат посбони, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар) ўртасида ўтказилган сўровда қатнашганларнинг 32,5 % — моддий етишмовчилик ва қийинчиликларни, 29,8 % — ишсизликни, 17,3 % — оилада тарбиянинг сустлигини, 10,4 % — оилада эркакнинг спиртли ичимликларга ружу қўйганлигини, 6,1 % — рашк ёки хиёнатни, 3,9 % — ҳақоратни бугун оилада зўравонликка олиб келаётган низоларнинг сабаблари сифатида кўрсатган.

Худди шундай сўров ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ўртасида ўтказилиб, улардан оилада зўравонлик келиб чиқишига олиб келаётган омиллар ҳақида сўралганида уларнинг 26,9 % — оиладаги моддий етишмовчиликни, 21,7 % — эр-хотин муносабатларига қайнона-қайнота, ака-ука, опа-сингил ва бошқа қариндошларнинг ноўрин аралашуви, 12,8 % — оилада эркак кишининг спиртли ичимликка ружу қўйганлигини, 11,2 % — мол-мулк, мерос талашини, 9,2 % — ёшларнинг эрта турмуш қураётганлиги, ҳаётий тажрибаси йўқлиги, уй-рўзғор ишларига тайёр эмаслигини, 7,6 % — оилада аёлнинг эркакдан кўпроқ пул топишини, 7,4 % — рашкни, 2,4 % эса эр ёки хотиннинг хиёнат қилишини сабаб қилиб кўрсатган.

«Оиладаги зўравонлик оқибатида ким кимга нисбатан жиноят содир этган?» деган саволга профилактика инспекторларининг 48,2 % — эри хотинига, 4,7 % — хотини эрига, 12,7 % — ота фарзандига, 11,6 % — ўғай ота-она фарзандга, 8,2 % — қайнона келинга, 3,1 % — қайниопа қайсингилга, 7,1 % — ака-ука бир-бирига, 3,5 % фарзанд ота-онасига, 0,9 % эса ота-она фарзандига нисбатан содир этишини қайд этган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан оила-турмуш доирасида зўравонлик жиноятларини содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган шахсларнинг жиноят ишлари ўрганилганида оилада низо келиб чиқишига 26,3 % ҳолатда — мастлик,

21,1 % ида — мол-мулк талашиш, 19,4 % ида — моддий етишмовчилик, 12,0 % ида — келишмовчилик, 10,3 % ида — рашк ёки хиёнат, 7,1 % ида — тухмат ёки ҳақорат қилиш ва 3,8 % ҳолатда оила аъзолари ўртасида узоқ давом этиб келган адоват сабаб бўлганлиги аниқланди.

Оилада зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларнинг 37,6 % — қасддан баданга енгил шикаст етказиш, 17,0 % — қасддан баданга ўртача шикаст етказиш, 12,3 % — қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 9,1 % — қасддан одам ўлдириш, 8,3 % — вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, 4,7 % — қийнаш, 3,4 % — тухмат, 2,1 % — номусга тегиш, 1,9 % — ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, 1,2 % — ҳақорат қилиш, 1,7 % — ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш бўлган.

Бу қилмишларнинг содир этилишида шахс руҳий ҳолатининг бузилиши муҳим роль ўйнайди. Муайян хатти-ҳаракатнинг жиноятга айланишини тақозо этувчи хусусиятлар шахснинг руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлади. Ушбу низолар баъзи ҳолларда тўсатдан вужудга келган руҳий бузилиш оқибатида, яъни қизиққонлик, тажовузкорлик, ўзини назорат қила олмаслик каби вазиятларда содир этилишини ҳам инобатга олиш лозим.

Биз кўриб чиқаётган қилмишлар таркибида ўч олиш, оила аъзоларининг бири-бирини ёқтирмаслиги, адоват, алам, келишмовчилик ва психологик зиддиятлар зўравонликлар содир этилишининг муҳим омили ҳисобланади. Улар таъсирида айбдор шахснинг манфаатларига зид ҳаракатлар содир этганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш, ушбу қилмишига яраша муносиб жавоб қайтариш, кучи, жаҳлини ёки нимага қодир эканлигини кўрсатиш, хафа қилган кишига шикаст етказиш орқали бошидан кечирган азоб-уқубат ва кечинмалар ўрнини руҳан тўлдиришга интилиш каби руҳан ўзини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолат ва вазиятлар вужудга келади.

Айрим тадқиқотларда қайд этилишича, аёлларнинг ўз оила аъзолари томонидан

қасддан баданига оғир шикаст етказилган, ўлдирилган аёллар ана шундай эркаклардан икки баравар кўп³. Назаримизда, бу ҳол аёлларнинг жисмонан ожизлиги ҳамда зўравонликка дучор бўлиши эҳтимоли катталиги билан боғлиқ.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида шахснинг сабабсиз жанжал қилишига олиб келган ҳаётий вазиятлар таҳлил қилинганида шахсга унинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи, хўрловчи, жазоловчи муносабатда бўлиш жабр-зулм, нафрат, зўрлик, ўч олиш мотивининг шаклланишига олиб келиши маълум бўлди. Бу турдаги жиноятларнинг аксарияти кучли руҳий зўриқиш ҳолатида содир этилади. Мисол учун, қасддан одам ўлдириш мотивига рашк ёки қаҳр-ғазаб сабаб бўлиши мумкин.

Афсуски, оилада зўравонликнинг кўпинча тажовузкорлик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда содир этилишини кўриш мумкин. Ю. М. Антоняннинг фикрича, тажовузкорлик табиий хусусиятга эга бўлиб, инсон заковатининг маҳсули ва ижтимоий зўравонлик сифатида намоён бўлади⁴. Бундай тажовузкор хулқ-атвор инсон туғилганидан юзага келмайди, балки шахс руҳиятидаги маълум бузилишлар сабабли шаклланиши мумкин.

Инсон руҳиятидаги бузилишлар ҳуқуқбузарликка мойилликнинг кучайишига, унинг ғайриижтимоий турмуш тарзини юритишига сабаб бўлиши аниқланган. Психик бузилишлар ирсий касалликлар натижасида юзага келиши ёки ҳаёт давомида орттирилган бўлиши мумкин⁵. Психик бузилишларда шахсда тажовузкор хулқ-атвор шаклланиши мумкин. Тажовуз турли ҳиссий ҳолатларда, яъни қасос олиш истаги, ғаразли мақсад, кўролмаслик ёки нафрат оқибатида ҳам намоён бўлади. Тажовузкор хатти-ҳаракатлар одатда беқарор ва ҳар хил ижтимоий аномалиялар туфайли мураккаблашган маиший муҳитда содир бўлган⁶. Мазкур омиллар юқорида қайд этилган зўравонликларнинг келиб чиқишига таъсир этиши мумкин.

Бу фикрлар тажовузкорликка уч хил нуқтаи назардан қараш имконини беради:

биринчиси — барча тирик мавжудотларга табиий туғма равишда хос бўлган, ўзини сақлаб қолишга қаратилган ва қўққисдан намоён бўладиган дастлабки инстинкт; иккинчиси — одамнинг кимгадир жисмоний ёки руҳий шикаст етказиш учун инъом этилган ҳар қандай онгли хулқ-атвори; учинчиси — салбий хулқ-атворнинг шахс руҳиятига таъсир этиши.

Тадқиқот давомида оилада турмуш доирасида жиноятлар содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг суд архивидаги 470 та жиноят иши йиғмажилдлари ўрганилганида оилада низоларнинг келиб чиқишига асосан мастлик (21,3 % ҳолларда), етишмовчилик (18,1 %), жанжал ва келишмовчилик (22,1 %), менсимаслик (7,4 %), рашк ёки хиёнат (10,3 %), адоват (9,7 %), мол-мулк талаш (6,1 %), ҳақорат қилиш (5,1 %) каби омиллар сабаб бўлганлиги аниқланди. Мазкур жиноятларнинг содир этилишига туртки берган зўравонлик мотиви ўрганилганида жиноят содир этганларнинг 27,6 % — ҳам-манинг олдида ўзини нимага қодир эканлигини кўрсатиш, 21,6 % — кўрқитиб бўйсундириш, 17,4 % — рашк, 13,4 % — ўч олиш, 11,3 % — мол-мулкка эга бўлиш, 8,7 % — жабрланувчидан қутулиш учун ушбу ҳаракатни содир этганлиги, ана шу мотивлар шахснинг хулқ-атворида гайриижтимоий салбий хусусиятлар шаклланишига олиб келганлиги маълум бўлди.

Оиладаги зўравонликдан жабрланганларнинг 6,7 % ини — 20 ёшгача бўлганлар, 21,3 % ини — 26—30, 18,0 % ини — 31—35, 16,1 % ини — 36—40, 14,7 % ини — 20—25, 10,6 % ини — 41—45, 5,1 % ини — 46—50, 3,4 % ини — 51—55, 2,7 % ини — 56—60 ёшдагилар, 1,3 % ини эса — 60 ёшдан ошганлар ташкил этган.

Шунингдек, оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ёшига оид маълумотлар таҳлил этилганида уларнинг 10,1 % — 18—25, 38,6 % — 25—35, 26,8 % — 35—45, 15,5 % — 45—55 ёшда, 9,2 % эса 55 ёшдан катта эканликлари маълум бўлди. Кўришиб турибдики, оиладаги жиноят содир этган жиноятчи шахсларнинг

асосий қисмини 25-45 ёшдагилар ташкил этади.

Шахс маълумоти даражасининг пастлиги унинг зўравонлик қурбони бўлиши эҳтимолини оширади. Мисол учун, маълумот даражаси паст шахсларнинг тажовузкор хулқ-атвори уларнинг нимага қодир эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилишида ёки бўлмағур хатти-ҳаракатлари билан кимгадир жавоб қайтаришида намоён бўлади.

Жабрланувчининг салбий хулқ-атвори, ноўрин хатти-ҳаракати ҳамда спиртли ичимликлардан маст ҳолатда эканлигини оиладаги зўравонликдан жабрланган шахснинг хулқ-атвори туфайли содир этилган қилмишларнинг сабаблари сифатида кўрсатиш мумкин. Шу ўринда қасддан баданга тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларнинг 70 % ичкиликбозлик оқибатида содир этилишини ҳам эътиборга олиш лозим.

Тадқиқот давомида ўрганилган адабиётлар ва статистик маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, ҳозирги кунда оилаларда зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига қуйидаги сабаб ва шароитлар таъсир кўрсатмоқда:

1. Оилада носоғлом маънавий-руҳий муҳитнинг мавжудлиги. Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи асосий криминоген омиллар муҳит билан боғлиқ эканлиги фанда олимлар томонидан исботланган. Бу, айниқса, вояга етмаганнинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади. Оилаларда азалий миллий урф-одат ва қадриятларнинг эътироф этилмаслиги натижасида оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат ёки ҳамжиҳатлик каби инсоний хислатларнинг йўқлиги оиладаги низоларга сабаб бўлаётганлигини кўриш мумкин.

2. Оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг сустлиги. Шахснинг маънавияти унинг ахлоқий фазилатлари билан боғлиқ. Таҳлиллар оилада низо келтириб чиқарган шахсларнинг аксариятида маънавият ва ахлоқий хислатлар юқори даражада эмаслигини кўрсатди.

3. Жабрланувчининг салбий хулқ-атвори. Бу нафақат ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига, балки шахснинг ундан жабрланишга ҳам сабаб бўлганлигини кузатиш мумкин.

4. Оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар. Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар⁷ мавжуд бўлган оилаларда ака-ука ёки уларнинг турмуш ўртоқлари, фарзандлари орасида ёки қайнона-келинлар ўртасида келиб чиқаётган турли келишмовчиликлар сабаб бўлмоқда. Оила моддий таъминотининг етарли эмаслиги эр ва хотин ўртасида турли низоларга сабаб бўлувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Аёлларнинг эркаклардан қурби етмайдиган турмуш даражасини ёки дабдабали тўй-ҳашам ўтказишни талаб қилиши ана шу омиллар жумласидандир.

5. Спиртли ичимликка ружу қуйиш. Айтиш жоизки, спиртли ичимлик истеъмол қилиши натижасида шахс ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини англамайдиган, қўпол ва жиззаки бўлиб қолади. Бунинг натижасида маст кишида нафақат жамиятга, балки ўрнатилган ахлоқ-одоб нормаларига нисбатан ҳам беписандлик ва ҳурматсизлик хислатлари пайдо бўлади. Бу эса унинг ғайриижтимоий салбий ҳаракатлар содир этишига олиб келади.

6. Оила аъзолари ёки қариндош-уруғларнинг мол-мулк ва мерос талашиши. Суд-тергов амалиётидан маълумки, шахсга тан жароҳати етказилиши, мол-мулк ёки мерос талашишлар қариндош-уруғларнинг, ака-ука, опа-сингил, фарзанд ва оналарнинг муносабатлари юзқўрмас даражада издан чиқишига сабаб бўлмоқда. Бир ҳовлида яшаб турган ака-укаларнинг шундай қилмишлари оқибатида у ерда вояга етаётган болалар ўртасида бир-бирларига нисбатан адоват, душманлик кайфияти шаклланаётгани ачинарли ҳолдир.

7. Рашк, хиёнат ёки зино. Оилавий ҳаётда эр ёки хотин ўртасида жанжал келиб чиқишига ортиқча рашкчилик ёки асоссиз айбланиш, хиёнаткорлик, жинсий қониқ-

маслик, зино каби омиллар сабаб бўлади. Бундай ҳолат асосан эркаклар томонидан кузатилиб, аёлларнинг оиладан кетиб қолишига, оиланинг бузилиши ва қайта тикланмаслигига, баъзан қасддан турли тан жароҳатлари етказишга, калтаклаш, азоблаш, хўрлаш, қийнаш ҳамда бошқа жисмоний ва руҳий азоб беришларга сабаб бўлади. Булар ичида ижтимоий жиҳатдан энг хавфлиси хиёнаткорлик бўлиб, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли жиноятлар содир этилишига олиб келади.

8. Эрта турмуш қуриш ҳамда қариндош-уруғларнинг оиладаги низоларга ноўрин аралашуви. Мутахассислар фикрича, ёш оилаларда оилавий ҳаёт тўғрисидаги эр-хотин тасаввурларининг ўзаро мос келмаслиги, турли баҳоналар билан етишмовчиликни рўкач қилиши, бир-бирини тушунмаслиги, оилаларда табақаланиш борлиги низо ва ажралишларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ёшларнинг эрта турмуш қураётгани, уларда ҳаётий тажриба етишмаслиги, уй-рўзгор ишларига тайёр эмаслиги оилада қайнона-келин ёки эрининг оила аъзолари томонидан унга нисбатан самимий муносабатда бўлмасликка олиб келиши мумкин. Айниқса, ёш оилаларнинг ишига катталарнинг ёки қариндош-уруғларнинг ноўрин аралашуви оиладаги муаммоларнинг янада мураккаб-лашувига ёхуд оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, сўнгги пайтларда оилавий ажримларнинг сони ортиб бормоқда. Энг ачинарлиси, ажрашаётган оилаларнинг аксариятида икки ёки ундан ортиқ болалар мавжуд. Давлат статистика қўмитаси маълумотида кўра, ўтган йил давомида Ўзбекистонда 275 мингдан ортиқ никоҳ қайд этилган. Шу билан бирга, республикада ажралишлар сони қарийб 30 мингга етган. Жумладан, 2017 йилнинг олти ойи якуналарига кўра, мамлакат бўйича 15 минг 106 та оилавий ажрим қайд этилган. Бундай нохуш ҳолатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 912 тага, хусусан, Тошкент шаҳрида 981 тага камайган. Тошкент, Фарғона, Жиззах, Наманган

вилоятларида ҳам ажримлар анча камайган. Бироқ Андижон, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидаги ҳолат қониқарли эмас.

Юқорида келтирилган сабаб ва шароитларни ўрганиш асосида оилада зўравонликнинг олдини олиш учун қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди:

биринчидан, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари билан биргаликда маъмурий ҳудудларда яшовчи оилаларда мавжуд қийинчилик ва етишмовчиликлар, кўп фарзандли, бир уйда икки ёки ундан ортиқ оила яшайдиган хонадонларни аниқлаб, улардаги ишсизлик, уй-жой муаммосини ҳал қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан амалий ҳамкорлик қилиш⁸;

иккинчидан, оилада зўравонликнинг олдини олиш, сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган кенг қамровли профилактик чора-тадбирларни белгилашда жамоатчилик имкониятларидан фойдаланиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали оилада аёлларга ўтказиладиган зулм ёки зўравонликларнинг олдини олишга қаратилган кўрсатувлар ташкил этиш;

учинчидан, оилада мавжуд келишмовчилик ва низоларнинг сабабларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича режа-дастур ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар яшайдиган оилаларни жамоатчилик назоратига олиш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларни ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига қўйиш билан чекланмай, улар билан якка тартибда профилактик ишлар олиб бориш;

бешинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни доимий равишда ўтказиш;

олтинчидан, оилавий жанжаллар оқиба-тида эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, ота-она ва фарзанд, қайнона ва келин, қўни-қўшнилар ўртасида бузилган муносабатларни тиклаш чораларини кўриш ҳамда оилавий жанжалларнинг сабабларини аниқлаб, бартараф этиш бўйича маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Яраштириш комиссия»лари зарур чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим.

¹ Қаранг: Шоумаров Ф. Б. Оила психологияси. — Т., 2000. — Б. 151.

² Қаранг: Елизаров В. В. Демографическая ситуация и проблема семейной политики // Социологические исследования. — 1998. — № 2. — С. 55-56.

³ Қаранг: Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. — Т., 2009. — Б. 68; Moskowitz HD et al. (2005). Relations of UZ Youth Homicide Victims and Their Offenders, 1976—1999. Archives of Pediatrics and Adolescent Medicine, 159 (4): 356—361.

⁴ Қаранг: Антоная Ю. М. Преступная жестокость. — М., 1994. — С. 48.

⁵ Қаранг: Ахмедова М. Х. Жинсий тажовузкорлик содир этган жиноятчи шахсларнинг психологик хусусиятлари: Психол. фан. номз. ... дис. — Т., 2007. — Б. 65.

⁶ Қаранг: Абдурашулова Қ. Р. Аёллар жиноятчилиги ва уларнинг олдини олиш муаммолари. — Т., 2007. — Б. 28.

⁷ Изоҳ: Моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар мавжуд бўлганларга бир уйда икки ёки ундан ортиқ оила яшайдиган хонадонлар киради. Мазкур оилаларнинг аксарияти шаҳар жойларидаги кўп қаватли уйларида яшайди. Нормага кўра, бир киши учун уйдаги яшаш майдони 16 кв. метр бўлиши лозим. Таассуфки, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 4-5 кв. метр бўлган оилалар ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳол у ерда яшовчи шахсларнинг муайян даражада эркин яшашига имкон бермайди.

⁸ Изоҳ: ҳозирги кунда оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми ана шундай оилаларда содир этилмоқда.

ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ УШЛАШНИНГ ЗАРУР ЧОРАЛАРИ ЧЕГАРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқишга оид жиноят-ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳамда уни такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: жиноят ҳуқуқи, ушлаш, зарар етказиш, ижтимоий хавfli жиноят содир этган шахс, ҳуқуқийлик, ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан чиқиш.

Правовой анализ превышения необходимых мер при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние

Аннотация. В статье проводится правовой анализ уголовно-правовых норм о превышении необходимых мер при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, даются рекомендации по совершенствованию уголовного законодательства в данной сфере.

Ключевые слова: уголовное право, задержание, лицо, совершившее общественно опасное деяние, причинение вреда, правомерность, превышение необходимых мер при задержании.

The legal analysis of excess necessary of measures of detention of the person who has made public dangerous damage.

Annotation. The article deals with the legal analyses of criminal-legal norm about excess of necessary measures in apprehension of a person committed public dangerous act and recommendations on improvement of criminal law is given.

Key words: criminal law, apprehension, person, committed public dangerous act, causing damage, legitimacy, excess necessary measures in apprehension.

Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ушлашнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқмаган ҳолда амалга оширилган бўлса, ижтимоий фойдали ҳаракат ҳисобланади. Акс ҳолда ижтимоий фойдали ҳаракат ҳам ижтимоий хавfli қилмишга айланади. Бундай жиноятларни квалификация қилишда жиноят-ҳуқуқи назариясида эътироф этилган қоидаларга асосланиш ва мурожаат қилиш талаб этилади¹.

Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиш натижасида унинг баданига оғир шикаст етказилса ёки у вафот этса, жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан жиноят-ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Бундай ҳолатлар, В. Н. Кудрявцев ўринли таъкидлаганидек, «якуний хулосани мустаҳкамловчи нормани аниқлаб, қарор қабул қилиш»² заруратини юзага келтиради.

Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг

қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш (ЖК 101-м.) ва баданга қасдан оғир шикаст етказиш (ЖК 108-м.) жиноятларининг диспозицияси ҳаволаки бўлиб, ушбу жиноятларнинг моҳиятини тўлиқ тушуниш учун Жиноят кодексининг 39-моддаси иккинчи қисмига мурожаат қилиш зарур.

Суд-тергов амалиётида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиш аломатларини аниқлашда объектив ва субъектив белгилар йиғиндисига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо берилади. Бунда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси ва хусусияти, ушланувчининг атрофдагилар учун хавfliлиги, қайта ижтимоий хавfli қилмиш содир этиш эҳтимоли, ушланганда ёнида қуроли бўлган-бўлмаганлиги, қаршилиқ кўрсатган-кўрсатмаганлиги, қаршилиқ даражаси (интенсивлиги), кучлар нисбати ва бошқалар ҳисобга олиниши керак. Зарар етказиб ушлаш

вақтидаги шарт-шароитлар қилмишни ҳамда уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси, ушланишдан бўйин товлаганлик ҳолати ва имкониятлари, ушланиш шароити, шунингдек ушлаш чораларини кўрувчи шахсда мавжуд куч, восита ва усуллар ёрдамида ушлашнинг бошқа имконияти бўлганида зарар етказиб ушлаш зарурати юзага келмайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида етказилган зарар миқдори суд экспертизасининг хулосаси асосида аниқланади. Зарар етказишнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиққан айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишда у танлаган куч, восита ва усуллар зарар етказиб ушлаш заруратини келтириб чиқармаганлигига эътибор қаратиш керак. Масалан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни самбо усуларини қўллаб ушлаш имкони бўлгани ҳолда, уни баданига оғир шикаст етказиб ушлашга шошилиш ҳар доим ҳам зарур бўлмайди. Шу боис ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унга қайси куч, восита ва усулларни қўллаш масаласини ҳар сафар яқка тартибда ҳал қилиш талаб этилади.

Зарар етказиб ушлашнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиш жабрланувчиларнинг ўзлари йўл қўйган қонунга зид ҳаракатлари натижасидир³. Шу боис ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида жабрланувчининг хулқини ҳар томонлама ва холисона баҳолаш зарур бўлади.

Айрим ҳолларда қурол билан қаршилик кўрсатаётган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш мақсадида уни таъқиб этишга тўғри келади. Бу, албатта, вазиятни мураккаблаштиради. Бундай шароитда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чораларини кўриш мажбуриятларини била туриб бажармаслик ёки ушлаш вақтида керагидан ортиқ зарар етказиш ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳоланади.

Ушлаш чораларини кўриши шарт бўлган шахс ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган ҳолларда, ушлаш имкони етарли бўлмагани учун, зарур чораларни кўриш юзасидан дарҳол тегишли давлат идораларига хабар

берганида бу шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантирилади.

Ушлаш чораларини кўрувчи шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни қўлга олаётган вақтида унда ўз бурчини сидқидилдан бажариш ҳисси уйғонади. Бу каби ҳолатларни инсон руҳиятидаги касбий бурч ҳисси деб аташимиз мумкин⁴. Айнан шу ҳислар ушлаш чораларини кўрувчи шахсларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш бўйича ҳаракатларни амалга оширишга чорлайди. Бироқ ушлаш вазиятига қараб бурч ҳисси баъзан юқори, баъзан сустроқ ҳис-туйғуларга айланиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексининг 101, 108-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мотивини аниқлаш уларни бошқа жиноятлардан фарқлаш имконини беради. Ушлаш вақтида айрим вазиятларда ушланишдан бўйин товлаган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари таъсири натижасида зарар аффект ҳолати юз бериши туфайли етказилган бўлиши мумкин. Аффект ҳолатида содир этилган ҳар қандай қилмиш қисқа вақтни қамраб олади⁵. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқишдан иборат жиноятни аффект ҳолатида содир этилган жиноятлардан фарқлашда уларнинг субъектив томони белгиларига эътибор қаратиш муҳим⁶.

Ушлаш чорасини кўрувчи шахс ушлаш чораларини кўриш мақсадида эмас, балки ушланувчи шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари сабабли (масалан, ушланувчи шахс қочиб кетиш мақсадида ушлаш чорасини кўрувчи шахс томонга тўсатдан югуриб келиши) натижасида кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатига тушиб, қасдан одам ўлдириши Жиноят кодексининг 98 моддаси бўйича ҳуқуқий баҳоланиши лозим⁷. Албатта, бу каби ушлаш чораларини кўриш вақтида кучли руҳий ҳаяжонланиш натижасида шахснинг баданига оғир шикаст етказилиши Жиноят кодексининг 106-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида ушланишдан бўйин товлаган шахс ушлаш чораларини кўрувчи шахсга ёхуд бошқа фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига, жамият ёки давлат манфаат-

ларига ижтимоий хавф келтириб чиқарганида тажовуздан ҳимояланиш мақсадида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан одам ўлдириш Жиноят кодексининг 100-моддаси бўйича ҳуқуқий баҳоланиши лозим⁸. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказилганида эса Жиноят кодексининг 107-моддаси бўйича ҳуқуқий баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиш жиноятларини ҳоқимият ёки мансаб ваколатлари доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.) жиноятдан фарқлаш муҳим. Айрим ҳолларда тенг юридик кучга эга нормалар ўртасида рақобат юзага келади ва улардан бирига устунлик бериш зарурати юзага келади. Бу ҳол жиноят ҳуқуқи назариясида нормалар рақобати деб юритилади.

Зарар етказиб ушлашнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиш жиноятларини содир этиш вақтида мансабдор шахс ушлаш учун қонунда белгиланган ҳуқуқийлик шартлари доирасидан четга чиқади, бироқ буни у хавfli вазиятларда бажаради. Ҳоқимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти эса хизмат вазифаларини бажариш чегараларидан четга чиқиб жиноят содир этишда ифодаланади¹⁰.

Баъзи ҳолларда субъект ушланаётган шахсга зарар етказишга ҳуқуқий асос йўқлигини англайди, аммо шунга қарамай, ушланувчига зарар етказади. Бундай қилмишларни ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиш жиноятлари сифатида эмас, балки бошқа тегишли жиноятлар сифатида ҳуқуқий баҳолаш талаб этилади. Б. Д. Ахроров тўғри таъкидлаганидек, «шахс фақат ўзи содир этган ҳаракатларда айбли бўлгандагина жавобгарлик масаласи келиб чиқиши мумкин»¹¹.

Агар мансабдор шахс ушлаш учун асос мавжуд бўлгани ҳолда ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонуний доирасидан четга чиқса, унга фуқаролар билан бир хил тартибда, яъни Жиноят кодексининг 101, 108 моддалари бўйича жиноий жавобгарлик белгиланиши лозим. Зарар етказишнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиб баданга оғир шикаст етказиш ҳолати

юзага келганида, жабрланувчининг айбдор билан ярашиш тўғрисида аризаси бўлган ҳолларда, айбдор шахс Жиноят кодексининг 66¹-моддасида белгиланган қоидалар асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин¹².

Қилмиш Жиноят кодексининг 101, 108-моддалари бўйича квалификация қилиниши учун айбдор ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаб, ҳоқимият органига топшириш ёки унинг жиноий фаолиятига чек қўйиш мақсадини кўзлаган ва ушлашнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиққанлигини англаган ҳолда, бундай оқибатлар келиб чиқишини истагани ёки бунга йўл қўйганлигини аниқлаш муҳим. Шунингдек, зарар етказиб ушлаш қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқишни аниқлаш учун иш бўйича барча ҳолатларни, хусусан, ушлашни амалга оширган шахс фаолиятининг мотивлари, ушлаш чоғида танланган восита ва усуллар, шарт-шароит, етказилган зарарнинг характери ва оғирлик даражаси, шунингдек қасднинг йўналтирилганлигини ифодаловчи бошқа белгиларга аниқлик киритиш зарур¹³.

Профессор Р. Кабулов ва бошқа олимлар: «Фактик хатода зарар етказиб ушлаш чораларини кўраётган шахс фактик асосни нотўғри баҳолайди ёки нотўғри тасаввур қилади»¹⁴, деб ўринли таъкидлаган. Зеро, у содир этилган жиноятнинг объекти, предмети ёки объектив томони белгиларини нотўғри баҳолаб, қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги хусусияти ва даражасини аниқлашда адашади ёхуд ижтимоий хавfli қилмишни ушланувчи шахс содир этганига оид аниқ фактик маълумотлар юзасидан янглишишга йўл қўяди¹⁵.

Суд-тергов амалиётида шахсни ушлаш вақтида хатолик туфайли жиноят содир этган шахс деган гумон билан учинчи шахсга зарар етказилган ҳоллар ҳам кузатилган. Бундай вазиятда «сохта ушлаш»ни амалга оширган шахснинг ҳаракатларидаги субъектив мезонларни синчиклаб таҳлил қилиш¹⁶ ҳамда жавобгарлик масаласини амалдаги қоидалардан келиб чиқиб ҳал қилиш талаб этилади. Э. О. Турғунбоев ўринли таъкидлаганидек, «фактик хатоликларда қилмишни квалификация қилиш субъектив томондан амалга оширилади»¹⁷. Мазкур масалаларни кўришда, профессорлар А. С. Якубов ва Р. Кабулов ўринли таъкидла-

ганларидек, «шахс хато қилаётганлигини билган бўлса, бу қасддан қилинган жиноят, ўз хатосини англамаган, унга кўзи етмаган ёки кўзи етиши мумкин ҳам бўлмаган тақдирда (сохта ушлаш) айбсиз ҳолда зарар етказиш мавжудлиги кўзга ташланади»¹⁸.

Суд ва тергов ходимлари ушлаш чораларини кўрган шахс амалда йўл қўйган хатоларни аниқлаши ва мавжуд ҳолатга ундан келиб чиқиб баҳо бериши лозим.

Вужудга келган шарт-шароитларда: 1) айбдор ўз тахминларининг хато эканлигини англамаган ва англаши мумкин бўлмаган ҳолатларни; 2) эҳтиётсизлик орқасида содир этилган тегишли жиноят сифатида ушбу ҳолатда шахс ўз тахмини нотўғри эканлигини англаши лозим бўлган, лекин англамаганлигини; 3) тегишли қасддан содир этилган жиноят сифатида айбдор ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфини англаган тарзда уларни амалга оширишни истаганлигини аниқлаш талаб этилади¹⁹.

Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқишда айбнинг иккинчи шакли эҳтиётсизлик ҳисобланади. Зарар етказиб ушлашнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиш «эҳтиётсизлик оқибатида содир этилганида субъект муайян ҳаракатлардан бирини танлашда асосан ғайриихтиёрий равишда, бехосдан ёки ўйламасдан қилган ҳаракат натижаси сифатида юз бериши»²⁰ мумкин.

Мазкур ҳолатларда ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқаётган субъект ўз ҳаракатлари билан ушланувчи шахсга оғир оқибатли зарар етказиши мумкинлигини кўра билади, лекин, эгри қасдда бўлганидан фарқли ўлароқ, уларнинг юз беришига йўл қўймайди, аксинча, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ишонади ёки асосиз равишда умид қилади. У эҳтимол тутилган оқибатлар келиб чиқмаслигига ишонган ҳолда, ўз ҳаракатларини ижтимоий фойдали хусусиятга эга деб ҳисоблайди.

Субъект зарарли оқибатларни бартараф этиш учун маълум куч ва ҳолатларга ишонади. Бу каби ҳолатлар турли хил бўлиши мумкин. Масалан, ушлаш чораларини кўраётган шахс ижтимоий хавfli қилмиш содир этиб ушланишдан бўйин товлаган шахсни ушлаш

вақтида жароҳатланганда тез ёрдам шифокорлари ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатишларига ва ўлим юз бермаслигига, ҳеч қандай асослар мавжуд бўлмаса-да, умид қилади. Бироқ баъзан ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахс кўп қон йўқотиши натижасида вафот этади.

Жиноий бепарволикда эса ушлаш чораларини кўрувчи шахс ҳаракатларини ижтимоий фойдали, деб хато ҳисоблайди. А. С. Михлин ва В. А. Казаковнинг қайд этишларича, жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида ёки вазият тақозосига кўра тасодифан эҳтиётсизлик оқибатида (ўқнинг беихтиёр отилиши, сапчиб учиши натижасида) одам ўлдириш ёки баданга оғир шикаст етказиш ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиш жиноятнинг таркибини ҳосил қилмайди²¹.

Албатта, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказишнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқиш натижасида келиб чиққан ўлимга нисбатан эҳтиётсизлик кўринишидаги айб шаклида, айбдор томонидан ушланишдан бўйин товлаган шахсни ўлдириб қўйиш эҳтимолини англанидан далолат бермайдиган усул ёки восита билан ёхуд ҳаётий муҳим бўлмаган органларга зарар етказилганида ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда намоён бўлади. Шунинг учун ушлаш вақтида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган баданга оғир шикаст етказишни эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлдиришдан фарқлаш керак. Бундай ҳолатларда шуни эътиборга олиш лозимки, эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлдиришда айбдор шахс жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказишга ёки уни ўлдиришга қасд қилмаган бўлади, жабрланувчининг баданига ўлимга олиб келган оғир шикаст етказилганида эса шахснинг қасди жабрланувчига шундай шикаст етказишга қаратилади.

Суд амалиётида бу каби ҳолатларга бироз бўлса-да ўзгача ҳуқуқий баҳо бериш ёки ёндашиш ҳоллари ҳам кузатилган. Жумладан, ички ишлар органлари ходимлари ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни қувиб бораётганида ўқотар қурол қўлланиши ҳақида бир-неча бор огоҳлантирганидан сўнг

ҳам бўйсунмаган тақдирда унинг оёғига қарата ўқ узган вақтда ўқнинг бирор тўсиқдан сапчиши (рикошети) натижасида қочиб кетаётган шахсга ҳаёт учун хавfli зарар етган ва унинг ҳалок бўлишига олиб келган вазиятларда бундай қилмишни қўриб чиққан суд ички ишлар органлари ходимини Жиноят кодексининг 206-моддаси биринчи қисми ҳамда 101-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топган²².

Ушбу ҳолат мураккаб айб шаклини ташкил қилади²³. Шу боис суд мазкур вазиятда ички ишлар органлари ходимининг айбини баҳолашда унинг шахсни қасддан ўлдириш мақсади бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш шарт.

Фикримизча, юқоридаги каби ҳолатларни ҳуқуқий баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 108-моддасига қўшимча сифатида «Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш мақсадида жабрланувчининг баданига қасддан оғир шикаст етказиш эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлимига сабаб бўлса», деган таҳрирда янги иккинчи қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш белгиларини атрофлича ёритувчи қоидалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг алоҳида қарорида белгилаб қўйилиши муҳим.

¹ Қаранг: Гаухман Л. Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. — М., 2001. — С. 266; Матлюбов Б. Б. Жиноятлар мажмуи: квалификация қилиш. — Т., 2008. — Б. 4.

² Кудрявцев В. Н. Общая теория квалификации преступлений. — М., 2004. — С. 198-199.

³ Қаранг: Иванов А. Б. Институт причинения вреда при задержании лица, совершившего преступление: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 1999. ? С. 12.

⁴ Қаранг: Жуманиёзов Н. Хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчи // Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. — 2008. — № 1. — Б. 33-36.

⁵ Қаранг: Алимов Л. Г. Борьба с умышленными средней тяжести телесным повреждениями: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2009. — С. 15.

⁶ Қаранг: Бестаева А. Г. Аффект как обстоятельство, смягчающее уголовную ответственность при умышленном убийстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2000. — С. 21.

⁷ Қаранг: Ниёзова С. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик. — Т., 2005. — Б. 36.

⁸ Қаранг: Отажонов А. А. Шахсга қарши жиноятлар. — Т., 2012. — Б. 36.

⁹ Қаранг: Найимов С. С. Нормалар рақобати тушунчаси // Қонун ҳимоясида. — 2004. — № 12. — Б. 35.

¹⁰ Қаранг: Ахоров Б. Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2008. — Б. 32.

¹¹ Ахоров Б. Д. Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик. — Т., 2007. — Б. 118.

¹² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2002 йил 25 октябрь 27 сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Иккинчи жилд. — Т., 2007. — Б. 126-129.

¹³ Қаранг: Рустамбоев М. Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. — Т., 2006. — Б. 316.

¹⁴ Кабулов Р., Отажонов А. А., Соттиев И. А. ва бошқ. Жиноятларни квалификация қилиш. — Т., 2012. — Б. 88.

¹⁵ Қаранг: Голубева М. Л. Классификация уголовно-правовых ошибок // Российский следователь. — 2009. — № 4. — С. 6-14.

¹⁶ Қаранг: Уголовное право. Общая и Особенная части / Под ред. Н. Г. Кадникова. — М., 2006. — С. 229.

¹⁷ Турғунбоев Э. О. Жиноятни квалификация қилишда юридик ва фактик хатонинг тасири: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2010. — Б. 25.

¹⁸ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм / А. С. Якубов, Р. Кабулов ва бошқ. — Т., 2005. — Б. 288.

¹⁹ Қаранг: Рустамбоев М. Х. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 1. — Т., 2010. — Б. 373.

²⁰ Мухторов Н. И. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлиги муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2009. — Б. 19.

²¹ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. — М., 2010. — С. 180.

²² Қаранг: Тошкент шаҳар Яққасарой тумани жиноят ишлар бўйича судининг 2004 йилги 1 261/04 рақамли иши.

²³ Қаранг: Юсупджанов О. А. Мураккаб айбли жиноятларни квалификация қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2010. — Б. 27.

ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДАГИ ИШТИРОКИ

Аннотация. Мақолада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, асослари ва тартиби кўриб чиқилади, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ушбу фаолиятдаги ҳамкорлиги шакллари таҳлил қилинади.

Таянч тушунчалар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ички ишлар органлари, ҳамкорлик.

Участие органов самоуправления граждан в профилактике правонарушений

Аннотация. В статье рассматриваются специфика, правовые основы и порядок участия органов самоуправления граждан в профилактике правонарушений, анализируются формы взаимодействия органов внутренних дел и органов самоуправления граждан в указанной деятельности.

Ключевые слова: профилактика правонарушений, органы самоуправления граждан, органы внутренних дел, сотрудничество, взаимодействие.

Eshnazarov M.J. Participation of the citizens' self-government bodies in prevention of offences.

Annotation: The article deals with the specificity, legal bases and the order of the participation of citizens' self-government bodies in prevention of offences and the author analyses the forms of interaction between the organs of internal affairs and citizens' self-government bodies in their activities.

Keywords: prevention of offences, participation of citizens' self-government bodies in prevention of offences, cooperation, interaction.

Ўзбекистонда юксак даражада уюшган, ўзини ўзи бошқариш механизмлари мукамал қарор топган фуқаролик жамиятини шакллантириш олий мақсад сифатида белгиланган. Унда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Бундай эзгу мақсадни амалга ошириш жамиятда барқарорликни сақлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш, одамларнинг қонунларга риоя этишини таъминлашга ҳал қилувчи вазифалардан бири сифатида қарашни кўзда тутати.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб олиб борилган кенг кўламли ислохотлар натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мустақам жамоат тартиби ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг

устувор йўналишига айланди. Маълумки, қонун устуворлигини таъминлашда жамиятнинг ҳар бир аъзоси, фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларинигина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак»¹.

Жамиятнинг илдам тараққиёти, амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг миллий тизими шаклланди. Бу тизим ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва маънавий асосга, кўп минг йиллар давомида сайқал топган миллий кадриятлар, қон-қонимизга сингиб кетган инсоний муносабатларга таянади.

Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уни таъминлашда жамиятнинг барча қатламлари, тузилма ва аъзоларининг фаол иштирокини кўзда тутувчи муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида таъкидланганидек, «қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин». Бу қоида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар идораларининг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлигини тартибга солади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун асос бўлиб хизмат қилувчи конституциявий қонуннинг ҳаётда изчиллик билан амалга оширилиши муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юзага келишига туртки бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010 йил 29 сентябрь), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги (2013 йил 22 апрель), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулия-

тини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) фармони жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида қайд этилган қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг моҳияти, мақсади, вазифалари, принциплари, турлари; уни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасаларининг тизими, ваколатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бу жараёнда иштироки каби масалалар мужассам ифодаланган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда «ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими» тушунилади.

Бундай чора-тадбирларнинг самарадорлиги жамиятнинг барча аъзолари, гуруҳ, қатлам, ташкилот ҳамда давлат органларининг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ. Бунда муҳим ўринни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгаллайди. Маълумки, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқаришнинг яхлит тизими яратилган. Дунёнинг камданкам мамлакатаида учрайдиган бундай ижтимоий тузилма ўзининг демократиклиги, изчил бошқарувга асослангани, жойларда ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳага оид кўплаб масалаларни ишонарли адо этиши билан ажралиб туради.

Ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш соҳасида бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашувчи яраштириш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-

ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» каби жамоат тузилмалари фаолият кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ички ишлар органларининг профилактика хизмати билан ҳамкорликда вояга етмаганлар назоратсизлигининг олдини олиш, ота-онасининг қармоғисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштириш, носоғлом оилаларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишларни амалга ошириш, илгари судланган шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилишга доир тадбирларни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки янада аниқлаштирилди. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади; тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади.

Улар рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ички ишлар органлари профилактика хизмати билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу органлар профилактика инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади; яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) фармони ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Жумладан, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш ҳам ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ушбу фармонга кўра, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш; вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний

қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш ҳам бевосита ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки билан амалга ошади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «жамоат тартибини таъминлаш, одамларнинг хушёрлиги ва ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга онгли муносабатини ошириш учун ўз ишларини фаоллаштириши даркор. Уларнинг вази-фаси, керак бўлса, бевосита асосий бурчи — маҳалла аҳлининг, бутун жамоатчилик-нинг сергаклигини бир эмас, бир неча марта ошириш, «ўз уйимизни ўзимиз асрайлик», деган даъватни амалий ҳаётга жорий этиш-дан иборат бўлиши керак»³.

Таъкидлаш жоизки, таянч пункти ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик маскани экани амалда ўз исботини топди. Шу боис ҳам уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида 3767 та ички ишлар органларининг таянч пунктлари ташкил этилган. Мавжуд ички ишлар органлари таянч пунктларининг 92 фоизи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода жойлашган. Бинолар атрофида спорт майдончалари ташкил этилган, кичик бизнес шохобчалари фаолият юритмоқда.

Шу ўринда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ишлаётгани кутилган натижаларни бераётганини айтиб ўтиш жоиз.

Бунинг натижасида 2015 йилда республика-мизнинг 2 мингга яқин қишлоқ, овул, кўрғон ва маҳаллаларида бирорга ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади⁴.

Жамият тараққий этиб боргани сайин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактика-сидаги иштирокини белгиловчи ҳуқуқий асослар ҳам такомиллашиб бормоқда. Шу мақсадда 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга қўшимча ва ўзгартиш киритилди. Қонуннинг фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари белгиланган 13 моддасига «тегишли ҳудудда фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан фойдаланилиши, шу жумладан паспорт режимига риоя этилиши, яшаётган шахсларнинг ҳисобга олиниши ва тегишли шартнома-ларнинг мавжудлиги юзасидан назоратни амалга оширишда ички ишлар органларига ёрдам кўрсатади»⁵, деган мазмунда қўшимча ва ўзгартиш киритилиши ҳуқуқбузар-ликлар профилактикасининг самарадор-лигини оширишга кўмаклашади.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбу-зарликлар профилактикасидаги иштироки-ни амалда таъминлаш, унинг шакл ва усул-ларини, ҳуқуқий асосларини жамият тарақ-қиёти талабларига мос равишда тако-миллаштириб бориш фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари самарали кафолатла-ниши, жамиятда тинчлик ва барқарорлик сақланишининг гаровидир.

¹ Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. — Т., 1997. — Б. 205.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 20. — 221 м.

³ Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. — Т., 2001. — Б. 87—88.

⁴ Қаранг: Фидойи хизматга муносиб баҳо // Постда. — 2016. — 2 апр.

⁵ Халқ сўзи. — 2016. — 26 апр.

Ш. Р. Фофуров

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси кафедраси ўқитувчиси*

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштиришга оид долзарб масалалар таҳлил қилинган, ички ишлар органларининг ушбу соҳасини такомиллаштиришга доир таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: вояга етмаган, ҳуқуқбузарлик, профилактика, ички ишлар органлари.

Вопросы дальнейшего совершенствования профилактики правонарушений среди несовершеннолетних

Аннотация. В статье проанализированы актуальные вопросы профилактики правонарушений среди несовершеннолетних, сформулированы предложения по совершенствованию данной сферы деятельности органов внутренних дел.

Ключевые слова: несовершеннолетний, правонарушение, профилактика, органы внутренних дел.

Issues of further improvement of the prevention of juvenile delinquency

Annotation. The article deals with the questions of prevention of offenses among minors. Proposals on improvement of the field of activity of internal affairs are formulated.

Key words: minor, offense, prevention, organs of internal affairs.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча тармоқларида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017—2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида кўрсатилган бешта устувор йўналиш асосида белгиланган вазифалар билан боғлиқ равишда мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янада такомиллаштиришнинг янги даври бошланди.

Албатта, бунга қадар ҳам вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш борасида

кўплаб ишлар амалга оширилган эди. Аммо замон вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Чунки мазкур йўналишда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар динамикаси ҳамда уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унинг профилактикаси криминология фанининг классик институтларидан бўлиб¹, айни вақтда психология, социология, педагогика каби фанларнинг ажралмас мавзуларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бунинг сабаби, жиноятчиликка қарши курашнинг таркибий қисми бўлган вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик давлатнинг жиной-ҳуқуқий йўналишдаги сиёсатида

муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам бу муаммони давлат сиёсати даражасида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган. Вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш том маънода ижтимоий-сиёсий муаммодир².

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасининг долзарблиги, аввало, бу йўналишдаги жиноятларнинг динамикаси билан эмас, балки жамиятга ижтимоий таъсири билан боғлиқ. Гап шундаки, вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор кўрсаткичи энг кам даражада бўлган тақдирда ҳам бу борадаги катта ижтимоий йўқотишлардан далолат беради. Масалан, бутун бир мактаб ёки маҳаллада атиги бир нафар вояга етмаган шахс жиноят содир қилган бўлса ҳам, бу ҳол мактаб ёки маҳаллада ёшлар таълими ва тарбияси борасида жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатади.

Шундай экан, бугун мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Қуйида уларга батафсилроқ тўхталамиз.

Биринчидан, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини тугатишнинг ташкилий механизмини ишлаб чиқиш лозим. Таҳлиллар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектларнинг бу борадаги ваколатлари асосан ҳуқуқбузарликларнинг шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилганлигини кўрсатмоқда. Масалан, ички ишлар органларининг турли соҳавий хизматлари томонидан вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишда мазкур қилмишларнинг сабабларидан кўра кўпроқ бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, хусусан, вояга етмаганларнинг таълим муассасалари ва уйларини ўзбошимчалик билан тарк этишлари, тунги

клуб, кафе, бар ва бошқа кўнгилочар жойларда ота-оналари ҳамроҳлигисиз бўлишлари каби ҳолатларни аниқлаш ва олдини олишга эътибор қаратилган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш муҳим, аммо, назаримизда, ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этиш бирламчи аҳамиятга эга. Чунки ҳуқуқбузарликнинг сабаби бартараф этилса, содир этилишига имкон берган шарт-шароитни бартараф этишга ҳожат қолмайди.

Ички ишлар органларининг таянч пунктларида тегишли ҳудудда вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳар бир ҳуқуқбузарлик махсус жадвал асосида ҳисобга олиниб, таҳлил қилиб борилиши ва шу асосда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аниқ йўналтирилган чоратадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Жадвалда қуйидаги устунлар назарда тутилгани маъқул: тартиб рақами, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаган шахснинг исми шарифи, ҳуқуқбузарлик содир этилган жой ва вақт, ҳуқуқбузарликнинг қисқача мазмуни, уни содир этган вояга етмаган шахс тўғрисидаги бошқа маълумотлар, ҳуқуқбузарлик содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарлик сабаблари. Бундай жадвал вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ҳудуд ва даврлар бўйича динамикасини аниқлаш, сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни таҳлил қилиш ҳамда ўрганиш имконини беради.

Иккинчидан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда психологик, социологик ва педагогик билимлардан кенг фойдаланиш зарур. Мазкур таклифимиз амалиёт ва фан учун янгилик эмас. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга

оширишда махсус билимлардан фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Бу борадаги бирламчи муаммо шундаки, мамлакатимизда ҳеч бир олий ўқув юртида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг психологик, педагогик ва социологик жиҳатлари бўйича махсус билимлар берилмайди. Ҳатто, бу борада кичик ҳажмли бўлса-да, ўқув курслари ҳам ўтилмайди. Шунингдек, юрист-психолог мутахассислар ҳам тайёрланмайди. Ваҳоланки, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда махсус билимлар алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, жиноятчиликнинг олдини олишда жиноятчи шахсининг ижтимоий-руҳий омилларини инobatга олиш катта самара беради. Айниқса, вояга етмаганларнинг ёш даврларига хос руҳий ва ахлоқий ўзгаришлар ҳамда уларга таъсир этувчи психологик-педагогик ва бошқа ижтимоий тарбиявий омиллар ҳал қилувчи хусусиятга эга.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштиришнинг психологик, педагогик ва социологик жиҳатларини тадқиқ этиш ва олинган натижаларни ушбу фаолиятга жалб этиш лозим. Бизнингча, бу борада барқарор молиялаштирилган комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ўзлаштириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, вояга етмаганлар ўртасида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмини такомиллаштириш талаб этилади. Мавжуд криминологик адабиётларда вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси асосан бирёқлама ўрганилган, яъни вояга етмаганнинг жиноятчилиги тадқиқ этилгани ҳолда улар содир этган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг криминологик жиҳат ва хусусиятлари, уларнинг олдини олиш масалалари тадқиқ этилмаган³. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузар-

ликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли гайриҳуқуқий қилмиш сифатида таърифланган.

Умуман олганда, криминологияга оид адабиётларда маъмурий ҳуқуқбузарликларга «панжа ортидан» қаралган бўлиб, уларнинг криминологик жиҳатлари етарли ўрганилмай қолди. Натижада маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш амалиёти ҳам шунга мос тарзда ташкил этилмоқда. Ваҳоланки, маъмурий ҳуқуқбузарликлар жиноятлардан бир неча марта кўп содир этилади. Қолаверса, жиноятларнинг содир этилишига илгари маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги ҳолати ҳам таъсир қилади. Хусусан, Е. О. Винниченконинг таъкидлашича, вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар содир этилишида илгари улар томонидан маъмурий ёки шунга ўхшаш ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги муҳим роль ўйнади⁴. Шунингдек, Р. А. Турдиев ҳам вояга етмаганлар томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда маъмурий-ҳуқуқий таъсир чоралари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди⁵.

Бундан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларида айнан жиноятларнинг олдини олиш ҳақида эмас, балки ҳуқуқбузарликлар (яъни жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик)нинг олдини олиш ҳақида сўз юритилган. Бу борадаги субъектлар фаолияти ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган. Бошқача айтганда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий асослари мавжуд бўлса-да, мазкур ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг илмий асослари ҳанузгача ўрганилмаган. Шунинг учун вояга етмаганлар ўртасида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг криминологик жиҳатлари ҳам ўрганилиши, бу борада фундаментал тадқиқотлар амалга оширилиши лозим.

Тўртинчидан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳудудий омилларни инобатга олиш керак. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишида ҳудудий омиллар муҳим роль ўйнайди. Улар сирасига ҳудудий криминоген омиллар, аҳолининг ҳудудий таркиби, демографик вазият, миграция жараёнлари киради.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг шундай ҳудудий омиллари борки, улар бу борадаги жиноятчиликнинг картинасида ўз имиджини қолдиради⁶. Республикамиз ҳудудида вояга етмаганлар тарбиясига бўлган ижтимоий муносабатнинг умумий жиҳатлари билан бирга, муайян хусусиятлари ҳам мавжуд.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳудудий тақсимланишини ўрганиш криминологик аҳамиятга молик бир қанча тамоийилларни намоён этади⁷.

Бешинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш лозим. Бугунги шиддатли XXI — ахборот асрида замон ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳам инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш кераклигини кўрсатмоқда. Афсуски, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида асосан эски методлардан фойдаланилмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектларнинг бу борадаги фаолиятини танқидий қайта кўриб, улар фаолиятига замонавий инновацион технологияларни босқичма-босқич жорий этиб бориш лозим.

Шунингдек, девиант хулқ-атвор профилактикасини амалга оширишнинг халқаро стандартларини амалиётга татбиқ этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг иқтисодий методларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятига фуқаролик жамияти

институтларини кенг жалб этиш зарур. Бугун юртимизда бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда, аммо уларни етарли деб бўлмайди. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, 2017 йил 30 июнь куни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган IV қурултойида ушбу ташкилот олдига бир қанча вазифалар қўйди, ёшлар билан ишлаш, айниқса, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида қуйидагиларни таъкидлади: «Сиёсий партиялар уюлмаган, яъни ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшларга умуман эътибор қаратмаяпти. Бу борада партиялар туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, янги тузилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиши бугунги кун талабидир. Айниқса, талаба ва ўқувчи ёшларда сиёсий билимларни ошириш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришда вакиллик органлари имкониятларини тўлиқ ишга солишимиз зарур»⁸.

Бироқ ҳозирги кунда қонун ҳужжатларида фуқаролик жамияти институтлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи субъектлар сифатида кўрсатилмаган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг ҳуқуқий асослари белгиланмаган.

Бинобарин, бизнингча, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилакти-

касани амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ташкилотлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг иштироки ҳамда вазифаларини қонунларда белгилаб қўйиш лозим.

Еттинчидан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш учун илмий асосланган ёндашув талаб этилади. Зеро, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда ижтимоий-иқтисодий, руҳий ва криминологик ҳодисаларнинг қонуниятларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш зарур.

Ҳозирги кунда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва профилактикаси турли олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот муассасалари, нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тарқоқ ҳолда ўрганилмоқда ва тадқиқ этилмоқда.

Назаримизда, бу борадаги имкониятларни мувофиқлаштириш ва бирлаштириш вазифасини бажарувчи умумреспублика илмий тадқиқот муассасасининг фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

Ушбу муассаса томонидан вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва профилактикасини тадқиқ этишнинг устувор йўналишларини белгилаш, бу борада илмий тадқиқотлар бўйича танловлар эълон қилиш, уларни молиялаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ушбу соҳада хорижий алоқалар ва ҳамкорликни йўлга қўйиш каби вазифалар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси давлат ва жамият олдидаги доимий ва зарурий вазифалардан бири бўлиб, ушбу фаолиятни доимий равишда такомиллаштириб бориш талаб этилади.

¹ Қаранг: *Селятыцкий Ю. И.* Предупреждение преступности среди молодежи: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2014; *Набоков Л. В.* Криминологическая характеристика и анализ квалифицирующих признаков составов корыстно-насильственных преступлений, совершаемых несовершеннолетними: грабеж, разбой, вымогательство: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Липецк, 2015; *Абдурасулова Қ. Р.* Криминология. — Т., 2008. — Б. 154–165; *Абдурасулова Қ. Р., Шарипова Г., Аванесов Г. А.* ва бошқ. Криминология. — Т., 2006. — Б. 197–214; *Авсеев Е. В.* Криминология. — М., 2001. — С. 320–356; *Ванюшкин С. В., Гришко А. Я., Демидов Ю. Н.* и др. Криминология. — М., 2005. — С. 785–801.

² Қаранг: *Абдурасулова Қ. Р., Шарипова Г., Аванесов Г. А.* ва бошқ. Криминология. — Б. 197.

³ Қаранг, масалан: *Ветров Н. И.* Криминологическая характеристика правонарушителей молодежного возраста. — М., 1981; *Васильев В. Л.* Предупреждение правонарушений несовершеннолетних. — Л., 1980. — 36 с.; *Брайцева Е. А.* Предупреждение преступлений и иных правонарушений, совершаемых несовершеннолетними // Проблемы преступности несовершеннолетних. Ч. I. — Смоленск, 2002. — С. 94–105; *Абдурасулова Қ. Р.* Криминология. — Т., 2008. — Б. 154–163; *Абдурасулова Қ. Р., Шарипова Г., Аванесов Г. А.* ва бошқ. Криминология. — Т., 2006. — Б. 197–214.

⁴ Қаранг: *Винниченко Е. О.* Профилактика правонарушений несовершеннолетних в Российской Федерации: административно-правовой аспект: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Тюмень, 2014. — С. 5.

⁵ Қаранг: *Турдиев Р. А.* Вояга етмаганлар томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олишда маъмурий-ҳуқуқий таъсир чоралари ва ижтимоий назорат: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2001. — Б. 7.

⁶ Қаранг: *Шарипова В. В.* Преступность несовершеннолетних и ее предупреждение: теоретическая модель и региональная практика (по материалам Республики Коми): Автореф. дис. ... канд. наук. — Нижний Новгород, 2014. — С. 15.

⁷ Қаранг: *Абдурасулова Қ. Р.* Криминология. — Т., 2008. — Б. 154–163; *Абдурасулова Қ. Р., Шарипова Г., Аванесов Г. А.* ва бошқ. Криминология. — Б. 142.

⁸ Халқ сўзи. — 2017. — 13 июль.

А. Т. Холов

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий тадқиқот
ишларини мувофиқлаштириш бўлими катта илмий ходими*

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРГА ЖАЛБ ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш, жумладан ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш масалалари таҳлил қилинган, вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари кўрилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: ёшларга оид давлат сиёсати, ғайриижтимоий хатти-ҳаракат, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноий-ҳуқуқий чоралар, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари.

Некоторые аспекты совершенствования организационных и правовых мер борьбы с преступлениями, связанными с вовлечением несовершеннолетнего в антисоциальное поведение

Аннотация. В статье проанализированы вопросы повышения эффективности государственной молодежной политики, в частности — профилактики правонарушений среди молодежи, установления и устранения причин и условий их совершения, рассмотрены уголовно-правовые меры борьбы с вовлечением несовершеннолетних лиц в антисоциальное поведение, сформулированы соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: государственная молодежная политика, антисоциальное поведение, вовлечение несовершеннолетних лиц в антисоциальное поведение, ранняя профилактика правонарушений, уголовно-правовые меры, права несовершеннолетних.

Some aspects of improvement of organizational legal measures in combating against crimes connected with involvement of juvenile to antisocial behavior

Annotation. The article analyzes the issues related to increasing the effectiveness of the state youth policy, in particular the prevention of offences among youth, determination and elimination of reasons and conditions of their commission, as well as criminal legal measures to combat involvement of juvenile to antisocial behavior is considered and appropriate proposals and recommendations are formulated.

Key words: state youth policy, antisocial behavior, involvement of juvenile in antisocial behavior, early prevention of offenses, criminal-legal measures, rights of juvenile.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш истиқлолнинг илк кунлариданоқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгила-ниб, мустақиллик йилларида ёшларни чуқур билимли, маънан етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга

оширилди. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаат-ларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароит, қонунчилик механизми яратилди. Жумладан, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда ёшларни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан камол топтиришга

қаратилган давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари қайд этилди. Иқтидорли ўғил-қизларни рағбатлантириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур ижтимоий хизматлар тизимини яратиш, ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, вояга етмаганлар, шунингдек ёшларни муҳофаза қилиш ана шулар жумласидандир. Мазкур қонунда ёшлар ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда келажагимиз ворисларининг бевосита иштирок этиши илк бор асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилди.

Йилларга ном беришда ҳам ёшларнинг манфаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, 2000 йил — «Соғлом авлод йили», 2001 йил — «Оналар ва болалар йили», 2008 йил — «Ёшлар йили», 2010 йил — «Баркамол авлод йили», 2014 йил — «Соғлом бола йили», 2016 йил «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниб, комплекс чора-тадбирлар дастурлари амалга оширилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, аввало ўз фарзандлари қиёфасида, унибўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларини намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради»¹. Бугун 18 ёшгача бўлган ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этмоқда.

Истиқлол йилларида ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Хусусан, вояга етмаганлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини янада кенгайтириш мақсадида 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Мазкур йўналишда мукамал қонунчилик базаси ва унинг ижро механизмини яратишнинг давоми қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон фармонига мувофиқ Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш ушбу ташкилот фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 25 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонуни билан 30 июнь — Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини этиб белгиланди. Бугун вояга етмаганлар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлигига қарши кураш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилаётган бўлса-да, айрим ҳудудларда бу соҳада бажарилаётган ишлар етарли дея олмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев 2017 йил 17 август куни Тошкентда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам вояга етмаганлар ўртасида ноҳўя ва жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, қонунга ҳурмат, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишлари сушт бажарилаётганини қайд этди.

Бу соҳада ҳали-ҳануз назорат ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолияти ягона мақсадга йўналтирилмаган. Бола учун мактабда — мактаб, уйда — ота-она, маҳаллада — фаоллар жавобгар, деган эскича қараш йўқолмаган.

Аксарият ҳудудларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш ҳам раҳбарлар назоратидан четда турибди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Жиззах, Наманган, Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида уюшмаган ёшлар томонидан жиноят содир этиш кўрсаткичлари юқорилигича қолмоқда². Вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилиги ҳамда ҳуқуқбузарликларининг барвақт профилактикасини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш, бу борада давлат бошқаруви ва жамоатчилик органларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш, шунингдек ушбу йўналишда фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш ва натижаларини амалиётга татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Шу сабабли давлатнинг ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, уларни жиноий тажовузлардан ҳимоялаш, шунингдек вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашиш улкан аҳамият касб этади.

Таъкидлаш керакки, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш содир этилган қилмишнинг

ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188 моддасида тақиқланган бўлиб, бунинг учун жавобгарлик белгиланган. Зеро, катта ёшдаги шахсларнинг вояга етмаганларни ғайриижтимоий ҳаракат ёки жиноят содир этишга қизиқтириш мақсадида уларга таъсир ўтказиши ўта хавфли бўлиб, вояга етмаган шахснинг руҳий ва ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Вояга етмаганларни жиноят содир этишга жалб этиш натижасида уларга жиддий зарар етказилади. Катта ёшдаги жиноят йўлига кирган шахсларнинг салбий таъсири нафақат вояга етмаганларни жиноят содир этишга ундайди, балки ушбу жиноятларнинг ўта фаоллик билан айрим ҳолатларда ваҳшиёна тарзда содир этилишига олиб келиши мумкин. Қонун чиқарувчи эса ушбу салбий омилларга эътибор қаратади ва вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилиш жараёнида буни аниқлашни шарт қилиб қўяди.

Шунингдек, жиноятнинг вояга етмаган даврда содир этилиши ўсмирнинг келажак тақдирида чуқур салбий из қолдирадиган ҳолат бўлиб, кўп ҳолларда унинг келажакдаги қонун билан муносабатлари табиатини белгилайди. Умуман олганда, 18 ёшга тўлмаган шахс томонидан жиноят содир этилиши нафақат ижтимоий муносабатларга, балки унинг шахс сифатида шаклланиш жараёнига ҳам путур етказиб, онгида салбий ижтимоий қарашлар шаклланиши ва мустаҳкамланишига олиб келади. Айни вақтда, катта ёшдаги шахсларнинг вояга етмаганларни жиноят содир этишга жалб қилишлари жиноятчилар сафларининг вояга етмаганлар ҳисобидан тўлдирилишига шароит яратади.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилиш турли усулларда содир этилиши мумкин. Вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш, қонунга мувофиқ, оғир жиноят ҳисобланади. Шу боис айбдорнинг вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилгани учун Жиноят кодексининг 127-моддаси учинчи қисмида

жавобгарлик белгиланган. Вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш деганда, жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказиш (уриш-дўппослаш, келишиш, мақташ, жавобгарликка тортилмасликка ишонтириш, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, ҳақ эвазига кўндириш, алдаш, ўч олиш ниятини уйғотиш, ҳасад билан қараш, жиноят содир этиш усуллари ёки жиноят изларини яшириш ҳақида маслаҳатлар бериш, жиноий йўл билан топилган мулкларни сотишда кўмаклашишга ваъда бериш) орқали Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жиноят деб белгиланган бир ёки бир неча жиноятни содир этиш ёки унда иштирок этиш истагини уйғотишга йўналтирилган ҳаракатлар тушунилади³.

Ўтказилган тадқиқотлар ўсмирларнинг 56,48 фоизи жиноий ҳаракатларни ўз ихтиёри билан, 10,64 фоизи — тенгқурлари, 8,24 фоизи — катталар, 4,39 фоизи — яқин қариндошлари, 11,84 фоизи эса илгари судланган криминал хулқ-атворли кишилар таъсирида содир этганидан далолат берди⁴.

Вояга етмаганларнинг жиноят содир этишга жалб этилишига аксарият ҳолларда атрофдагилар (катта ёшдагилар, тенгдошлари)нинг таъсири, оиладаги етишмовчилик, руҳий касаллик, бошқалардан ажралиб туриш ва ўзини кўрсатишга интилишлар, бекорчилик, оиладаги муаммолар, оммавий ахборот воситалари, жумладан Интернет сайтларида зўравонликнинг тарғиб қилиниши, ота-оналарнинг ўз фарзандларига етарли эътибор бермаслиги, вояга етмаганларнинг спиртли ичимликларга ружу қўйиши, жазоланмаслик каби ҳолатлар сабаб бўлаётганлигини таъкидлаш мумкин.

2017 йил 8 сентябрда «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солди. Хусусан, болалар онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатишининг, уларга ҳийла ишлатилишининг,

болаларни ғайриижтимоий ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ушбу қонунда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Айтилганлар асосида жиноятни содир этишга жалб қилинган вояга етмаганларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

— иродавий хислатлари яққол сўстлашган вояга етмаганлар (уларни жалб этаётганда катта ёшдаги жиноятчилар дўқ-пўписа, кўрқитиш, товламачилик ишлатмайди, жиноят содир этишни таклиф қилиш билан чекланиб, натижаси яхши бўлишига ваъда қилади);

— эмоционал жиҳатдан беқарор, бировга ачиниш, ҳамдардлик ҳисси шаклланмаган вояга етмаганлар;

— руҳий ривожланиш нормасидан четга чиқиш ҳолати мавжуд вояга етмаганлар (уларда психик фаолиятининг бузилиши ақли норасолик келтириб чиқармайди, улар ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера олади, бироқ бу девиант ва деликвент хулқ-атворга олиб келиши мумкин).

Бинобарин, кўп тарқалган руҳий аномалиялар алкоғолизм, психопатия, бош мия жароҳатларининг асоратлари, мия фаолиятининг органик касалликлари ҳисобланади ҳамда алкоғоль истеъмол қилаётган болалар ва ўсмирларда астения, психопат ҳолатлар, психик ривожланишнинг бузилишлари қайд этилади.

Бундан ташқари, жиноят иши материалларининг таҳлили иродаси нисбатан кучли вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, шу жумладан, жиноятларга жалб этишда уларга ёки уларнинг яқинларига нисбатан куч ишлатиш, мажбурлаш ёки куч ишлатиш билан кўрқитиш таҳдиди бўлганлигини кўрсатди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳара-

катларга жалб этишга қарши курашиш ҳамда вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш масаласи муҳим ҳисоблангани боис жойларда, авваламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт гоёлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги сифат босқичига кўтариш зарур;

иккинчидан, вояга етмаганларни гайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилувчи шахслар ва гуруҳларни аниқлаш, улар билан доимий профилактик ишлар олиб бориш даркор;

учинчидан, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, нодавлат ўқув марказлари, болалар спорт мактабларида вояга етмаганларни тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини яратишга доир ишлар ҳолатини жорий текширувдан ўтказиш бўйича баҳолаш рейтингини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

тўртинчидан, зарур билим ва ҳаётий тажрибага, айниқса, болалар билан ишлаш малакасига эга педагогларни ҳуқуқбузарлик ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялашга жалб этиш лозим;

бешинчидан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатларининг бузилиш ҳоллари бўйича, шунингдек фарзанд тарбиясига масъулиятсизлик ва бепарволик билан қараётган оналарга нисбатан кескин чоралар кўриш, бу борада маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш керак;

олтинчидан, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг махсус профилактикасини самарали амалга ошириш, бунда илгари жавобгарликка тортилган вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, ишга жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муҳим. Муқаддам жиноят содир этиб жавобгарликка тортилган вояга етмаганлар учун иш ўринлари ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш ва улар фаолиятининг қонуний кафолатланишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш лозим.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун мазкур тизимни чуқур илмий таҳлил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бу борада амалдаги қонунчиликнинг ишлаш механизмларини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Мухтасар айтганда, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, энг аввало, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олишни кучайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни самарали амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Каримов И. А. Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир // Халқ сўзи. — 2007. — 8 дек.

² <http://mvd.uz/uz/lists/view/1078>

³ Қаранг: Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм / Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ. — Т., 2016. — Б. 177.

⁴ Қаранг: Умаров Б. М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. — Т., 2008. — Б. 163.

ЁШЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашни либераллаштиришга оид долзарб масалалар ёритилган бўлиб, қонунчиликни такомиллаштиришга доир тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: ёшлар, давлат сиёсати, жиноий жазо, либераллаштириш.

Либерализация назначения наказаний за преступления, совершенные молодежью

Аннотация. В статье освещаются актуальные вопросы либерализации назначения наказания за преступления, совершенные молодежью, сформулированы соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: молодежь, государственная политика, уголовное наказание, либерализация.

Liberalization of appointment of punishments for the crimes committed by youth

The summary. The article deals with the urgent issues connected with liberalization of appointment of punishment for the crimes committed by youth and corresponding proposals and recommendations on improvement of legislation are formulation.

Keywords: youth, state policy, criminal punishment, liberalization.

Ёш авлод тарбияси барча замонларда ҳам муайян халқ, миллат ёки элат учунгина эмас, балки бутун дунё ҳамжамияти учун муҳим ва долзарб масала бўлган. Инсонларга айнан ёшлик пайтларида берилган ижобий ёки салбий таълим-тарбия орадан йиллар ўтиб ўз таъсирини кўрсатганлиги тарихда кўп бора ўз аксини топган.

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб қувватлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтиришга қаратилган кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, «Таълим тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб қувватлаш тўғрисида»ги фармони ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда юридик адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида «ёшлар» тушунчасига ёш таснифларидан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф берилганлигини кўрамиз.

Криминология фани нуқтаи назаридан «ёшлар» тушунчаси кўпроқ 18—30 ёшдаги шахсларни қамраб олса-да, айрим криминологик адабиётларда шахслар ёш жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратилган: вояга етмаганлар (14—17 ёш); ёшлар (18—25 ёш); ўрта ёшдагилар (30—45 ёш) ва кексалар (50 ёшдан юқори)¹. Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида эса «ёшлар» тушунчаси, уларга жазо тайинлашга оид алоҳида қоидалар мавжуд эмас.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016 йил 14 сентябрь) Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига асосан эса ёшлар (ёш фуқаролар) деганда 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар тушунилади.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғи 30 ёшгача бўлган фуқаролар бўлиб, улар орасида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар 10 миллиондан зиёдни, яъни республикаимиз аҳолисининг 32 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати давлат томонидан амалга ошириладиган, ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ҳамда уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шартшароит яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидан иборат².

Шу боис жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган, қатъий ҳаётий позицияга эга қилиб тарбиялаш, уларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, хусусан терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Ҳозир дунёда тахминан 300 млн нафар 18—30 ёшдагилар доимий ёки ҳеч қандай иш жойига эга эмас. Уларнинг 20 фоизи ўз бизнесини йўлга қўйиш қобилиятига эга бўлса-да, турли омиллар туфайли атиги беш фоизи бундай имкониятини рўёбга чиқараёпти.

Шуни чуқур англаб етишимиз керакки, ёшлар иш билан банд қилинмаса, бу нафақат уларнинг ўзи, оиласи, яқинлари, балки давлат ва жамият учун ҳам муаммага айланади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида

ҳақли равишда таъкидлаганидек, бугун ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кузатилмоқда.

2016 йилда ёшлар иштирокида 1 740 мингга яқин ҳуқуқбузарлик, 23 440 та жиноят содир этилгани, ёш оилалар орасида 8 мингдан зиёд ажралиш ҳолати қайд этилгани барчамизни жиддий ташвишга солиши керак.

Юртимизда ишсизларнинг аксарият қисмини коллеж битирувчилари ташкил этмоқда. Масалан, 2016 йилда 477 743 нафар йигит-қиз коллежларни битириб чиққани ва уларнинг 438 503 нафари, яъни 91,8 фоизи иш билан таъминлангани тўғрисида маълумот берилган.

Шу ўринда савол туғилади: бу рақамлар қанчалик тўғри? Агар барча коллеж битирувчилари ишга жойлашаётган бўлса, ишсиз ёшлар қаердан пайдо бўлаяпти?

Коллеж битирувчилари билан тўрт томонлама шартномаларни номигагина имзолаб, ўзимизни ўзимиз алдамаяпмизми?³

Ушбу омиллар эса, ўз навбатида, ёшларни, айниқса, уюлмаган ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган ёшларга ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда ўз ўрнини эгаллашларида кўмаклашишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 14 март) ПҚ-2833 сон қарори билан ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш соҳасида давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаш-

тириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш белгиланди⁴. Бу борада жиноий жазо тайинлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳам муҳим масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг нормаларини таҳлил қилсак, унда асосан 18 ёшга тўлмаган (вояга етмаган) ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари алоҳида тартибда ҳуқуқий ҳимояга олинганлигини, лекин жиноят содир этган 18—30 ёшлардагиларга уларнинг психофизиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жазо тайинлашни назарда тутувчи нормалар мавжуд эмаслигини кузатиш мумкин. Бундай ҳолатни нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки Россия Федерацияси, Қозоғистон, Грузия ва бошқа айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида ҳам кузатиш мумкин.

Амалдаги Жиноят кодексидан мавжуд жиноий жазо турларини тайинлаш, уларнинг миқдори ёки муддатларини қўллашга оид нормаларда, шунингдек жавобгарликни индивидуаллаштиришга хизмат қиладиган жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхатида 18—30 ёшдагиларга, уларнинг психофизиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, жазо тайинлашнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаганлиги бу тоифадаги шахсларга жазо тайинлаш билан боғлиқ янги қоидаларни киритиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амал-

даги Жиноят кодексига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини таклиф этамиз:

биринчидан, Жиноят кодексининг 50-моддасига «ўттиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас»лиги ҳақида;

иккинчидан, Жиноят кодексининг 50-моддасида «озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас»лиги ҳақида;

учинчидан, Жиноят кодексининг 51-моддасида «ўттиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас»лиги ҳақида;

тўртинчидан, Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган «жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар»ни «ёшларнинг жиноят содир этиши» деган мазмундаги банд билан; бешинчидан, Жиноят кодексининг 56 моддасида назарда тутилган «жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар»ни «вояга етмаган шахсни ёки ёшларни жиноятга жалб этган ҳолда» деган мазмундаги банд билан тўлдириш. Ўйлаймизки, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг қонунчиликда ўз аксини топиши мамлакатимизда ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазоларни либераллаштириш ҳамда янада индивидуаллаштириш орқали уларга содир этган қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, жамиятда ўз ўрнини топишларига янада кўпроқ имкон яратади.

¹ Kriminologiya/ Prof.Z.S.Zaripov tahriri ostida. — T., 2007. — B.164.

² Ўша манба.

³ Мирзиёев Ш. М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар — эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // Халқ сўзи. — 2017. — 1 июль.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 12. — 184 м.

О. А. Камалов
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедраси
бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ШАРТНОМАВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси тадбиркорларининг маҳсулот етказиб бериш субъектлари сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тадқиқ этилган. Маҳсулот етказиб берувчилар томонидан шартномалар асосида уни етказиб бериш тартиби ва муддати таҳлил қилинган. Маҳсулот етказиб бериш шартномаларини тузишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, маҳсулот етказиб берувчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро фойдали кооперация алоқаларини кенгайтириш борасида илмий асосланган таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: маҳсулот, маҳсулот етказиб бериш шартномаси, тадбиркор, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, кооперация алоқалари, рухсат бериш тартиб-таомиллари, субконтракция маркази.

Вопросы совершенствования договорного регулирования поставки продукции

Аннотация. В статье исследуются нормативно-правовые акты Республики Узбекистан, касающиеся прав и обязанностей предпринимателей как субъектов договоров поставки продукции. Анализируются порядок, сроки предоставления поставщиками продукции в рамках заключаемых договоров сертификатов на продукцию. Сформулированы научно обоснованные предложения по дальнейшему совершенствованию нормативно-правовой базы заключения договоров поставки продукции, расширению взаимовыгодных кооперационных связей между поставщиками продукции и предпринимателями.

Ключевые слова: товар, договор поставки продукции, предприниматель, права и обязанности, кооперационные связи, правила-процедуры разрешения, центр субконтракции.

Issues of improvement of delivery contract regulations

Annotation. The article studies the normative legal acts of the Republic of Uzbekistan concerning the rights and obligations of entrepreneurs as subjects of delivery contracts. The author analyses the order, terms of delivery in the frame of being made contract certificates of production. Scientifically grounded proposals on further perfection of normative legal basis of making delivery contracts, enhancement of cooperative mutually beneficial relations between producers and entrepreneurs are formulated.

Key words: commodity, delivery contract, entrepreneur, rights and obligations, cooperation relationship, regulations of permission procedures, centre of subcontracting.

Бугун Ўзбекистонда амалга ошири-
лаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида
тадбиркорлик фаолияти субъектлари муҳим
ўрин эгаллаётганликлари барчага маълум.
Хусусан, истиқлол йилларида мамлакатимиз
иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи
навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли
ва улуши янада ортишини таъминлаш
оладиган қонун ҳужжатлари яратилди.
Жумладан, 2012 йил 2 майда Ўзбекистон
Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти

эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги
қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.
Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг
«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги
(2012 йил 26 апрель), «Тадбиркорлик фао-
лияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-
таомиллари тўғрисида»ги (2012 йил 20 декабрь)
қонунлари, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Товарлар (ишлар,
хизматлар)нинг давлат ва корпоратив
харидлар тизимини янада ислоҳ қилиш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 31 июль) қарори қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилмоқда.

Мустақиллик йилларида иқтисодийимиз қарийб олти баробарга ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охирги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда¹.

Таъкидлаш лозимки, мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлиги улар томонидан кенг қўлланилаётган маҳсулот етказиб бериш шартномаларини тузиш ва унга амал қилиш маданиятини юқори босқичга кўтариш заруратини келтириб чиқариши табиий.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Аҳолининг 78 фоизи айнан шу тармоқда меҳнат қилиб, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда². Бошқача айтганда, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айна шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ³.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сон фармони билан алоҳида дастур тасдиқланди ҳамда унда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсиқлик қилиш, улар ҳуқуқларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасига ошириш, соҳага оид маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва

имкониятлар яратиш кабилар устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 31 июль) қарори ҳам тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш учун кўмаклашишга қаратилган. Бу эса мамлакатимизда тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилган товарларни етказиб беришда катта имкониятлар яратади.

Маълумки, маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сифатида тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ўзи ишлаб чиқарган ёхуд сотиб олган товарини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, унинг нархини ҳамда реализация қилиш йўналишларини мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга⁴ бўлиб, бу борада давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмайди.

Айни пайтда маҳсулот етказиб бериш шартномасида сотиб олувчи сифатида юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин бўлиб, бу ўринда уларнинг истеъмолчи сифатида қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш давр талабидир. Назаримизда, ушбу йўналишда тадқиқот ўтказган Е. Токарнинг Истеъмолчи корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш ҳақидаги таклифи⁵ эътибор қаратиш ҳамда фуқаролик қонунчилигида шартнома бўйича етказиб бериладиган маҳсулотлар сифатига нисбатан ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш ҳамда бу борада хорижий давлатларда тўпланган тажрибани инобатга олган ҳолда унинг таклифини қўллаб-қувватлаш лозим⁶.

Фикримизча, ушбу қонун номини «Истеъмолчи юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» деб ўзгартириш маҳсулот етказиб бериш шартномасида сотиб олувчи сифатида иштирок этаётган барча хўжалик юритувчи субъектларнинг қамраб олинishiга хизмат қилган бўларди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши, келгусида истеъмолчи юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган сифати лозим даражада бўлмаган товарларни аниқлаш жараёнида,

улардаги камчиликларни бартараф этиш тартиби, муддатлари ва усулларини белгилаш каби масалаларни тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, ушбу таклиф тадқиқот иши доирасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ўтказилган анкета сўровларида респондентларнинг 70,9 фоизи томонидан қўллаб-қувватланган.

Айни пайтда маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сифатида тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бир қатор мажбуриятларга эга. Чунончи, янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши зарур. Аммо ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, маҳсулот етказиб бериш шартномасидан вужудга келадиган аксарият низолар, айнан тарафлар томонидан тузилган шартномаларда шартларнинг аниқ ва лўнда ифода этилмаслиги натижасида вужудга келмоқда. Ҳ. Р. Раҳмонқулов таъкидлаганидек, бозор муносабатлари мажбуриятнинг шартномага асосан вужудга келишини тақозо этади⁷, бу ўринда ҳар қандай шартнома мазмунининг тўлақонлилиги кўп жиҳатдан унинг шартлари қанчалик қонуний ва аниқлигига ҳамда қай даражада бажарилишига боғлиқ⁸.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун сертификатларга эга бўлиши лозим. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш мақсадида муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 2012 йил 1 августдан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоизи), шунингдек лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (умумий миқдорига нисбатан 20 фоизи) уларни бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига бекор қилинди. Ҳозирги кунда республикаимизда мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотларнинг турлари 77 тани ташкил этмоқда⁹. Назаримизда, бозор иқтисодиёти шароитида

мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг мантиқийлигини ҳамда Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти¹⁰ талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимини янада соддалаштириш чораларини кўриш лозим. Бундан ташқари, оилавий тадбиркорлик фаолияти ривожланаётган пайтда, маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналарга вақтинчалик ва доимий сертификатларни тақдим этиш тартиб-таомилларини жорий этиш масаласини муҳокама қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Жумладан, вақтинчалик сертификат — ўз фаолиятини энди бошлаган кичик корхоналарга беш йил муддатга берилиши ва улар томонидан лойиҳаларни амалга ошириш учун банклар ва кредит ташкилотларига молиявий ёрдам олиш имконини яратиши, доимий сертификатлар эса кичик корхоналарга маҳсулот чиқаришни бошлаганидан сўнг молиявий ёрдам, хомашё, техник ва технологик воситалар билан таъминлаш каби давлат кўмагининг турли шаклларида фойдаланиш ҳуқуқини бериши зарур. Айни пайтда ушбу таклиф тадқиқот иши доирасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ўтказилган анкета сўровларида респондентларнинг 61 фоизи томонидан қўллаб-қувватланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 438-моддасига мувофиқ, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга (узоқ муддатли шартнома) ёки тарафлар келишувида назарда тутилган бошқа муддатга тузилиши мумкин. «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари»нинг 39 бандида эса ишлаб чиқариладиган маҳсулотга нисбатан мувофиқлик сертификати бир йил, серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун уч йил муддатга берилиши назарда тутилган¹¹. Назаримизда, мувофиқлик сертификати кўпи билан уч йил муддатга берилишининг белгиланганлиги ҳамда ушбу муддатдан ортиқ даврга тузилган маҳсулот етказиб бериш шартномасининг келгусида тарафлар ўртасида турли низоли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, ФКнинг 438-моддасида узоқ муддатга тузиладиган маҳсулот етказиб бериш шартномалари бир йилдан ортиқ, аммо кўпи

билан уч йил муддатгача тузилишини белгилаб қўйиш лозим (ҳолбуки, ФКнинг 438-моддаси учинчи қисмида маҳсулот етказиб бериш шартномасининг қанча муддатга тузилиши назарда тутилмаган).

ФКнинг 447-моддасига мувофиқ, сотиб олувчи (олувчи) қонун ҳужжатлари ёки маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ маҳсулот етказиб берувчи топширган товарни рад этган тақдирда у бу товарнинг бут сақланишини таъминлаши лозим (масъулиятли сақлаш). Назаримизда, сотиб олувчининг ушбу мажбурияти унинг тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатидаги мақоми билан узвийдир. Жумладан, тадбиркор бўлмаган фуқаро ўз мол-мулкани товар олиб-сотиш билан шуғулланаётган тижоратчи ташкилотга сотган тақдирда ушбу сотиб олувчига товарни масъулиятли сақлаш мажбуриятини юклаш ҳақиқатга тўғри келмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча, масъулиятли сақлашга оид қонундан истеъмол мақсадида товарни харид қилаётган сотиб олувчи иштирок этаётган олди-сотдига оид барча муносабатларга татбиқ этиш, шу жумладан олди-сотдига оид умумий қоидаларда ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

Маҳсулот етказиб берувчидан товарларни қабул қилиш даврида уларнинг сифатини текшириш келгусида истеъмолчилар билан юзага келиши мумкин бўлган кўплаб муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Айниқса, қисқа муддатларда сотишга мўлжалланган истеъмол товарларини қабул қилишни аниқ тартибга солиш катта аҳамиятга эга. Айни пайтда, маҳсулот етказиб бериш жараёнида биржа савдолари орқали шартномаларни тузиш қандай тартибда амалга оширилади? Умуман, биржа савдолари орқали амалга ошириладиган ушбу тартибнинг афзалликлари нимада ва тизимни такомиллаштиришга қандай эҳтиёж мавжуд, деган саволлар туғилиши табиий. Чунончи, биржа савдолари орқали маҳсулот етказиб бериш шартномаларини тузишда қуйидаги афзалликлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз:

биринчидан, етказиб берилиши мўлжалланган товарнинг нархи биржа савдолари яқунларига кўра шаклланган тақдирда, у монопол юқори нарх ҳисобланмайди¹²;

иккинчидан, товар бозорида ўзаро рақобатлашаётган хўжалик юритувчи субъектлар

ўртасида келишиб олинган ҳаракат ва битимлар аукционларда, биржаларда ва бошқа савдоларда нархларни оширишга, пасайтиришга ёки сақлаб туришга олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, бундай ҳаракат ва битимлар тақиқланади¹³.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш мақсадида уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга шартномаларни Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш орқали халқаро саноат ярмаркалари ва Кооперация биржасида, ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркаларида қатнашиш имконияти яратилган¹⁴.

Назаримизда, нафақат ўзлари ишлаб чиқарган тадбиркорлик субъектларига, балки маҳсулотларни етказиб бериш фаолияти билан шуғулланаётган ҳар қандай маҳсулот етказиб берувчи-сотувчиларга ҳам қулайлик туғдириш мақсадида уларнинг халқаро саноат ярмаркалари ва Кооперация биржасида, ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркаларида қатнашиш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш лозим.

Бундан ташқари, маҳсулот етказиб бериш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларидан электрон савдо йўли билан маҳсулотлар харидини ташкил этиш, шунингдек биржа фаолияти билан шуғулланувчиларнинг махсус ахборот портали орқали амалга ошириш тартиб-таомилларини ҳам белгилаш зарур¹⁵. Бу борада нафақат маҳсулотларнинг монопол турларини, балки ҳар қандай турини биржалар орқали ихтиёрий равишда сотиш тизимини яратиш масаласини муҳокама қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Бундан ташқари, шартнома эркинлиги принципига асосан келишувда шартларни белгилаш иштирокчиларнинг хоҳиш-иродасидир. Тижорат муомаласида умум эътироф этган халқаро принциплар мавжуд бўлиб, улар, ўз навбатида, қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритишни ҳамда тарафлар ўртасида бошқача келишув бўлмаган тақдирда қўлланилишини тақозо этади¹⁶. Зеро, ҳозирги кунда ҳар қандай давлатнинг миллий қонунчилигига халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларини имплементация қилиш, халқаро доирада турли давлатлар ҳуқуқий тизимларини яқинлаштириш зарурлиги ҳақидаги масалани

ҳам ўртага ташлайди¹⁷. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилган Товарлар олди-сотдисида оид Вена конвенциясининг 19 моддасида шартномада назарда тутилган қайси қўшимча шартлар офертани ўзгартиришга асос бўлиши мумкинлиги билан боғлиқ қоидалар, 21—44-моддаларида назарда тутилган товарларни етказиш ва ҳужжатларни топширишга оид меъёрлар ана шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотлари тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулкий муносабатларда иштирок этиш имкониятларини инобатга олган ҳолда, ушбу муносабатларни шартномавий тартибга солишни такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт қафолатидир // <http://uzlidep.uz/uzc/news/demokratik-islokhotlarni-izchil-davom-ettirish-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot>

² Ўша жойда.

³ Қаранг: *Каримов И. А.* 2015 йилда иқтисодий-тимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — устувор вазиламиздир // *Халқ сўзи.* — 2015. — 17 янв.

⁴ Қаранг: «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328 сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2012. — № 5. — 133 м.

⁵ Қаранг: *Токаръ Е. Я.* Правовое обеспечение поставки доброкачественных товаров и защита интересов предприятий-потребителей: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 1998. — С. 7.

⁶ Изоҳ: Ушбу соҳада Буюк Британия, Европа Иттифоқига аъзо бўлган бошқа бир қатор давлатларда махсус қонунлар қабул қилинганлиги Е. Токарнинг юқорида келтирилган ишида таъкидланган.

⁷ Қаранг: *Раҳмонқулов Ҳ.* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. — Т., 1997. — Б. 480.

⁸ Қаранг: *Раҳмонқулов Ҳ.* Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). — Т., 2005. — Б. 237.

⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори билан тасдиқланган «Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2011. — № 18. — 178 м.

¹⁰ Всемирная торговая организация // www.rgwto.com

¹¹ Қаранг: Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги бош директорининг 2005 йил 25 февралдаги 59-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 18 мартда 1458 сон билан давлат рўйхатига олинган «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2005. — № 10 11. — 86 м.

¹² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги «Рақобат тўғрисида»ги қонуни 7-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2012. — № 1. — 5 м.

¹³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуни 11 моддаси.

¹⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 майдаги «Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга шартномаларни Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясида рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 117 сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 20. — 223 м.

¹⁵ Изоҳ: Мамлакатимизда Товар-хомашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини ташкил этиш тартиби жорий этилган. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини ташкил этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 69-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2015. — № 12. — 139 м.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1996. — № 9. — 157 м.; Хусусий ҳуқуқни бирхиллаштиришнинг халқаро институти — УНИДРУА Кенгашининг 2004 йилда бўлиб ўтган 83 сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Халқаро тижорат шартномалари принциплари» (УНИДРУА принциплари).

¹⁷ *Тунов О. И.* Влияние международно-правовых норм на законодательство стран СНГ // Закон: стабильность и динамика: Материалы заседания Международной школы-практикума молодых ученых-юристов, Москва, 1—3 июня 2006 г. — М., 2007. — С. 20.

М. Х. Аширбаева

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ўқув
жараёнини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси
ўқув жараёнини таҳлил қилиш гуруҳи ўқитувчи-методисти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ТАБИЙ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОФАЗАЛАШ ФУНКЦИЯСИ: ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада давлат функциялари тизимида минтақавий табиий сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш функциясининг ўрни, ҳуқуқий табиати, мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари илмий таҳлил қилинади. Минтақа сувларидан фойдаланишда халқаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар берилади.

Таянч тушунчалар: давлат функцияси, экологик функция, табиий сув ресурслари, трансгегаравий дарёлар, минтақавий ҳамкорлик, халқаро экологик стандартлар, табиий ресурсларнинг давлат бошқаруви, минтақавий сувлардан фойдаланиш.

Функция Республики Узбекистан по защите региональных естественных водных ресурсов: правовой характер и особенности

Аннотация. В статье анализируются правовая природа, содержание и особенности функции организации пользования региональными водными ресурсами, ее место в системе функций государства. Формулируются предложения и рекомендации по совершенствованию механизма международного сотрудничества по использованию региональных водных ресурсов.

Ключевые слова: функция государства, экологическая функция, природные водные ресурсы, трансграничные реки, региональное сотрудничество, международные экологические стандарты, госуправление природными ресурсами, использование региональных вод.

Function of Republic of Uzbekistan on protection of regional natural water resources: legal character and feature

Annotation. The article analyzes the legal nature, content and features of the function of the organization of the use of regional water resources, its place in the system of state functions. Proposals and recommendations on improving the mechanism of international cooperation on the use of regional water resources are formulated.

Keywords: state function, natural water resources, trans boundary rivers, regional cooperation, environmental function, international environmental standards, state management of natural resources, use of regional waters.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги туб ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнлари давлат қурилишига, сиёсий институтлар такомиллашувига, шу жумладан давлат функцияларини адо этиш амалиётига ҳам фаол таъсир этмоқда. Бугун давр талабларига мос равишда давлат функцияларининг замонавий концепцияси шаклланимоқда¹.

Собиқ совет тузуми шароитида давлат функцияси тўғрисида ўзига хос таълимот яратилган эди. Бу таълимот, энг аввало, давлатнинг моҳиятига, унинг ижтимоий вазифаси ва функциясига синфий нуқтаи назардан ёндашар эди. Бунинг устига, XX асрнинг 50-60 йилларида давлатнинг ички функциялари: иқтисодий (ишлаб чиқариш-

ни ташкил этиш, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан назорат ўрнатиш), сиёсий (жамиятни бошқариш), ижтимоий (соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот), маданий-тарбиявий (ғоявий таъсир этиш) функциялардан иборатлиги эътироф этиларди². Ўша асрнинг 70-йилларида табиатни муҳофаза қилиш, шунингдек ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш функциялари ҳам тилга олинган бўлди³. Давлат функцияларининг ушбу таснифи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) шаклланишига қадар сақланиб қолди. Аммо аввалги тузумда яратилган таълимот бугунги талабларга жавоб бермай қолгани аниқ⁴.

Тарихий вазият ўзгариб, собиқ Иттифоқ ўрнида мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан ушбу ҳодисаларга янгича ёндашиш, давлатчиликни, унинг ижтимоий вазифа ва функцияларини қайта мушоҳада этиш бошланди. Машҳур рус файласуфи ва давлатшунос олими И. А. Ильиннинг таъбири билан айтганда, «халқлар ҳозир бошидан кечираётган тарихий давр буюк маънавий фож этишлар ва қайта кўриб чиқишлар даври сифатида қайта мушоҳада этилмоғи лозим»⁵.

Демак, ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган ислоҳотлар ҳамда бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда давлат функциялари борасида янги назарий таълимот, замонавий ёндашувлар пайдо бўлиши табиий. Шу боис, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти тўғри таъкидлаганидек, «жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт»⁶. Худди мана шу дунёдаги глобаллашув, мамлакатдаги туб ижтимоий-сиёсий, маънавий ўзгаришлар давлатларнинг моҳияти, фаолияти, функциялари мазмунига, уларнинг ўзгариши ва тобора такомиллашиб боришига бевосита таъсир этувчи омиллардир.

Давлат функцияларининг мазмуни, аynи бир тарихий даврда қайси функцияларни бажариш зарур бўлиши жамият тараққиётининг эҳтиёжига боғлиқ. Бошқача айтганда, давлат функциясининг белгиланиши, ҳаётга чорланиши, яъни давлат қандай функцияларни бажариши муайян тарихий даврда (вазиятда) жамият ва давлат олдида турган долзарб вазифаларни ҳал этиш заруратидан, жамиятнинг ривожланиш манфаатларидан келиб чиқади.

Жамият тарихан ривожланиб боргани сари сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимида ихтисослашиш, алоҳидалашиш рўй беради, сиёсий ҳокимият ва мулкчилик соҳаларида табақаланиш содир бўлади. Товар ишлаб

чиқариш, айирбошлаш (умуман иқтисодиёт) соҳаси давлат ҳокимияти аралашувидан мустақил бўла боради, яъни фуқаролик жамияти феномени намоён бўлади⁷.

Ўзбекистон Республикасида ҳам туб ислоҳотлар натижасида фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнлари амалга ошмоқда. Бироқ профессор З. М. Исломовнинг фикрича, «фақат давлатгина атроф муҳитни самарали муҳофаза қила олади ва фақат унинг ўзигина бошқа давлатлар билан ҳамкорлик жараёнида экологик дастурларни молиявий таъминлай олади. Фуқаролик жамияти экологик масалани ҳал этиш қудратига эга эмас, ... давлатнинг экологик вазифаларни бажариши билан боғлиқ чеклаш ва тақиқлар ... Ер юзида ҳаёт ва цивилизацияни сақлаб қолишнинг энг асосий шартидир»⁸. Янги вазиятда, яъни фуқаролик жамияти қурилаётган шароитда давлат функцияларининг ўзгариши, такомиллашиши (модернизациялашуви), янги функцияларнинг пайдо бўлиши шубҳасиздир.

Бугун, хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, тadbиркорликка йўл очиш мақсадида оптимал ҳуқуқий механизмларни яратиш вазифалари давлатнинг шу соҳада тегишли функцияси шаклланишини, алоҳида функция сифатида ажралиб чиқишини тақозо этмоқда. Бундай жараёнлар нафақат фуқароларнинг хусусий манфаатлари соҳаси ва фуқаролик жамияти маконида, балки жамият ва давлатнинг умумий, оммавий-сиёсий муносабатлар борасидаги манфаатларини таъминлаш соҳасида ҳам кузатилиши табиий.

Бу ўринда гап давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш стратегик функциясидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш функциясининг алоҳида табақаланиши, дифференциациялашиши асосида унинг минтақавий табиий сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш функцияси ажралиб чиқиши қонуният эканлиги хусусида бормоқда. Ушбу функциянинг мазмунини давлатлараро ва минтақавий хусусиятга эга

трансчегаравий табиий дарё сувларидан фойдаланишни ташкил этиш, бу соҳада вужудга келадиган муносабатларни миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солиш, экологик хавфсизликни таъминлаш⁹, қўшни давлатлар билан муносабатларни мувофиқлаштириш ташкил қилади.

Давлатнинг бундай функцияси ажрати-лишини ёқлаб, қуйидаги изоҳларни айтиш мумкин. Биринчидан, минтақавий сув ресурслари, трансчегаравий дарёлардан фойдаланишни ташкил этиш функцияси давлатнинг соф ички экологик функцияси доирасига сиғмайди. Иккинчидан, бу функ-ция халқаро муносабатлар доирасига дахлдор бўлиб, ташқи функция хусусиятларига ҳам эга. Бу ўринда М. Нажимовнинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: «Ҳозирги шароитда давлат функцияларини ички ва ташқи функцияларга ажратиш маълум даражада ўз аҳамиятини йўқотмоқда, чунки кўпгина ички функциялар ташқи функциялар тусини касб этмоқда (масалан, давлат фаолияти-нинг экологик йўналиши) ёки аксинча»¹⁰.

Юқоридаги фикрнинг тасдиғи сифатида қуйидаги мулоҳазаларни келтирамиз. Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси-даги бошқа республикаларнинг мустақил-ликка эришиши улар ўртасидаги геосиёсий, иқтисодий мулкчилик ва бошқа турдаги қўшничилик муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди. Бир томондан, минтақа-даги ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқлари таъминланиши, иккинчи томондан, мустақил давлатлар ўртасида иқтисодий, савдо, яхши қўшничилик, сиёсий-ҳуқуқий ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, бунда уларнинг ҳар бирининг сиёсий, иқтисодий, мулкий, жуғрофий ва бошқа манфаатларини инобатга олиш масалалари кун тартибига чиқди. Демак, минтақа давлат-ларининг ҳар бири юқорида кўрсатилган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда давлат бошқарувини ташкил этиши, тегишли масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат функцияларини адо этиши лозим бўлади.

Минтақа давлатлари халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъектларига айланганларидан

сўнг трансчегаравий дарёлар уларнинг муносабатларини белгилашда ҳал қилувчи омилга айланди. Орол ҳавзасида жойлашган бешта янги мустақил давлатнинг истиқболи, ички барқарорлиги бевосита ушбу сув захираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг транс-чегаравий дарёлардан самарали фойда-ланишлари, шу йўналишдаги алоҳида функцияни бажаришлари ва ўзаро низоларнинг келиб чиқмаслиги, биринчи навбатда, улар ўртасида шаклланган халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг даражаси ва самараси билан боғлиқ. Ушбу ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳатлари мазкур соҳада давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий шартномаларга ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи минтақа-вий институтлар фаолиятига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлага-нидек, «Орол муаммоси Марказий Осиё ҳудуди доирасидан чиқиб кетди ва жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда иқлим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгари-шида, аҳоли саломатлиги ва бўлғуси авлод генофондига таъсирида кўриш мумкин»¹¹.

Орол денгизи ҳавзаси бўйича беш давлат, яъни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон томонидан тузилган бир неча битимлар мавжуд, бироқ ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалар ҳамон сақланиб қолмоқда. Минтақавий сув ресурсларидан фойда-ланиш ва уларни муҳофаза қилиш каби муаммоли масалаларни тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳанузгача қабул қилинмагани боис, Орол ҳавзаси давлатлари муносабатларини барқарор деб баҳолаш қийин. Мазкур масала бўйича имзоланаётган икки ва кўп томонлама битимлар илмий таҳлил ва ечимни талаб қилувчи қатор саволларни келтириб чиқармоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда мазкур йўналишдаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий асосини яратиш, бу борадаги

халқаро тажрибани ўрганиш, универсал шартномаларни илмий тадқиқ этиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича декларация қабул қилинди. Унда давлатлараро сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий усуллари ва замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда, атроф муҳит ҳолатини, айниқса, сув ресурсларини назорат қилувчи минтақавий тизим, экологик стандартларни уйғунлаштириш тизимини тузишга қарор қилинди.

1997 йил 28 сентябрда Олмаотадаги учрашувда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Халқаро муносабатларда шаклланган, умум эътироф этган талабларга кўра, бир минтақада жойлашган давлатлар ўртасидаги трансчегаравий объектлардан, шу жумладан трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тартибга солиниши лозим. Бу борадаги тегишли халқаро талаб ва қоидаларни бажариш давлатларнинг мажбуриятига киради. Шу сабабли минтақанинг ҳар бир давлати ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун муайян функцияларни амалга ошириши керак бўлади.

Халқаро сув ҳуқуқи бу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг фундаментал концепция ва принципларини тушуниш, халқаро сув ресурсларини бошқариш ва ҳуқуқий тартибга солиш борасида юзага келадиган масалаларни тўлиқ баҳолаш учун зарур. Масалан, халқаро ҳуқуқ қоидалари мустақил давлатларга нисбатан, биринчи навбатда, уларнинг ўзлари учун халқаро мажбуриятларни мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида қўлланади. Бу ҳолат мамлакатларнинг халқаро муносабатлари жараёнида яққол кўзга ташланади. Чунки бир давлат

иккинчиси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатмоқчи бўлса, нафақат ҳуқуққа эга бўлади, балки ўз зиммасига мажбурият ҳам олади.

Халқаро сув ресурсларидан фойдаланишнинг асосий принципи «адолатли ва оқилона фойдаланиш» бўлиб, у халқаро сув оқимлари борасида давлатлар фаолиятини тартибга солувчи қатор битимларда ўз тасдиғини топган. Мазкур принцип бошқа қоидалар қаторида ҳавзанинг ўзга давлатларига зарар етказиши мумкин бўлган режалаштирилаётган тадбирлар борасида олдиндан огоҳлантириш, ахборот алмашиш ва маслаҳатлашувларни талаб этувчи қатор жараёнлардан иборат қоидалар билан тартибга солинади.

1997 йил 21 майда қабул қилинган БМТнинг «Сув оқимлари тўғрисида»ги конвенциясида сув ҳуқуқининг фундаментал принциплари ва процессуал қоидаларида — бир ҳавза мамлакатларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган механизм ишлаб чиқилган. Конвенция 104 та давлат томонидан қўллаб-қувватланган, бунда фақат уч давлат (Бурунди, Хитой ва Туркия) қарши овоз берган. 1997 йилги Конвенцияни 35 та мамлакат ратификация қилганидан сўнг, у кучга кириши назарда тутилган.

Ушбу ҳужжат Халқаро суд ва кўп сонли давлатлар томонидан халқаро сув ҳуқуқи фундаментал принципларининг расмий баёноти сифатида тан олинган. Конвенция қачон кучга киришидан қатъи назар, илгаригидек халқаро сув оқимини бошқаришда, тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Трансчегаравий дарё ҳавзалари бўйича қарорлар халқаро сиёсий тусга эга эканлиги ва фақат сиёсий муносабатлардагина қўлланилиши, баҳоланиши мумкинлиги тушунарли, албатта. Юридик фан нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, муаммоларни ҳал этиш сиёсий-ҳуқуқий тавсия ва ҳаракатлар учун асос яратишда намоён бўлади.

Шу ўринда биз таҳлил этаётган мавзуга оид бўлгани учун таъкидлаш лозимки, Ле Марканднинг «Халқаро дарёлар: ҳамкорлик

сиёсати» (1997) китоби трансчегаравий дарёлардан ҳамкорликда ва ўзаро манфаатли фойдаланишнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларига бағишланган муҳим асар ҳисобланади. Унда сув ҳавзаларига оид низоларни ҳал қилиш борасида қарорлар қабул қилишда ички ва ташқи сиёсатнинг муҳим жиҳатлари муҳокама қилинади.

Бундай шароитда сув захираларидан табиатнинг умумий қонунларига кўра тежамли, оқилона, самарали, илм-фан тавсиялари асосида фойдаланиш ва унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш бугун биринчи даражали вазифалардандир. Бу вазифани бажаришда ҳуқуқнинг роли жуда катта бўлиб, у сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди, табиий сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва турли ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш чораларини белгилайди. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишга қаратилган давлат функцияси ва тегишли қонунлар сув ресурсларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш, кўриқлаш, тежаш тартибларини ўрнатади ва ушбу тартибларга риоя қилиш чораларини белгилайди.

Марказий Осиё минтақасидаги табиий сув ресурсларидан, трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланишни ташкил этишда бу маконда жойлашган давлатлар ўзларининг ҳуқуматлари, тегишли давлат институтлари тимсолида қатор ташкилий, бошқарув ва ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишлари талаб этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси минтақадаги трансчегаравий дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш функциясини амалга оширишда ўзининг мутасадди ва ваколатли махсус органлари орқали ҳаракат қилади.

Ушбу махсус органлар доирасини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сон фармониға мурожаат қилиш зарур. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ва юқоридаги фармонға мувофиқ, сувдан фойдаланиш ва уни

муҳофаза этиш соҳасини бошқариш (яъни, давлатнинг бу масалалардаги функциясини бажариш) махсус ваколатли органлар, яъни Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Саноат соҳасида юритиладиган ишлар хавфсизлиги устидан назорат ва тоғ назорати давлат инспекциясига (термик ва минерал сувлар юзасидан назорат) юклатилади¹².

Таъкидлаш лозимки, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида ирригация тизимларини бошқариш учун ўнта ҳавзавий бошқарма тузилган. Улар Сирдарё, Амударё, Норин, Қашқадарё, Сурхондарё ва Зарафшон сув ҳавзаларини республиканинг турли махсус регионлари хусусиятини инобатга олган ҳолда бошқаришни (сув ресурсларидан фойдаланишни) ташкил қилади. Ирригация тизимларининг ҳавзавий бошқармалари табиий сув ресурсларидан фойдаланишга оид давлат функцияларини бажарувчи институционал тузилмалар сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

— сув ресурсларидан бозор принциплари ва сув истеъмоли механизмларини жорий этиш асосида сувлардан мақсадли ва рационал фойдаланишни ташкил этиш;

— сув хўжалиги соҳасида ягона техникавий сиёсатни амалга ошириш;

— истеъмолчиларни мунтазам ва ўз вақтида сув билан таъминлашни ташкил этиш;

— сув ресурсларини оқилона бошқариш;

— сув ресурсларидан фойдаланишнинг ишончли ҳисобини юритиш, ҳисоботлар тайёрлаш ва ҳ. к.

Бир қатор ваколатли давлат органлари сувдан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш соҳасида назорат функцияларини амалга оширади. Буларға маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат тоғ-саноати назорати инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги киради. Зарур ҳолларда бу соҳада ҳам прокурор назорати намоен бўлиши мумкин. Бундан ташқари, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни

ташқил этишда идоравий назорат, ишлаб чиқариш назорати ва жамоатчилик назорати ҳам амалга оширилади. Мазкур институционал тузилмалар фаолиятининг муайян қисми минтақавий трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, ўз табиатига кўра халқаро-ҳуқуқий хусусият касб этади.

Юқоридаги таҳлил ва мулоҳазаларни умумлаштириб, давлатнинг минтақавий табиий сув ресурсларини муҳофаза этиш функциясининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчидан, мазкур функция давлатнинг ички экологик функцияси мазмунидан кенг бўлиб, ички ва ташқи функциялар уйғунлашуви асосида амалга ошириш мумкин;

иккинчидан, глобаллашув жараёнлари, дунёвий ва минтақавий табиий таҳдид давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиш заруратини, сув ресурслари, трансчегаравий дарёлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ янги фаолият йўналишини намоён (тақозо) этмоқда;

учинчидан, ушбу функция нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга ошириладиган фаолиятдир;

тўртинчидан, минтақавий табиий сув ресурсларидан фойдаланиш борасида ягона сув техникавий сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш ушбу функция мазмунининг таркибий элементини ташқил этади;

бешинчидан, давлатнинг табиий сув ресурсларини оқилона бошқариш ва фойдаланишни ташқил этиш функцияси дипломатик воситалар ва умумий консенсусга эришиш усулларида фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, бугунги глобаллашув ва минтақавий интеграциялашув шароитида табиий трансчегаравий сувлардан оқилона фойдаланиш борасида Ўзбекистон давлати алоҳида махсус функцияни бажариши намоён бўлмоқда. Ўйлаймизки, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги нуқтаи назаридан ёндашганда минтақадаги табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташқил этиш мақсадида ҳар бир давлат тегишли алоҳида функцияни бажаради ва бунда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга интилади. Бу эса минтақада ҳамжиҳатликда турмуш кечиришнинг, яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйишнинг муҳим ва зарурий шартидир.

¹ Қаранг: *Баймаханов М. Т.* К разработке современной концепции функций государства // Правовая реформа в Казахстане. — 2001. — № 4. — С. 3; *Нажимов М.* Глобаллашув жараёни ва давлат функцияларининг замонавий концепциялари // ТДЮИ ахборотномаси. — 2012. — № 4. — Б. 9—13.

² Қаранг: *Лазарев В. В., Липень С. В.* Теория государства и права. — М., 1999. — С. 55—62.

³ Қаранг: *Васильев А. М.* Теория государства и права. — М., 1975. — С. 112—117.

⁴ Қаранг: *Бабаев С. В.* Теория функций современного российского государства. - Н. Новгород, 2001. — С. 3—4.

⁵ Қаранг: *Ильин И. А.* О сущности правосознания. — М., 1993. — С. 16.

⁶ *Каримов И. А.* Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б. 6.

⁷ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства / Под общ. ред. акад. В. С. Нерсисянца. — М., 2008. — С. 627.

⁸ *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — М., 2007. — Б. 303—304; Проблемы общей теории права и государства. — М., 2002. — Б. 632—642.

⁹ Қаранг: Общая теория государства и права: Академический курс в 2-х томах / Отв. ред. проф. М. Н. Марченко. Т. 1. — М., 1998. — С. 203.

¹⁰ *Нажимов М.* Глобаллашув жараёни ва давлат функцияларининг замонавий концепциялари // ТДЮИ ахборотномаси. - 2012. - № 4. - Б. 10.

¹¹ *Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. — Т., 2001. — Б. 110

¹² Қаранг: *Скрипников Н. К.* Трансграничное водопользование в Центральной Азии (правовой аспект). — Т., 2004. — С. 79.

ЕР ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА АЙРИМ МАСАЛАЛАР: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари, бу жараёнда жиноий жавобгарликни қўллаш хусусиятлари кўриб чиқилган, ривожланган ва қўшни давлатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳадаги тажрибаси таҳлил этилган.

Таянч тушунчалар: атроф табиий муҳит, табиий ресурслар, ерларни муҳофаза қилиш, юридик жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, экологик жиноятлар, ерни ноқонуний эгаллаш.

Анализ законодательства зарубежных стран по привлечению к уголовной ответственности за нарушения земельного законодательства

Аннотация. В статье рассматриваются правовые меры охраны земель, особенности применения уголовно-правовой ответственности, проанализировано развитие и совершенствование уголовного законодательства развитых и соседних государств, а также Республики Узбекистан в данной сфере.

Ключевые слова: окружающая природная среда, природные ресурсы, охрана земель, юридическая ответственность, уголовная ответственность, экологические преступления, незаконное владение землей.

Some issues of bringing to criminal liability for violations of land legislation: analysis of legislation of foreign countries

Annotation. In the article carried out legal measures of protection of lands, features of use of criminal liability in this process, analyzed the development of the criminal legislation of the developed and neighboring states, also the Republic of Uzbekistan.

Key words: surrounding environment, natural resources, protection of lands, legal liability, criminal liability, Criminal code, ecological crimes, illegal accupate of land.

Ер алоҳида ноёб табиий объект сифатида эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ҳамда унда яшовчи фуқаролар ва давлат томонидан яхлит ҳолда муҳофаза қилишни тақозо этади. Шу билан бирга, ер нафақат иқтисодий қимматга эга, балки муайян экологик аҳамият ҳам касб этади. Ернинг иқтисодий қиммати унинг мулкдор учун аҳамиятида намоён бўлса, экологик қиймати умуман жамият учун тааллуқлидир. Шу боис, ер муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши нафақат оммавий давлат ҳокимиятининг ер билан боғлиқ мулкчилик ва битим муносабатларидаги аралашувини оқловчи анъанавий асосларга, балки оммавий ҳокимиятнинг мамлакатнинг экологик жиҳатдан қулайлиги учун жамият олдида масъул ҳисобланиши билан боғлиқ мажбуриятига ҳам асосланади.

Ер қонунчилиги талаблари бузилганда ҳуқуқбузарга ушбу қонунчиликда назарда тутилган жавобгарлик чораларидан ташқари

жиноят, фуқаролик, маъмурий, меҳнат соҳаларида кўзда тутилган юридик таъсир чоралари ҳам қўлланилади. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг асосий турларидан бири жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, у шахс томонидан жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавfli қилмиш содир этилган ҳолларда келиб чиқади¹.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида (бундан кейин матнда ЖК деб берилди) ер ҳуқуқбузарликлари учун жиноий жавобгарлик қуйидагича белгиланган: атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда), атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (195-модда), атроф табиий муҳитни ифлослантириш (196-модда), ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш

талабларини бузиш (197-модда), ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш (229-модда).

ЖК 196 моддасида ерларни ифлослантириш ёки бузиш, 197-моддасида ерлардан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Таъкидлаш лозимки, ушбу жиноятларда жиноий тажовуз асосан тупроққа таъсир этишга қаратилган бўлади. Шу нуқтаи назардан, ер устки қатламининг қанча чуқурлиги ер сифатида, қанча чуқурликдан кейин ер қаъри бошланиши; «ер» ва «тупроқ» тушунчаларининг маънодош сўзлар сифатида қўлланилиши (зеро, ЖКда фақат ер ҳақида сўз боради, тупроқ ҳақида эмас; Ер кодексида ҳам тупроқ ер муносабатлари объекти сифатида белгиланмаган); Жиноят кодексининг 196-моддасида белгиланган ерларни ифлослантириш саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа мақсадлари учун махсус ажратилган ер фонди тоифаларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши; ер ва жиноят қонунчилигида «ер» тушунчасини қўллашнинг ўзаро нисбати каби масалаларга аниқлик киритиш лозим.

Ушбу масалага тўхталар эканмиз, гарчанд, амалда тупроқни ифлослантириш ҳам аксарият ҳолларда ерни ифлослантириш сифатида баҳоланса-да (чунки, тупроқ ҳам ернинг таркибий қисми ҳисобланади), қонунчиликнинг янада аниқ бўлишини таъминлаш ҳамда турлича талқин қилишларнинг олдини олиш мақсадида, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ЖК 196-моддаси диспозициясидаги «ерни» сўзини «тупроқни» (ифлослантириш) деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, экологик жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибасидан фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, Эстония Республикаси Жиноят кодексининг 154²-моддасида ер ва тупроқни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган, яъни унда табиий муҳитнинг ҳар иккала элементи ҳам муҳофаза остига олинган. Хитой жиноят қонунчилигида эса (ХХР ЖК 342-моддаси) суғориладиган

ерларни, яъни пировардида тупроқни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. ГФР Жиноят кодексининг 324а-параграфи «Тупроқни ифлослантириш» деб номланади, Австрия Жиноят кодексидан (180-параграф) ҳам шу каби модда ўрин олган. Шундай қилиб, жиноят қонуни номида жиноят предметини янада аниқлаштириш ҳуқуқни қўлловчига тажовуз предметини янада аниқроқ белгилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг экология соҳасидаги жиноятлар бўлиmidан ўрин олган барча жиноят таркиблари, шу жумладан, ер соҳасидаги жиноятлар ҳам моддий таркибли жиноят сифатида баҳоланган, яъни бунда қилмишни жиноят сифатида баҳолаш учун ижтимоий хавfli оқибат келиб чиқиши талаб қилинади. Бироқ, бизга маълумки, кўп ҳолларда атроф табиий муҳитга етказилган зарар (ўрмонларнинг қисқариб кетиши, дарёнинг саёзлашуви, сув ҳавзасининг заҳарланиши ва ҳ. к.) узоқ вақт мобайнида юзага келади. Ушбу ҳолатларда жиноятларнинг формал таркиби самарали ва мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки у жиноий фаолиятнинг дастлабки босқичларидаёқ унинг олдини олиш имконини беради.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида экологик ҳуқуқбузарликларни криминализация қилиш борасида икки тенденцияни кузатишимиз мумкин:

1) инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирадиган (туғдирган) ифлосланиш жиноий деб тан олинади (формал таркиблар — АҚШ, Швеция, Голландия, Озарбайжон ЖКлари);

2) ҳар қандай ифлосланиш эмас, балки инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етишига сабаб бўлган ифлосланиш жиноий деб тан олинади (моддий таркиблар — ХХР, Литва, РФ, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам).

Бу борада биз А. П. Чугаевнинг «экологик жиноятлар формал таркибли этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ, чунки ушбу жиноят таркибларини амалда қўллаш самаралироқ бўлади, қолаверса хавф туғилишининг ўзи кифоя қилади»², деган фикрига қўшилаемиз.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 196 моддаси биринчи қисмини

«Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетишига чинакам хавф келтириб чиқарса», деб ўзгартиришни таклиф қиламиз.

Шу билан бирга, ер соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштиришнинг яна бир йўналиши ер соҳасидаги жиноятлар учун етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини жазо чораси сифатида юклаш истиқболини ўрганиш билан боғлиқ. Бизнингча, экологик жиноятлар учун жазонинг асосий мақсади бўлиб, атроф табиий муҳитга етказилган зарарни реал (натуроада) қоплаш бўлиши, жазонинг бошқа мақсадлари эса қўшимча мақсадлар бўлиши лозим.

ЖК 196 моддаси бўйича маҳкумни суд қилиб, уч йил озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиш атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплашга заррача ҳам ёрдам бермайди. Шу боис, ЖКнинг экология соҳасидаги жиноятларга оид тўртинчи бўлимини етказилган зарарни натуроада қоплаш каби қўшимча жазо тури билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Табиатга етказилган зарарни қоплаш усуллари ёки турлари суднинг ҳукмида ишнинг аниқ ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим. Бундай шакллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: ер рекультивацияси, сувни тозалаш ишларини амалга ошириш, заҳарланган сув ҳавзасини тозалаш ва кейинчалик балиқлар билан тўлдириш; ерни ифлослантириш натижасида зарар кўрган ҳайвонот ёки ўсимлик дунёси объектларини кўпайтириш.

Бу борадаги яқин, қўшни мамлакатлар жиноят қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, уларнинг аксариятида ер соҳасидаги муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган алоҳида модда ўрин олганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 26-бобида 15 та жиноят таркиби қамраб олинган. Ушбу кодекснинг 273-моддаси «Ерни бузиш» деб номланган бўлиб, унинг иккинчи қисмида ерларни рекультивация қилиш талабларини бажармаслик оқибатида тупроқнинг унумдор қатламини бузиш, башарти қишлоқ

хўжалиги муомаласидаги ернинг экологик фавқулодда ҳолат ҳудудига ўтишига сабаб бўлса, жарима ёки озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши белгиланган³. Тожикистон Жиноят кодексининг «Экологик хавфсизлик ва табиий муҳит» деб номланган 24-бобининг «Ерни бузиш» деб номланган 228-моддасида ҳам Россия Федерацияси ва Қирғизистон Республикаси жиноят қонунларидаги ерларни бузиш билан боғлиқ ўхшаш моддалар белгиланган⁴. Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодексига табиатни муҳофаза қилишга доир нормалар «Экологик жиноятлар» деб номланган 11 бобдан ўрин олган бўлиб, унда 17 та жиноят (277—294-моддалар) назарда тутилган. Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 285 моддасида ҳам ерларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг «Экологик жиноятлар» тўғрисидаги 28-бобидан ўрин олган 254-моддасида ҳам ерларни бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Қиёсий таққослаш нуқтаи назаридан Грузия Республикаси Жиноят кодекси ҳам қизиқиш уйғотади. Унинг «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш қоидаларига қарши жиноятлар» деб номланган 10-бўлимидан ўрин олган «Ерларни бузиш»га бағишланган 297-моддасида нафақат ерларни заҳарлаш, ифлослантириш, балки деградацияси учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. Грузияда 1994 йил 12 майда қабул қилинган «Тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 9 моддасида тупроқни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган, бироқ ушбу норма ҳаволаки бўлиб, жазо ва санкция турларини қамраб олмайди.

Эътиборли томони шундаки, мамлакатимиз жиноят қонуни эса бир неча табиий объектларни комплекс муҳофаза қилиш йўлидан бормоқда. Жумладан, ЖК 196-моддасида атроф табиий муҳитни (ер, сув ёки атмосфера ҳавосини) ифлослантирганлик учун жавобгарлик белгиланганда айни вақтнинг ўзида бир неча табиий ресурслар қамраб олинган. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини

бузганлик учун алоҳида 197-моддада жавобгарлик белгиланган. Бир неча табиий ресурсларни бир жиноят-ҳуқуқий нормада комплекс муҳофаза қилиш муайян илмий аҳамиятга эга, чунки бир табиий объектга салбий таъсир қилиш қоида тариқасида кўп ҳолларда бошқа турдош объектларда ҳам салбий ўзгаришлар келиб чиқишига сабаб бўлади, масалан, ерларнинг заҳарли кимёвий моддалар билан ифлослантирилиши шу ҳудуддаги ўсимлик дунёсининг нобуд бўлишига ва ер ости сувларининг ифлосланишига сабаб бўлади; зарарли моддалар чиқарилиши билан атмосфера ҳавосининг ифлосланиши заҳарли ёмғир ёғиши билан ерларнинг ифлосланишига олиб келади ва ҳ. к.

Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексининг «Атроф муҳитни муҳофаза қилишга қарши жиноятлар» деб номланган 6 параграфида асосий табиий ресурслар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза остига олинган. Бевосита ерларни муҳофаза қилишга ушбу кодекснинг 342-моддаси бағишланган бўлиб (ХХР ЖКда моддалар алоҳида номга эга эмас), унга кўра, нисбатан катта майдонда ҳайдаладиган ерларни «Ерни бошқариш тўғрисида»ги қонунни бузган ҳолда ноқонуний эгаллаганлик, агар ҳайдаладиган ерларга кўп миқдорда зарар етказса, жазоланади. Гувоҳи бўлганимиздек, бунда устуворлик қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларга берилган бўлиб, унинг диспозицияси бланкет ҳисобланади.

Европа мамлакатларининг ерларни муҳофаза қилишга оид жиноят қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан сезиларли даражада фарқ қилади.

Масалан, Испания Жиноят кодексидида экологик жиноятларга бағишланган алоҳида боб йўқ. Табиий ресурслар ёки атроф муҳитга тажовуз қилувчи қилмишлар турли бобларга тарқатиб юборилган. Жумладан, унинг 3-боби «Табиий ресурслар ва атроф муҳитга қарши жиноятлар», 4-боби «Флора ва фаунани муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиноятлар», 16-бўлими «Ҳудудларни бошқариш ҳамда тарихий мерос ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиноятлар»га бағишланган. Бу кодексда бевосита ерларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган норма мавжуд эмас.

Шунингдек, Кодекснинг 325-моддасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва бошқа умумий қоидаларни бузиб, бевосита ёки билвосита нурлатиш, ажратиб олиш ёки экскавация, кўчириш, шовқин, чиқинди чиқариш билан шуғулланганлик учун жазо кўзда тутилган. Унинг 319 моддаси эса алоҳида қимматга эга ерларни ўзбошимчалик билан қурилишлардан ҳимоя қилишга бағишланган бўлиб, унга кўра, «курувчилар, лойиҳачилар ёки техник директорлар йўл қуриш, яшил ҳудуд барпо этиш учун мўлжалланган, давлат мулкида бўлган ёки қонун ёхуд маъмурий тартибда манзарали, экологик, бадиий, тарихий ёки маданий қимматга эга бўлган ёки шу каби асосларда алоҳида муҳофаза қилинадиган ерларда рухсатсиз қурилишни амалга оширганликлари учун жавобгар бўладилар».

Испания жиноят қонунчилигининг яна бир ўзига хос жиҳати унда юридик шахсларнинг жиноий қилмишлари учун жавобгарлик белгиланганлигидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида юридик шахслар жиноят субъекти сифати тан олинмаган, фақат жисмоний шахсларгагина жиноий жавобгарлик белгиланган. Фикризмизча, экологик, шу жумладан ер соҳасидаги жиноятлар бўйича жиноий жавобгарлик чораси тариқасида юридик шахсларга жарима, зарарли фаолиятни тўхтатиш, етказилган зарарни аслича (натурада) қоплаш, фаолиятни қайта ихтисослаштириш кабиларни белгилаш экологик жиноятларга қарши курашнинг истиқболли йўли ҳисобланади.

1949 йил 23 майдаги Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг 15-моддасида ер, табиий бойликлар ва ишлаб чиқариш воситаларини жамоалаштириш мақсадида жамоа мулкчилигига бериш мумкинлиги кўзда тутилган⁵. ГФРнинг 1871 йил 15 майдаги Жиноят кодексидида (1987-йил 10 мартдаги таҳрири, 1994 йил 15 декабрдаги ўзгартишлар билан) эса экологик жиноятлар «Атроф муҳитга қарши жиноий қилмишлар» деб номланган 28-бўлимда акс этган. ГФР Жиноят кодексининг ушбу бўлимининг 324а-параграфида тупроқни ифлослантириш жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу параграф қуйидагича баён этилган:

«Маъмурий-ҳуқуқий мажбуриятларни бузиб, тупроққа моддалар чиқариш, уларнинг сингишига йўл қўйиб бериш ёки чиқариш: 1) бошқа шахс, ҳайвонот, ўсимликка ёки сезиларли қийматга эга бўлган бошқа предметга зарар етказадиган усулда содир этилса, ёки 2) катта ҳажмда содир этилса, ва шу билан уларни ифлослантирса ёки бошқача усулда фойдасиз ўзгартирса, беш йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки пул жаримаси билан жазоланади». Германия қонунчилигида ер соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликка нафақат жисмоний, балки юридик шахслар ҳам тортилиши белгиланган⁶.

Австрия Жиноят кодексининг 180-параграфида тупроқни (сув манбалари ва ҳаво билан бир қаторда) қасддан зарар етказишдан жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тартиби белгиланган. Унга кўра, тупроқни ифлослантириш, кўпчилик одамлар ҳаёти ёки соғлиғига хавф солиши ёхуд ҳайвонот ёки ўсимлик дунёси ҳолати учун хавф солиши уч йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки пул жаримаси билан жазоланади. Ушбу параграфнинг иккинчи қисмида эса, башарти бундай қилмиш натижасида сув манбаи, тупроқ, ҳаво узоқ муддатга, оғир тарзда ёки кўп миқдорда ифлосланса, ифлосланиш ёки зарар доимий тусда бўлса ёки унинг оқибатларини бартараф этишнинг иложи йўқлиги ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли узоқ вақт мобайнида сақлаб қолинандиган бўлса ёхуд ифлосланишни ёки зарарни бартараф этиш учун 500 минг Австрия шиллингидан кўп миқдорда пул талаб қилинса, жавобгарлик белгиланган.

Шундай қилиб, ушбу параграфнинг биринчи қисми формал таркибли, иккинчи қисми эса моддий таркибли жиноят сифатида шаклланган. Яъни, мазкур жиноят натижасида фақатгина хавф туғилгани ҳолда ижтимоий салбий оқибат келиб чиқмаса, атроф табиий муҳитга, ер, тупроқ, сув, ҳавога зарар етмаса, биринчи қисмига мувофиқ жавобгарлик келиб чиқади, агар реал зарар етадиган бўлса, айбдор шахс иккинчи қисмига мувофиқ жазоланади. Бунда ушбу давлат тажрибасидан ўзлаштириш мумкин бўлган ижобий ҳолат

сифатида тупроқни ифлослантиришнинг иқтисодий мезони (500 минг Австрия шиллингидан ортиқ) белгиланганлигини кўрсатишимиз мумкин.

Данияда табиатни муҳофаза қилиш ҳам ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Жумладан, Дания Жиноят кодексига экологик жиноятлар алоҳида бобда тизимлаштирилмаган. Бир қатор бундай нормалар «Оммавий зарар етказиши мумкин бўлган турли қилмишлар» деб номланган 21-бобидан ўрин олган. Хусусан, Дания ЖКнинг 196 параграфида атроф муҳит тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган: 1) ҳаво, сув, тупроқ ёки ер қаърини ифлослантириш ёки 2) чиқинди ёхуд шу каби моддаларни сақлаш ёки йўқ қилиш натижасида атроф муҳитга зарар етказиш хавфи келиб чиқади. Дания жиноят қонунчилиги (ЖК Умумий қисми 25 параграфи) ҳам юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини кўзда тутди. Унга кўра, агар қонун ёки унга мувофиқ қабул қилинган қоидаларда кўзда тутилган бўлса, юридик шахс жарима тариқасидаги жиноий жазога тортилиши мумкин.

АҚШда атроф табиий муҳит ва ерларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласига тўхталадиган бўлсак, авваламбор, таъкидлаш лозимки, биринчидан, Америка ҳуқуқи концепцияси экологик хавфсиз иқтисодий ривожланиш моделини амалга ошириши билан тавсифланади; иккинчидан, умумий ҳолда атроф табиий муҳитга, хусусан ерларга етказилган зарар учун жавобгарлик ягона кодификациявий жиноят-ҳуқуқий ҳужжат билан эмас, балки ҳуқуқнинг табиатни муҳофаза қилиш комплекс соҳаси нормалари билан қамраб олинган. АҚШ экологик қонунчилиги тизимида марказий ўринни 1969 йилда қабул қилинган ва 1970 йил 1 январдан кучга кирган «Атроф муҳит соҳасида миллий сиёсат тўғрисида»ги қонун эгаллайди⁷.

АҚШда ерларни муҳофаза қилишга оид экологик нормалар асосан бир нечта қонунчилик ҳужжатларида жамланган. Хусусан, 1968 йилги «Ёввойи ва рекреациявий дарёлар тўғрисида»ги қонуннинг 1286 параграфида белгиланишича, давлатга мулк ва ердан

фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаган ҳолда ерлардан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мувофиқ ҳолда фойдаланилишини назорат қилиш ҳуқуқи тегишлидир. 1965 йилги «Ер ва сув фондини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда рекреация зоналарида ерлардан фойдаланиш тартиби ўрнатилган.

АҚШ жиноят қонунчилигининг яна бир муҳим жиҳати юридик шахслар (корпорациялар)нинг жиноий жавобгарлиги белгиланганлигидир. Хусусан, Пенсильвания штати Жиноят кодексининг «Ташкилотлар ва улар билан тегишли даражада боғлиқ шахсларнинг жавобгарлиги» деб номланган 307 моддасига биноан, қуйидаги ҳолларда корпорациялар жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин:

— жиноятда қонунчиликнинг тўғридан-тўғри мақсади корпорацияга мажбурият юклаш кўзда тутилган бўлса ва фаолият корпорация номидан иш кўраётган унинг вакили томонидан ўзининг хизмат ваколоти доирасида амалга оширилган бўлса;

— жиноят қонунига мувофиқ бажарилиши бевосита корпорация зиммасига юкланган махсус мажбуриятларни бажармасликда ифодаланса;

— содир этилган жиноят Директорлар кенгаши ёки корпорация номидан иш кўрувчи олий бошқарув органи вакилининг ўз мансаб ёки хизмат ваколоти доирасидаги эҳтиётсизлиги туфайли рухсат этилган, талаб қилинган, буйруқ берилган, бажарилган ёки йўл қўйилган бўлса.

Умуман олганда, ГФР, Австрия, Дания, Испания, АҚШ, ХХР, шунингдек, Россия Федерацияси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия, Эстония каби давлатларнинг ерларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид қонунчилигини ўрганиш ушбу давлатлар миллий қонунчилигида ерга (тупроққа) салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва буни тақиқлашнинг турли ҳуқуқий механизмлари белгиланганлигини кўрсатди. Айни дамда, ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Дания, Германия, Испания каби бир қатор давлатларда экологик жиноятлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган бўлиб, фикри-мизча, ушбу ижобий тажриба Ўзбекистон Республикасида ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасида ер ва жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда фойдали бўлиши мумкин.

¹ Қаранг: *Холмўминов Ж. Т.* Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлашда экологик ҳуқуқий таълим-тарбия. — Т., 2015. — 325 б.; *Холмўминов Ж. Т.* Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларининг илмий-назарий таҳлили. — Т., 2016. — 338 б.; *Холмўминов Ж. Т.* Эколого-правовое понятие и виды земельных правонарушений // Предупреждение преступности. — 2005. — № 3. — С. 57-64; *Холмўминов Ж. Т.* Некоторые вопросы рассмотрения системы земельного права // Вестник Госкомземкадастра. — 2013. — № 1. — С. 63-65; *Фатқулин С. Т.* Уголовно-правовая охрана земли. — М., 2008. — 165 с.; *Плешков М. А.* Уголовная ответственность за незаконный оборот земли: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2012; *Болтанова Е. С.* Юридическая ответственность за земельные правонарушения // Журнал российского права. — 2014. — № 12. — С. 88-97; *Даньшина Д. Н.* Юридическая ответственность за экологические правонарушения // Молодой ученый. — 2016. — № 6. — С. 79.

² Қаранг: *Чугаев А. П.* Состав экологического преступления: системно-структурный анализ // Современные проблемы правоведения. — Краснодар, 1998.

³ Қаранг: *Фатқулин С. Т.* Уголовно-правовая охрана земли от порчи: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Екатеринбург, 2005.

⁴ Қаранг: *Дубовик О. Л.* Экологические преступления: Комментарий к главе 26 УК РФ. — М., 1998.

⁵ Қаранг: *Ротш Т.* Теоретические проблемы уголовно-экологического права: взгляд из Германии // Государство и право. — 2007. — № 2.

⁶ Қаранг: *Шарипкулова А. Ф.* Сравнительный анализ некоторых норм об ответственности за экологические преступления по УК РФ и УК стран ближнего зарубежья // Пять лет действия УК РФ: итоги и перспективы: Мат-лы 11 Междун. науч.-практ. конф. (30-31 мая 2002 г.). — М., 2003.

⁷ Соединенные Штаты Америки: Конституция и законодательные акты / Пер. с англ.; Составитель В. И. Лафитский. — М., 1995.

Ш. А. Таджиметов

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети
хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси*

КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИК — ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МУОМАЛА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари ходимларининг коммуникатив компетентликни шакллантириш масалаларига эътибор қаратилган, коммуникатив компетентликнинг ички ишлар органлари ходимлари фаолиятидаги аҳамияти ёритилган.

Таянч тушунчалар: коммуникативлик, компетентлик, коммуникатив компетентлик, ички ишлар органлари ходимларининг коммуникативлиги, ички ишлар органлари ходимларининг компетентлиги.

Коммуникативная компетентность — важный фактор повышения культуры общения сотрудников органов внутренних дел

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы формирования коммуникативной компетентности у сотрудников органов внутренних дел, раскрыто значение коммуникативной компетентности в деятельности органов внутренних дел по борьбе с правонарушениями.

Ключевые слова: коммуникативность, компетентность, коммуникативная компетентность, органы внутренних дел, коммуникативность и компетентность сотрудников органов внутренних дел.

Communicative competency is the main factor of improvement of treatment culture of the workers of the organs of internal affairs

Annotation. The article deals with the issues of formation of communicative competence of the officers of law-enforcement bodies and the value of communicative competence in the activity of the officers of law-enforcement bodies are revealed.

Key words: communicative, competence, communicative competence, communicative competence of the officers of law-enforcement bodies, competence of the officers of law-enforcement bodies.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август кунини мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда таъкидлаганидек, «биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, маданият соҳасида ҳам, қўйинги, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келяпмиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас»¹.

Айтиш жоизки, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, олдимизда турган муҳим вазифаларнинг самарали бажарилиши кўп жиҳатдан юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бугунги

кун талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тарбиялаш билан боғлиқдир.

«2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»² асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли фармонида ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида ушбу органларни аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни хизмат

бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш вазифаси белгиланган³. Ушбу вазифа соҳа ходимларидан ўз ишининг устасига айланишни, коммуникативлик ва компетентлик хислатларига эга бўлишни талаб этмоқда.

«Коммуникативлик» рус тилидаги — «коммуникабельный» сўздан олинган бўлиб, ҳар қандай шароитда фуқаронинг дардини эшита оладиган ва унга амалий ёрдам бера оладиган, осон ва тезда мулоқотга киришадиган шахсий хислатни англатади⁴.

«Компетентлик» (лот. *competentio*, *compete* — биламан, бажараман, тўғри келаман сўздан олинган) — тартибга солинган юридик ваколатлар йиғиндисини, муайян шахснинг ёки давлат органининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши, англаши ва бажаришини билдиради⁵.

Ички ишлар органлари ходимларининг коммуникативлиги деганда ички ишлар ходими ўз соҳасининг устаси бўлиши, ўз хизмат йўналиши бўйича дуч келадиган саволларга осон жавоб топа билиши ва уни қўллай олиши, киришимли бўлиши, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета олишини тушуниш керак.

Мулоқот — коммуникация, яъни фикр, ҳиссиёт, қайғу, орзу, хурсандчиликни ўзаро алмашишдир. Дўстлар даврасида, уйда, мажлисда, кўчада — қаерда ва қайси ҳолатда мулоқот қилишимиздан қатъи назар — биз суҳбатдошимизга ниманидир етказамиз ва ундан ниманидир билиб оламиз.

Ички ишлар органлари ходимлари халқ орасида бўлади, турли миллат, турли феъл, турли кайфиятдаги инсонлар билан мулоқот қилади. Бу эса мулоқот жараёнида ходим маънавияти юксаклиги бобида халққа намуна, ибрат бўлиши керак. Буни замон талаб қилмоқда. Бунинг учун эса ходимдан ўз устида мунтазам ишлаш, турли миллат вакиллари билан мулоқот қилиш учун теварак-атрофдаги одамлар тилларини яхши билиш ва фаолиятини тўхтовсиз такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг компетентлиги — маълум бир соҳада билим ва кўникмаларга эга бўлиш, уларни амалда моҳирона қўллай олиш тушунилади. У, масалан, жиноят содир бўлган жойда ички ишлар ходимининг ким билан ва қачон

гаплашишни билиши, жиноятнинг тури ҳамда тергов жараёнига қараб тегишли шахсларни сўроқ қилиши, йиғилган маълумотлардан келиб чиқиб тўғри хулоса чиқариши кабиларда кўринадди. Коммуникатив компетентлик — ички ишлар ходимида, авваломбор, ўз Ватанига муҳаббат, танлаган касбига садоқат ва Ўзбекистон Президенти айтганидек, «Халқ дарди — менинг дардим», деб яшаш ва хизмат қилиш каби гоёлар йиғиндисидир.

Коммуникатив компетентлик муаммоси, аввало, педагогика, психология, фалсафа нуқтаи назаридан ўрганилган бўлиб, ушбу масаланинг айрим жиҳатлари Б. Зиёмухамедов, А. Ходжабоев, И. Хусанов, А. И. Авазбоев, Й. У. Исмадияров, М. Г. Воинова, Р. Х. Душанов, Ё. А. Фарфиев, О. А. Каримова, З. М. Гафаров, Ю. С. Крижанская, В. П. Третьяков, И. М. Юсупов каби олимлар томонидан ёритилган. Жумладан, Р. Х. Душанов ва Ё. А. Фарфиев «коммуникатив хусусиятлар ички ишлар органлари ходимлари касб маҳоратининг муҳим таркибий қисми»⁶ эканлигини, И. М. Юсупов «суҳбатлашиш том маънода — одамнинг коммуникатив-ташкilotчилик фаолиятига тайёр бўлиши»⁷ эканлигини, Ю. С. Крижанская ва В. П. Третьяков «Сўзлашишда коммуникация, энг аввало, ўз суҳбатдошига таъсир этиш»⁸ эканлигини таъкидлаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бўлажак ички ишлар ходимларида коммуникатив компетентликни ривожлантиришни, авваломбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни эркин ва мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни тўғри тушунадиган ва қўллаб-қувватлайдиган ҳамда ушбу жараёнлардан четда қолмайдиган, Ватан, оила олдидаги бурчини эсдан чиқармайдиган ходимларни тарбиялаш сифатида таърифлашимиз мумкин. Буларни амалга оширишда эса мустақиллигимиз ва миллий мафкурамиз асос бўлиб, «маънавий баркамолликка эришиш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, келажакка интилиш, фуқароларни янгича фикрлашга ўргатиш ва оммавий фикрни ривожлантириш» кабилар билан узвий бўлиши керак.

Бугун мамлакатимиз олий таълим соҳасини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари даражасига етказиш мақсадида чуқур институционал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда қабул қилинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 20 апрель) қарорида⁹ олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсади аниқ белгилаб берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (2017 йил 5 июль) фармонида¹⁰ уларнинг малакали, билимли ва етук мутахассис бўлиб тайёрланишига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, ёшлар бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлиши керак. Чунки ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлади¹¹.

Ҳозирги кунда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар бўлажак ички ишлар ходимларини юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тарбиялашга қаратилган. Бу ишларни амалга оширишда 2017 йил 16 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим пойдевор бўлди. Ушбу қарорда хусусан қуйидаги вазифалар белгиланган:

ходимларни, (жумладан, хизмат фаолиятдан ажратмаган ҳолда) ўқитиш ва махсус касбий тайёрлаш, мажбурий қайта тайёрлаш ва доимий малакасини ошириб боришнинг ички ишлар органлари кадрлар салоҳиятини оширишга имкон берадиган сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш;

ёшларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган дастлабки касбий билим, юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришни назарда тутадиган идоравий олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш бўйича самарали тартибни жорий этиш;

асосий қисми соҳавий фанларни ўқитишдан таркиб топган, шунингдек ҳудудий ички ишлар органларига бевосита чиқишни ва тергов-тезкор тадбирларда иштирок этишни назарда тутган амалий машғулотларни ташкил этишни ўз ичига олган янгиланган таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан ситуацион машғулотларни, масофадан ўқитиш тизимини кенг жорий этиш, таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш кабилардир.

Юқоридаги концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳар бир ички ишлар органлари ходимидан коммуникатив компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришни талаб қилади.

Тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг негизи ички ишлар органлари учун малакали, профессионал, энг муҳими, Ватанпарвар, ҳалол ва адолатли кадрларни тайёрлаш асосий вазифалардан биридир. Шунинг учун Президент Қарори билан ИИВ олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш бўйича самарали тартиб жорий этилиб, республикамиз ҳудудида жами 14 та ИИВ академик лицейлари ташкил этилди.

Бу ерда гап янги замонавий таълим тизимини жорий этиш, тез ўзгараётган оммавий, инфорацион ва техник жараёнларда билимдон ва ғайратли шахсни тарбиялашда сиёсий, психологик ва профессионал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ҳақида боради. Шунинг учун олий таълим муассасаларининг асосий вазифаси билим ва чуқур мотивацияга эга бўлган, жамият олдида турган муаммоларни таҳлил қила оладиган, уларни ҳал этиш чораларини кўрадиган, шунингдек масъу-

лиятни ўз зиммасига ола биладиган авлодни тарбиялашдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Мазкур қонун нормаларида ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимларнинг фаолияти давлат ва жамият олдида ўта муҳимлиги акс эттирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари, қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, тинчлик, осойишталик билан бевосита боғлиқ эканлиги белгиланган.

Қайд этиш лозимки, амалдаги қонунчилик нормаларига кўра, ички ишлар органи ходими фуқарога мурожаат қилганида ўз лавозимини, унвонини, фамилияси, исми шарифини айтиши, фуқаронинг талабига кўра хизмат гувоҳномасини кўрсатиши, шундан сўнг мурожаат қилишининг сабаби ва мақсадини маълум қилиши керак. Фуқарога нисбатан унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи чоралар қўлланилган тақдирда бунинг сабаби ва асосларини, фуқаронинг шу муносабат билан юзага келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини унга тушунтириш шарт.

Бу эса ҳар бир ходимдан коммуникативликнинг асосларини эгаллашни ва ўз хизмат вазифасини бажаришига қодир бўлишни талаб қилади. Зеро, коммуникатив компетентлик ички ишлар органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлиги оширилишига кенг йўл очади, жамиятда қонун устуворлиги, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида жуда асқатади.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш эса бевосита ички ишлар органлари учун мутахассис кадрларни тайёрлайдиган ўрта ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларига боғлиқ. Чунки ёш авлодга таълим-тарбия берадиган шахс, аввало, ўқитувчи-мураббийдир. Шунинг учун профессор-ўқитувчиларнинг бугунги меҳнати эртанги жамиятимизда намоён бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, ҳар бир ички ишлар ходими ўз халқига, Ватанига, бурчига, хизматига содиқ бўлиб, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, ўз ишининг устаси, халқ хизматкори бўлиши учун юқори даражадаги коммуникатив компетентликка эришиши лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг нутқи // Халқ сўзи. — 2017. — 3 авг.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // Халқ сўзи. — 2017. — 7 февр.

³ Қаранг: Халқ сўзи. — 2017. - 10 апр.

⁴ Қаранг: *Ожегов С. И.* Словарь русского языка. — М., 2007. — С. 177.

⁵ Қаранг: Словарь иностранных слов. — М., 2004. — С. 315.

⁶ *Душанов Р. Х., Фарфиев Ё. А.* Касбий психология.— Т., 2010. — Б. 77.

⁷ *Юсупов И. М.* Психология взаимопонимания. — Киев, 1991. — С. 121.

⁸ *Крижанская Ю. С., Третьяков В. П.* Грамматика общения. — СПб., 2000. — С. 79.

⁹ Қаранг: Халқ сўзи. — 2017. — 20 апр.

¹⁰ Қаранг: Халқ сўзи. — 2017. — 5 июль.

¹¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёшлар иттифоқининг йиғилишидаги нутқи // Халқ сўзи. — 2017. — 27 июль.

